

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«МОЛИЯ» КАФЕДРАСИ**

**СУҒУРТА ИШИ**

**фанидан**

# **МАЪРУЗАЛАР МАТНИ**



**НАМАНГАН - 2005**

Ушбу маъruzалар матни 5340600 – «**Молия**», 5340900 – «**Бухгалтерия хисоби ва аудит**» таълим йўналишидаги талабалар учун мўлжалланган.

Тузувчилар: катта ўқитувчи **Ш. Мамажонов**  
катта ўқитувчи **Д. Инамова**

Такризчи: и.ф.н. доцент **А.Юлдашев**

Ушбу тўлдирилган ва қайта ишланган маъruzалар матни институт ўқув-услубий кенгашининг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2005 йил \_\_\_\_-сонли ийғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

## **М У Н Д А Р И Ж А**

- [1-Мавзу:](#) Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
- [2-Мавзу:](#) Ўзбекистонда суғуртанинг шаклланиш тарихи
- [3-Мавзу:](#) Суғурта атамалари ва тушунчалари
- [4-Мавзу:](#) Суғуртанинг гурухланиши
- [5-Мавзу:](#) Суғурта ҳуқуқи
- [6-Мавзу:](#) Республика суғурта ташкилотларини бошқариш
- [7-Мавзу:](#) Мол-мулк суғуртаси
- [8-Мавзу:](#) Тадбиркорлик хавф-хатарлари суғуртаси
- [9-Мавзу:](#) қишлоқ хўжалиги суғуртаси
- [10-Мавзу:](#) Шахсий суғурта ва суғуртанинг бошқа йўналишлари
- [11-Мавзу:](#) Қайта суғурталаш
- [12-Мавзу:](#) Суғурта фаолиятининг молиявий асослари
- [13-Мавзу:](#) Жаҳон мамлакатларида суғуртанинг ривожланиш хусусиятлари

## **1. Мавзу : Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти**

### **Режа**

1. Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва функциялари
2. Суғуртани турқумлаштириш асослари
3. Суғурта бозори ва унинг таркибий тузилиши

### **Суғуртанинг иқтисодий моҳияти ва функциялари**

Суғурта ижтимоий муносабатлар тарихий категорияларидан биридир. У жамият қурилишининг ilk даврларидан юзага келиб, аста-секин ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ажралмас ҳамрохига айланди. Суғурта иборасининг бирламчи маъноси "қўрқув" ("страх") сўзи билан боғлиқдир. Мулк эгалари бир-бирлари билан ишлаб чиқариш муносабатларига киришар эканлар, мулкнинг сакланишига, табиий офатлар, ёнгин, угирлик ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа кўзда тутилмаган хавф-хатарлари натижасида яксон булиши ёки йўқотилишига нисбатан куркув хис этганлар. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таваккалчилик ҳарактери бу мулк эгаси ва товар ишлаб чиқарувчининг моддий фаровонлиги учун хавотирланишининг асосий сабабчисидир. Шу асосда моддий заарни манфатдор мулк эгалари уртасида биргаликда коплаш гояси юзага келди.

Ривожланган жамият шароитида суғурта мулкчиликнинг барча шаклларини, корхоналар, ташкилотлар, фукаролар даромадлари ва бошқа манфатлари химоясининг асосий воситасига айланди. Суғурта ишлаб чиқариш муносабатларининг зарурий элементидир. У ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги моддий заарларни қоплаш билан боғлиқдир. Нормал ишлаб чиқариш жараёнининг муҳим шарти унинг узлуксизлиги ва тухтовсизлиги хисобланади. Ишлаб чиқаришнинг доимо янгиланиб бориши инсонларнинг барча ижтимоий-иктисодий формацияларда, шу жумладан ривожланган жамиятда ҳам мавжуд эҳтиёжларини кондириш учун зарурдир.

Агарда ижтимоий ишлаб чиқариш жараёни табиий офатлар ёки бошқа фавкулодда ходисаларнинг салбий оқибатлари таъсирида тухтаса ёки бузилса, у холда жамият аввало турли олдини олиш тадбирларини амалга оширишга, мабодо улар кузланган натижани бермаса, у холда етказилган моддий заарни коплашга, ишлаб чиқаришнинг нормал шароитларини қайта тиклашга мажбур булади.

Инсон ва табиат уртасидаги қарама - каршилик билан асосланган ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таваккалчилик ҳарактери, биринчи

навбатда, табиий ва бошқа оғатларнинг салбий оқибатларини олдини олиш, бартарф килиш ҳамда етказилган зарарни коплашни юзага келтиради. Бу объектив муносабатлар инсонларнинг эришган ҳаёт даражасини саклаб колишга булган реал ва мавжуд эҳтиёжини акс эттиради. Мазкур муносабатларни алохидаги хусисиятлар ажратиб туради ва уларнинг йигиндиси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг суғуртавий химоялаш иктисадий категориясини ташкил этади.

Суғурта иктисадий категория сифатида молия категориясининг таркибий кисми хисобланади. Аммо, молия тулалигича даромадларни таксимлаш билан боғлиқ булса, суғурта эса факатгина қайта таксимлаш муносабатларинигина камраб олади.

Суғуртанинг хусисиятларини олиб борувчи белгиларни қўйидагича келтиришимиз мумкин:

1. Суғуртада тусатдан, олдиндан кузда тутилмаган ва билиб булмайдиган холатлар, яъни суғурта ходисалари эҳтимоли мавжудлиги билан асосланувчи қайта таксимлаш пул муносабатлари юзага келади;

2. Суғуртада курилган зарарни суғурта иштирокчилари, яъни суғурталанувчилар уртасида коплаш амалга оширилади. Зарарни бундай коплаш усули зарап курувчи хўжаликлар сони суғурта иштирокчилари сонидан кам булиши эҳтимоллигига асосланади, айникса иштирокчилар сони етарлича катта булганда.

Зарарни бундай коплашни ташкил килиш учун максадли йуналтирилган суғурта фонди ташкил килинади. Бу фонд суғурта иштирокчиларининг бадаллари хисобидан шакллантирилади. Суғурта фондининг маблаглари факатгина уни ташкил килганлар уртасида ишлатилади, суғурта базасининг хажми эса ҳар бир катнашчининг зарарни коплашдаги улушини билдиради. Шунинг учун, суғурта катнашчиларининг доираси канчалик кенг булса, суғурта базасининг хажми шунга мос ва суғурта ҳам самарали булади.

3. Суғурта зарарни коплашни ҳудудий бирлик ва маълум вакт давомида амалга оширишни кузда тутади. Бунда йил давомида суғурталанувчилар уртасида суғурта фондини ҳудудлар бўйича самарали қайта таксимлаш учун етарли катта ҳудуд ва суғурталашга тегишли обьектлар талаб килинади.

Суғуртанинг иктисадий моҳиятига унинг функциялари мос келади.

Суғуртанинг қўйидаги функциялари мавжуд.

1. Таваккалчилик
2. Олдини олиш
3. Жамгариш
4. Назорат

Таваккалчилик функциясининг амал килиши давомида суғурта иштирокчилари уртасида булиши мумкин булган суғурта ходисалари окибатлари билан боғлиқ пул шаклидаги кимматнинг қайта таксимланиши рўй беради.

Олдини олиш функцияси суғурта фонди маблагларининг бир кисми хисобидан суғурта таваккалчилигини камайтириш бўйича тадбирларни молиялаштиришга йуналтирилади. Ҳаёт суғуртасида суғурта категорияси кредит категорияси билан ҳаётни маълум муддатгача суғурталаш шартномалари бўйича маблагларни жамгаришда анча якинлашади. Ҳаёт суғуртаси оркали пул маблагларини жамгариш оиласида шароитида суғуртавий химояга булган эхтиёж билан боғлиқдир.

Суғуртанинг назорат функцияси суғурта фондининг катъий максадли шакллантирилиши ва унинг маблагларидан тўғри фойдаланишидан иборат. Мазкур функция юкоридаги уч узига хос функциялардан келиб чикади ва конкрет суғурта муносабатларда улар билан бирга номаён булади.

### **Суғуртани туркумлаштириш асослари**

Суғурта ихтисослаштирилган суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Уларнинг фаолият доираси ички, ташки ёки аралаш суғурта бозорларини камраб олган булиши мумкин. Шу билан бирга ривожланган суғурта бозори шароитида ҳам давлат ичкарисида, ҳам четда амалга ошири-

лиши мумкин. Бу суғуртанинг ташкилий туркумланишидир. Аммо, суғурта муносабатларининг мазмуни суғурта обьекти ва хавф-хатари турлари бўйича туркумланиши ёрдамида намоён булади.

Унинг шартлари суғурта масъулиятининг хажмлари бўйича фарқ килади, у конун кучида ва ихтёрий равишда амалга оширилиши мумкин. Суғурта муносабатларининг турличалигининг тартибга солиш ва узаро боғлиқ ягона тизимини шакллантириш учун суғуртани туркумлаш зарурдир.

Суғуртани соҳаларга булиш асосида уларнинг обьектлари бўйича фаркланиши ётади. Бу омилга мос равишда барча суғурта муносабатлари йигиндисини қуидаги тармокларга булиш мумкин.

1. Мулкий суғурта
2. Шахсий суғурта
3. Жавобгарлик суғуртаси
4. Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси

Мулкий суғурта обьекти бўлиб моддий кийматликлар хисобланади. Шахсий суғуртада- фукароларнинг ҳаёти, соглиги, меҳнат кобилияти,

жавобгарлик сұғуртасида объект бўлиб сұғурталанувчиларнинг турли жавобгарликлари, масъулиятлари хисобланади. Тадбиркорлик таваккалчиликлари сұғуртасида эса, объект вазифасини тадбиркорлик ишлари бўйича турли таваккалчиликлар бажаради.

Сұғурталанувчиларни сұғурталовчилар билан сұғурта муносабатларига кириши ва сұғурталанувчиларга кулайлик яратиш максадида сұғурта тармокларини конкрет сұғурта турларига булиш зарурати пайдо булади. Шахсий сұғурта бўйича сұғуртанинг қўйидаги турлари амалга оширилади: ҳайётни аралаш сұғуртаси, улим холати ва меҳнатга лаёкатсизликни сұғурталаш, болалар сұғуртаси, Кўшимча пенсия сұғуртаси, баҳтсиз ходисалардан сұғурталаш ва бошқалар.

Жавобгарлик сұғуртасига кредитни ёки бошқа карзларни қайтара олмасликтан сұғурталаш, юкори хавф-хатар манбалари эгаларининг фукаролик жавобгарлиги сұғуртаси ва бошқалар киради. Тадбиркорлик таваккалчиликлари сұғуртаси дастгохларни тухтаб колиши, савдодаги тухталишлар натижасида зарар куриш ёки фойда олмаслик сұғуртаси, яъни техника-технологияларни куллаш таваккалчиликлари сұғуртаси каби турларга булинади.

Мажбурий сұғурта турлари, шартлари ва уни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Томонларнинг хохиш-иродасига мувофик амалга ошириладиган сұғурта ихтиёрий сұғурта хисобланади. Ихтиёрий сұғуртанинг шартлари томонларнинг келушивига асосан белгиланади. Сұғурталанувчи ва сұғурталовчининг хукуклари ҳамда бурчлари, шунингдек ҳар бир сұғурта турларининг шартлари тегишли сұғурта шартномалари билан белгилаб куйилади.

### **Сұғурта бозори ва унинг таркибий тузилиши**

Сұғурта бозори- бу сұғурта холатлари рўй берганда жисмоний ва хукуқий шахсларни мулкий манфаатларини сұғурталанувчиларнинг пул маблаглари хисобидан химоя килишда акс этувчи сұғурта хизматлари олди-сотдиси бўйича иктисодий муносабатлар йигиндиси. Сұғурта бозорини амал килишининг асосий шарти сұғурта хизматларига эҳтиёж (талақ) ва бу эҳтиёжларни кондиришга лаёкатли сұғурталовчиларнинг мавжудлигидир. Сұғурта бозори таркибий жихатдан ташкилий-хукуқий ва ҳудудий жихатлари бўйича булинниши мумкин.

Ташкилий-хукуқий жихатдан акционер, биргалиқдаги, хусусий ва давлат сұғурта ташкилотларидан иборат булади. Ҳудудий жихатдан эса миллий, минтакавий ва халкаро сұғурта бозорларига булинади. Миллий сұғурта бозори бирон-бир мамлакат ҳудудидаги сұғурта компаниялари ва

уларнинг фаолиятини камраб олади. Бунга Ўзбекистон суғурта бозорини мисол килиб олишимиз мумкин.

Хозирги кунда миллий суғурта бозоримизда куплаб суғурта ташкилотлари фаолият курсатмокда. Улардан энг йириклари давлат мулки иштирокидаги суғурта компаниялари бўлиб, улар "Ўзагросуғурта" ДАСК,

"Кафолат" ДАСК, "Ўзбекинвест" ЭИМСК, ва "Мадад" суғурта агентликларидир. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда йигиладиган суғурта тушумларининг кариб 40 фоизидан ортиги АқШ хиссасига тўғри келади.

Минтакавий суғурта бозори деганда, савдо-иктисодий ва бошқа жихатлардан узаро якин муносабатда булган бир нечта мамлакатлар худудларини камраб оловчи бозор тушунилди. Халкар суғурта бозори сифатида дунё микёсида суғурта фаолиятини олиб борувчи мамлакатларнинг суғурта бозори тушунилди. Суғурта бозори бозор муносабатлари субъектларининг мустакиллигини, уларнинг суғурта хизматлари олди-сотдиси бўйича teng хукукли ҳамкорлигини кузда тутади.

Суғурта бозорининг субъектлари қўйидагилардан иборат:

1. Уз манфаатларидан келиб чикиб суғурта химояси бўйича хизматларни сотиб оловчилар (суғурталанувчилар);
2. Бундай хизматларни ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар (суғурталовчилар);
3. Мазкур шахслар уртасидаги воситалар (суғурта агентлари ва брокерлар);
4. Суғурталangan шахслар;
5. Манфаатдор шахслар (наф оловчилар);
6. Учинчи шахслар.

Ички суғурта бозорини молиявий таркибини суғурта ташкилотларининг моддий ва молиявий ресурслари ташкил килади. Суғурта бозорининг асосий вазифаси суғурта хизматларига талабни шакллантириш (маркетинг, реклама), шартномалар тузиш ва суғурта полисларини сотиш, максадга мувофик ва эгилувчан тариф сиёсатини олиб бориш, уз инфра-тузилмасини тартибга солиш хисобланди.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Суғурта тушунчаси.
2. Суғуртани бошқариш.
3. Суғуртанинг функциялари.
4. Суғурта компанияси.
5. Суғурта тармоклари

## **Назорат учун саволлар**

- 1) Суғуртанинг иқтисодий мөхиятини тушунтириб беринг?
- 2) Суғуртанинг функциялари нималардан иборат?
- 3) Суғуртани туркумлаштириш деганда нимани тушунасиз?
- 4) Суғурта тармоклар бўйича қандай гурухларга булинади?
- 5) Суғурта бозорининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамиятини тушунтириб беринг?
- 6) Суғурта бозорининг қандай турлари мавжуд?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конуни «Суғурта фаолияти ҳақида» Тошкент 2002 й
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Собиров Х.Р. «Хитойда суғурта» (Иқтисод ва хисобот, 3, 1996)
2. Собиров Х.Р. «Аҳамонийларлар даврида солик ислохоти» «Ўзбекистон солиқлари хабарномаси» 1997 й.
3. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1999 г.
4. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
5. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
6. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1999

## **2-Мавзу : Ўзбекистонда сұғартанинг ривожланиши**

### **Режа**

1. Жаҳонда сұғартанинг вужудга келиши
2. Россияда ва Туркистанда сұғартанинг вужудга келиши
3. Мустакилликдан сунг Ўзбекистонда сұғартанинг ривожланиш хусусиятлари

#### **Жаҳонда сұғартанинг вужудга келиши.**

Сұғурта тушунчаси пул ва кредит тушунчаларидан олдин шаклана бошлаган. Дастрлабки жамоа тузуми даврида ҳар бир оила ҳаёт учун әнг зарур озик-овкат захираларни гамлаш заруриятини тушуна бошлаганда, за-

хиралар етарли булмаса ёки бирор ходиса туфайли Қўшимча моддий неъматлар эҳтиёж сезилса күшнилардан карз олинган, бузилган иморатлар хашар йули билан тикланган.

Давлат йули билан металлдан пул зарб килингунга кадар, олтин ва кумуш воситаси билан захиралар тупланган. Асрлар давомида куни күшнилар уртасидаги иктисадий мұносабатлар кишилек ва махалла мікёсида кенгайған, заар кулами хўжалик учун катта булғанда жабрланған оиласарини бу ахволдан куткариш учун биргалашиб маблаг туплаш оркали моддий ёрдам уюштирилған. Шунингдек савдо карвоңлари узок сафарда угрилар томонидан талансалар, курилган заар карвоң иштирокчилари уртасида teng таксимланған. Лекин кейинчалик заар міқдорини таксимлаш сафар тайёгарлиги курила бошлаганда махсус фонд тузилиб, бу фонд хисобидан факат курилған заар заар эмас, балки савдогарнинг оила аъзолари ҳам баҳраманд этилған.

Сұғурта фондининг дастрлабки шакларидан бири закот хисобланади. Закот ҳақида куръонда бир неча маротаба эслатиб утилади. Масалан, шундай деб курсатилған у (оллох) узумзор боллар, бустонлар, хурмою-анвойи мевали, зироатли, зайдун, хилма-хил анорлар яратди. Уларнинг меваси пишганда, ундан тановвул килинглар, хосил йигилганда унинг ушрини беринглар. Ана шу тавсияларга асосан аҳолининг мухтож табакаларига ёрдам бериш айникса табиий оғат оқибатларидан куткариш, дастрлаб закот бериш, кейинчалик садака шаклида амалга оширилған".

"Закотнома" китобида закот сифатида тупланган маблаглар факирлар, мискинлар, карздорлар, мусофиirlарга, уларнинг оғир ахволарини енгиллаштириш учун ёрдам сифатида берилгани курсатилган. Бунда факир деб узининг қундалик эҳтиёжларини коплашга ҳам курби етмаганлар, мискин, деб факирларга нисбатан ҳам янада ночорок инсонлар кузда тутилади. Буларнинг аянчли ахволлари сабабларидан бири кузда тутилмаган табиий оғатлар натижасида камбагаллашганликлари булиши мумкин, карздорлар ҳақида гап борганда, хайрли ишларни бажараман, деб узрли сабаблар туфайли кузлаган режаларини амалга ошира олмай карздор бўлиб колганлар кузда тутилади.

Нафака бериладиган мусофиirlарга сафар жараёнида пул ва молларини йукотиб, муҳтоҷликка тушганлар киради.

Айрим олимлар суғурта дастлаб Европада кулланилган, деган фикрдалар. Халкаро савдодаги мол-мулк суғуртаси ҳақида гап борганда Бобил давлатининг юртбошчиси Ҳаммурапий конунларида мелоддан олдин фондсиз суғурта булгани савдо карvonларига етказилаған заар узаро таксимланиб, ёрдам уюштирилгани курсатилган. Бу конун тавсиялари халкаро савдо йули билан бошқа мамлакат савдогарлари карvonларига ҳам таркалган, хатто Буюк Ипак йули оркали сафарда булган савдогарлар бу усулдан фойдаланганлар.

Шарқда Амир Темур хукмронлиги давригача ташки савдода фондли ва фондсиз суғурта давом этган. Амир Темур ташки савдони кенгайтириш ва ривожлантиришга каратилган катор тадбирларни амалга ошириш муносабати билан савдогарларни таланганды мол-мулклари давлат томонидан тиклаб бериладиган булган. Лекин табиий оғатлардан курилган заарар карvon иштирокчилари зиммасига юклатилган. Темурийлар хукмронлиги ва ундан кейинги даврларда Ўзбекистон ҳудудида табиий оғатлардан курилган заарларни коплашда узаро ҳамкорликда суғурталаш ва закот хисобидан заарни коплаш давом эттирилган.

### **Россияда ва Туркистонда суғуртанинг вужудга келиши**

Европада суғурта соҳасида 1666 йил Лондонда содир булган улкан ёнгиндан кейин XVII асрдан бошлаб, биринчи суғурта ассоциациялари ташкил килиниб, бундай суғурта бирлашмалари фактати Англияда эмас, балки Франция, Италия, Дания, Швецияда шаклланди. Россияда дастлаб Екатерина II замонида хорижий мамлакатларнинг суғурта ташкилотлари фаолият курсатдилар, лекин биринчи миллий суғурта бирлашмалари 1827, иккинчиси 1833 йилда ташкил килинди.

XX асрнинг бошида Туркистонда хорижий ва Россия хусусий суғурта ташкилотларининг Нью-Йорк, "Эвитель", "Урбен" ва бошқа ном билан юритилган хорижий ва Россия суғурта бирлашмаларининг бўлимлари ташкил килинди. Бу жамиятлар савдогарлар, фабрика-завод эгалари, йирик ер эгаларига карашли мол-мулкларини суғурта килар эдилар.

Маълумки, шуро хокимияти ташкил этилишининг биринчи кунлариданок жамиятда мавжуд булган "капиталистик унсурлар"ни тагтомири билан йукотишга киришилди.

Мамлакатда фаолият курсатаётган барча суғурта ташкилотларини ягона ташкилотга бирлаштириш шуро хокимиятини мудофаа кобилиятини мустахкамлаш ва халк хўжалигини ривожлантириш учун давлат катта миқдорда молиявий ресурсларга муҳтожлигидан келиб чиккан эди.

1918 йилнинг 28 октябрида Халк Комиссарлар Кенгаши "Россия Республикасида суғурта ишини ташкил этиш тўғрисида" декрет кабул килди ва мазкур хужжат суғурта соҳасида ракобатни тутатишга йуналтирилган муҳим қадам бўлди. Ушбу декрет коидаларига мувофик, суғурта соҳасида давлат манополияси урнатилди ва акциядор ҳамда бошқа суғурта жамиятларининг мол-мулки тулалигига давлат тасарруфига утказилди.

1924 йилда Урта Осиё заминида миллий чегараланиш утказилгандан кейин, Урта Осиё суғурта бош бошқармаси тутатилди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида суғурта бошқармаси ташкил килинди. Бошқарманинг марказий вилоят идораларида дастлабки йилларда 207 ходим ишлади. Суғурта бошқармаси уз фаолиятини дастлаб шахсий суғуртани ташкил килишдан бошлади.

Суғурталанганларнинг 35 фоизини ерли миллат кишилари ташкил килди. Булар орасида дехконларнинг хиссаси купчиликни ташкил килар эди. Шундай килиб, аҳоли уртасида суғуртага кизикиш ва интилиш йил сайн кучайиб борди. Лекин, суғуртани янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун суғурта соҳасида мутахассислар этишмас эди. Шунга карамасдан, хўжаликни тиклашда эришилган муваффакиятлар натижасида шахсий суғурта билан бирга ёнгинга карши суғурта, транспорт суғуртаси, чорва моллари суғуртаси ва кисман кишлок хўжалик экинларини суғурталаш доираси кенгайиб борди.

### **Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда суғуртанинг ривожланиш хусусиятлари**

1991 йилда "Мол-мулкларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги конуннинг кабул килиниши билан Ўзбекистон Республикасида кенг микёсида давлатга тегишли булган

корхоналарни ижарага бериш, хиссадорлик жамиятларига айлантириш жараёни бошланди. Иктисодий ислохотлар кучли ижтимоий сиёсатни уйгуналаштириш оркали боскичма-боскич амалга оширилди.

Маълумки, илгари барча корхоналар давлатнинг ихтёрида булганлиги туфайли, уларни ҳар хил қунгилсиз ходисалардан суғурталашга эхтиёж булмаган. Мазкур корхоналарга суғурта ходисалари натижасида зарар етказилса, бу заарлар давлат маблаглари хисобидан бемалол копланар эди. Аммо, мол-мулкларни давлат тасарруфини чиқариш ва хусусийлаштириш нитижасида нодавлат секторида корхоналарни пайдо булиши уз-узидан суғурта хизматларига булган талабни сезиларли равишда ошириди.

Ўзбекистоннинг бозор иктисодиёти шароитида уз мустакиллигига эришганлиги суғурта соҳасида ҳам илгариги мустамлакачилик колдикларини тугатишга, республикада жаҳон стандартига асосланган мустакил суғурта тизимини барпо этишга кенг имкониятлар яратилди.

1993 йилнинг 6 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (хозирги Олий Мажлис) "Суғурта тўғрисида" ги конун қабул килди. Мазкур конун суғуртани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини, республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришда суғуртанинг мавкеи ва ўрнини белгилаб берди, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига булган талабини туларок кондирилишини, шунингдек суғурта муносабатлари барча иштирокчиларини манфатларини химоя килиниши ва мажбуриятларга риоя этилишини таъминлади.

1992-1994 йилларда иктисодиётнинг барча бугинларида монополияга барҳам берилиши ва хусусийлаштириш жараёни кучайишига қарамасдан, Ўзбекистон суғурта бозорида давлат суғурта муассасаларини устунлиги сакланиб колди. Мамлакатнинг шаҳар ва туманларидағи асосий суғурта операциялари Ўзбекистон Молия вазирлиги хузуридаги давлат суғурта Бош бошқармаси ва унинг жойларидаги булинмалари томонидан амалга оширилди. Агар, ушбу даврда суғурта бадаллари таркибини чукуррок таҳлил киладиган булсак, умумий ҳажмда шахсий суғуртанинг улуши кам эканлигини куришимиз мумкин. Хусусан, 1991 йилда суғурта бадалларининг умумий ҳажмида шахсий суғуртанинг умумий ҳажми 38,5 фоизини ташкил этган булса, 1992 йилда мазкур курсаткич 16,2 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби пулнинг кадрсизланиши ва уша пайтда ижтимоий-иктисодий хаётда рўй берган тангликлар билан боғлиқдир.

1993-1994 йиллар давомида суғурта соҳасида монополиядан чиқариш жараёни бир мунча тезлашди. 1994 йил охирларида мамлакат нодавлат секторида 60 дан ортик суғурта ташкилотлари фаолият курсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига мувофик 1994 йил 21 январда «Ўзбекинвест» миллий суғурта компанияси (1997 йил

Вазирлар Махкамасининг карорига мувофик "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сұғурта компанияси килиб узгартырıldı) ташкил этилди. Унинг асосий максади республика иктисадиётида экспорт усшини янада рагбатлантириш, Ўзбекистонлик экспортчиларни сұғуртавий химоя килишни таъминлаш, хорижий мамлакатлар инвесторлари билан алока килувчи узбек инвесторларининг фаолиятини кучайтириш, иктисадиётнинг устувор тармокларига жалб этилаётган чет эл инвестицияларини комплекс сұғуртавий химоя килишдан иборат.

Сұғурта хизматлари соҳасини самарали ривожлантиришни таъминлаш, дехкончилик махсулоти етиширувчиларни ва аҳолини сұғурта йули билан химоя килиш учун кулай шарт-шароитларни яратиш максадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 февралдаги Фармонига мувофик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги давлат сұғурта бош бошқармаси негизида "Ўзагросұғурта" Давлат Акциядорлик сұғурта компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 14 мартдаги карорига мувофик ташкил этилган "Кафолат" Давлат Акциядорлик сұғурта компаниясининг асосий фаолият йўналиши шаҳар аҳолиси ҳаётини, саломатлиги ва мол-мулкини, республика шаҳарларида юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчилкларини сұғурта йули билан химоя килинишини таъминлашдан иборат.

"Мадад" сұғурта агентлиги эса 1995 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий максади хусусий тадбиркорлик, кичик ва урта бизнесни куллаб-куватлашдан, уларга самарали сұғурта хизматлари курсатишдан иборат.

2002 йилнинг 5 апрелида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан "Сұғурта фаолияти тўғрисида"ги мустакилликдан кейинги иккинчи конун кабул килинди. Мазкур конун республикамида сұғурта хизматлари самарадорлигини оширишда муҳим кадам булади.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

1. Фондли сұғурта.
2. Сұғурта фонди.
3. Фондсиз сұғурта.
4. Сұғурта конуни.
5. Закот.

### **Назорат учун саволлар**

- 1) Сұғурта тушунчаси қандай келиб чиккан?

- 2) Суғурта дастлаб қандай шакларда амал килиб келди?
- 3) Темур ва Темурийлар даврида суғурта қандай хусусиятлар касб этган?
- 4) Россияда суғуртанинг ривожланиш йўналишларини айтиб беринг?
- 5) Собик Иттифок даврида Ўзбекистонда суғурта қандай йўналишлар бўйича ташкил этилган?
- 6) Мустакиллик даврида суғурта соҳасида қандай узгаришлар амалга оширилди?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент. 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конуни «Суғурта фаолияти ҳақида» Тошкент. 2002 й
2. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
3. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998й.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Собиров Х.Р. «Аҳамонийлар даврида солик ислохоти» «Ўзбекистон солиқлари хабарномаси» 1997 й.
2. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1999 г.
3. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
4. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
5. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1999.

### **3-Мавзу: Сұғурта атамалари ва түшунчалари**

#### **Режа**

1. Сұғурта атамашунослиги суғуртанинг узига хос муносабатларни ифода қилувчи восита сифатида
2. Сұғуртанинг ташкилий қирраларини ифодаловчи атамалар
3. Сұғурта маблагларининг сарфланиши билан боғлиқ атамалар
4. Амалиётта қулланиладиган хорижий атамалар

#### **Сұғурта атамашунослиги суғуртанинг узига хос муносабатларни ифода қилувчи восита сифатида**

Сұғуртада мужжассамлашадиган куп қиррали муносабатлар сўз атама терминлар орқали мазмунан ифода қилинади.

Электрон хисоблаш машиналарида атамалар формула орқали ифода қилинади. Формула аҳамиятини билмаган китобхон унга тушуна олмайди. Сұғуртанинг узига хос атамалари, түшунчалари бор. Агар бу маҳсус атамалар мазмунини билинмаса, сұғурта жараёнини тушуниш қийин. Атамалар ёрдами билан сұғурта муносабатларни ташкил қилувчиларни хукуқ ва вазифалари белгиланади. Куп қиррали сұғурта фаолияти ҳам ташкил қилинади. Шундай қилиб, куп қиррали жараённи шакллантириш учун сұғурта атамаларининг мазмунини яхши ўрганиш лозим.

Сұғурта фаолиятида унинг узига хос атамалари билан бирга бошқа фан ва иқтисодиёт соҳаларидан кирган атамаларга ҳам дуч келинади.

Сұғурта фаолиятида иштирок этадиган атамалар урта хисоб билан 400 га яқин булса, шулардан 50-60 таси узига хос сұғурта атамаларидир. Кейинги йилларда уларниң сони ортиб бормоқда. Касалликдан нобуд булган хайвонларга қоплама туланади, бу касалликларниң сони 100 дан ортади, лекин бу жараёнга уларга 20 га яқин сұғурта атамалари хизмат қиласи.

Шунингдек, сұғурталанадиган усимликлар сони 30 дан ортади. Лекин уларга хизмат қилувчи атамалар сони куп эмас.

Уларнинг суғурта учун аҳамияти шундан иборатки, бу атамалар суғурта жараёнининг қалити хисобланади. Калитсиз эшик очиб булмагандек атамаларнинг мазмунини тушунмасдан суғурта ишини бошқариб булмайди.

Суғурта атамаларини тушуниш учун уларни гурухларга булинади. Атамалар 4 гурухга булинади. Биринчи гурухга суғуртанинг энг муҳим ташкилий-қирраларини, шартларини ифодаловчи атамалар, иккинчи гурухга суғурта фондини шаклланиши билан bogланган атамалар, учинчи гурухга суғурта фондини сарфланиши билан bogланган атамалар, туртинчи гурухга эса ҳалқаро суғурта атамалари киради. Ҳар бир гурух таркибида 10 дан ортиқ суғурта атамалари мавжуд.

Афсуски узбек тилининг изохли лугатида «суғурта» сўзи йўқ, лекин «страхование» сўзи бор. «Страхование» – рус тили лугатида, қатнашчилари томонидан страхование фонди тузиб, табиий офатлар, баҳтсиз ходисалар натижасида етган заарлар ўрнини қоплаш, шунингдек, муайян ходисалар юз бериши муносабати билан маблаглар тулаш системаси.

С.Айний «эсдаликларида суғурта атамаси ўрнига» страхование сўзи ишлатилган, И.Ожеговнинг машхур рус терминларининг изохли лугатида курсатилишича «страхование» деганда бирор буюм нарсани хавфли ёки кунгилсиз ходисадан асраш, маблаг туплаш, содир булиши мумкин булган заардан асраш, содир булганда қоплаш учун пул жамгармаларини шакллантириш тушунилади.

Суғурта атамаси ҳақида фақат узбек тилида эмас, балки бошқа тилларда ҳам аниқлик йўқ. Шу сабабли Люксембург шахрида 1960 йилда хуқуқ конгрессида суғуртанинг келиб чиқиши қатнашувчиларнинг диққат марказида булган.

Бунда суғурта атамасининг илдизини «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» тамойилларидан ахтариб, жамоа бўлиб суғурта фонди ташкил қилиш заарларини қоплашда алоҳида хўжалик учун арzonга тушиши, заарларни барча суғурталанувчилар уртасида тақсимланганлиги қайд қилинган. Конгрессда дехқонлар, хунармандлар табиий офатлар натижасида узил-кесил хонавайрон булмасликлари, уз хўжаликларни тиклаш учун узаро фонд ташкил қилишлари курсатиб утилган. Унинг хисобидан заарлар арзон ва қулай қопланган. Шундай қилиб конгрессда суғурта сўзини хавф-хатар, даҳшат, қурқув ва бошқа маъноларни билдириши, шунингдек, суғурта курсатилган руҳий холатларга тушишга мажбур қилган ҳаражатларни қоплаш билан bogланган иқтисодий муносабатларни ифода қилиши таъкидлаб утилган.

### **Суғуртанинг ташкилий қирраларини ифодаловчи атамалар.**

Суғурта фаолиятини ташкил қилиш билан бөглиқ атамалар «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонунда курсатилған. Бу атамаларга қуидагилар киради.

- *Суғурталанувчи*
- *Суғуртанинг обьекти*
- *Суғурта химояси*
- *Суғурта манфаатдорлиги*
- *Суғурта жавобгарлиги*
- *қайта суғурта қилиши*
- *Узаро суғурта қилиши*
- *Суғурта вакиллари*
- *Суғурта гувохномаси*
- *Суғурта қопламасини оловчи.*

куйида ҳар бир атамага алохида-алохида тухталиб утамиз.

**Суғурталовчи.** Суғурта қилувчи ташкилот яни, табиий оғат ёки бошқа кузда тутилмаган сабаблар натижасыда курилған заарларни суғурта ҳақидаги қонун ёки суғурта шартномаси асосида шартлар кузда тутиб қоплашни уз зиммасига оловчи ташкилотлар. Суғурта ташкилотларининг «Ўзагросуғурта», «Кафолат», «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси каби турлари мавжуд.

Узига тегишли мол-мулкни суғурта қилдирған корхона, хўжалик ташкилот ёки уз ҳаётини суғурталовчи фуқаролар суғурталанувчи хисобланадилар. Мажбурий суғурта бўйича суғурта ташкилоти рўйхатидан утган мол-мулк эгалари ёки ихтиёрий суғурта бўйича шартнома тузиб, суғурта бадалини тулаганлар суғурталанувчилар қаторига киради.

**Суғуртанинг обьекти.** Мулк суғуртасида обьект сифатида моддий бойликлар мол-мулк кузда тутилса, шахсий суғуртада фуқароларни ҳаёти соглиги ва меҳнат қобилияти кузда тутилади. Суғурта предмети ана шу обьектларни таркибий қисмларидир. Масалан, қишлоқ хўжалиги суғуртаси обьекти бўлиб, экинлар хосили, чорва молларининг сони, мол-мулк турлари, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари суғурта предмети хисобланади.

Уй-жойда сақланувчи мол-мулклар обьект булса, уй рузгор буюмлари, мебеллар, гиламлар, телевизорлар бу суғуртанинг предмети хисобланади. Шахсий суғурта предмети бўлиб, маълум ёшга етиш, меҳнат қобилиятини йуқотиш ва вафот ходисалари мисол булади.

**Суғурта химояси.** Суғурта химояси фавқулодда кузда тутилмаган оғатлардан химоя қилишни муҳим шартларидан хисобланади. Кадим замонлардан шаҳарлар ташкил этилганда хужумлардан химоя қилиш учун

деворлар қурилган ва суғурта химояси ҳам булган. Бу моддий жихатдан суғурта фондиendir. Суғурта химояси факат фонд эмас, балки етказилган заарларни қоплаш билан bogланган тақсимлаш ва қайта тақсимлаш муносабатларини узида мужжассамлаштиради. Бу муносабатлар республика шаҳар, туманлар миқёсидаги объектларга етказилиши мумкин булган заарлардан химоялашни кузда тутади. Бундай химоялаш аҳолига тегишли мулкларни ҳар хил суғурта ходисаларидан асрашга ёрдам беради. Бундай химоялаш суғуртанинг огохлантириш функциясида уз ифодасини топади.

**Суғурта манфаатдорлиги.** Суғурта масалалари билан шугулланиш унга нисбатан манфаатдорликдан бошланади. Ишлаб чиқаришни хавф-хатардан холи эмаслиги сабабли суғурталаш масалаларига қизиқиш бошланади, чунки суғурта обьекти заарланганида суғурталанувчига зарар сўммаси берилади. Бу сўммани суғурта қопламаси деб аталади. Суғурталанувчи курган зарар учун олган қопламаси суғурталанувчидан суғурта сўммасини олишдан манфаатдор булади.

**Суғурта жавобгарлиги.** Суғурталовчи ва суғурталанувчининг қонунда ёки шартномада кузда тутилган жавобгарлиги, уз зиммасига олган мажбуриятлари, вазифалари суғурта жавобгарлигига мисол булади. Агар курсатилган ходисалардан бири содир булса, у холда суғурта органлари уз зиммасига олган мажбуриятлар доирасида суғурта қопламаси тулайдилар. Масалан, хаётни аралаш суғуртасида 3 хил суғурта жавобгарлиги белгиланган. Шулардан бири шартномада кузда тутилган ёшга этиш, баҳтсизлик ходисаларидан бирининг содир булиши ва вафот ходисасидир. Бу ходисалардан бири содир булса, суғурта ташкилоти суғурта қопламасини тулаш учун жавобгар хисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат суғурта ташкилотлари томонидан кузда тутилган жавобгарлик хусусий суғурта ташкилотларида кузда тутилган жавобгарликтан фарқ қиласи. Бундан ташқари ҳар бир суғурта ташкилоти суғуртанинг ҳар бир тури бўйича уз жавобгарлигини узи белгилайди.

**Қайта суғурта қилиш.** Суғурталовчи шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бутунлай ёки қисман бошқа суғурталовчи (қайта суғурталовчи)га утказиш ёки қайта суғурта қилиш.

Суғурта ташкилоти суғурталанувчининг розилиги билан асосий шартномани узгартирмасдан туриб суғурта шартномалари асосида узининг жавобгарлигини тўлов қобилиятига эга булган бошқа суғурта ташкилотларига топшириб, қайта суғурта қилдиришидир. Суғурта воқеаси (суғурта ходисаси) юз берганда қайта суғурталаган ташкилот шартномага кура уз зиммасига олган мажбуриятлар доирасида жавобгар булади.

**Биргаликда сұғурта қилиш.** Биргаликда сұғурта қилишда икki ёки ундан ортиқ сұғурта ташкилоти битта сұғурта шартномаси тузади. Бунда шартномада ҳар бир сұғурталовчининг хуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи шартлар булиши лозим.

**Сұғурта агенти.** Сұғурта ташкилотининг унинг номидан ва унинг топшириги билан шартномалар тузувчи штатсиз ходими.

**Сұғурта гувохномаси.** Сұғурта ташкил этилганлигига гувохлик берувчи хужжат. Ихтиёрий сұғуртада бундай хужжатлар биринчи бадал туланғандан кейин берилади. Сұғурта гувохномасида сұғурталанған шахснинг исми, фамилияси, сұғурта сўммаси ёки қопламаси сұғурта тарифи, сұғурта бадали ва бошқа маълумотлар кузда тутилади.

**Сұғурта қопламасини олувчи.** Сұғурта қоидалари ёки шартномаларда кузда тутилған сұғурта ходисалари содир булғанда ёки бошқа сабаблар туфайли сұғурта ташкилотларидан маълум миқдорда қоплама олувчи юридик ва жисмоний шахслар. Ширкат ва фермер хўжаликларида бу маблаглар уларнинг хисоб ракамларига утказилади.

Сұғурта фонди асосан сұғурта бадаллари хисобидан шакланади. Сұғурта бадали миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш асосида ажралиб чиқиб, маҳсус сұғурта фонди таркибида киради.

Юридик шахслар, фуқаролар уз даромадларининг бир қисмини сұғурта тўлови сифатида сұғурта ташкилотлари ихтиёрига утказадилар.

Сұғурта фондининг сұғурта бадаллари хисобидан шакланиши узига хос жараён бўлиб, у бадал миқдорини аниқлаш билан боғлиқ қатор тушунчаларга эгадир. Бу тушунчаларга қуйидагилар киради:

- сұғуртавий баҳолаш
- сұғурта таъминоти
- сұғурта сўммаси
- сұғурта тарифи
- сұғурта муддати
- сұғурта ёши
- сұғурта боқимандаси
- сұғурта тўлови

Сұғуртавий баҳолаши мол-мулк сұғуртасида қулланилади. Сұғуртавий баҳолаш асосида сұғурта обьектларининг қиймати аниқланади. Бу асосда сұғурта бадаллари хисобланади. Бундай курсаткичларга қуйидагилар киради:

Уртача беш йиллик ёки уч йиллик хосил. Бу курсаткич экинларга нисбатан қулланилади. Уртача хосил белгиланғандан кейин у натура улчовидан пулга айлантирилади.

Баланс қийматида (чорва молларига нисбатан қулланилади).

Баланс баҳосида (эскирган миқдорини чиқариб ташлаб) – бинолар, машиналар, транспорт воситалари.

Инвентаризация баҳосида фуқароларнинг тураг жойлари, коммунал хўжалиги органлари томонидан аниқланади.

**Суғурта таъминоти.** Суғурта таъминоти – бу суғурта ходисаси содир булганда мавжуд белгиланган тартиб асосида заарларни хисоблаш ва бу асосда қоплама миқдорини белгилаш усулидир. Амалда суғурта таъминотининг 3 тизими мавжуд:

- *Суғурта таъминотининг нисбий (пропорционал) тизими.*
- *Биринчи хавф тизими*
- *Чегараланган суғурта таъминоти.*

Биринчи тизимда суғурталанувчи курган заарнинг ҳаммаси эмас, балки суғурта қилинган қисми туланади, яъни заарнинг суғуртавий баҳосига нисбатан нисбий қисми белгиланади. Масалан, савдо ташкилоти магазинидаги товарлар 50 минг сўмлик улардан 40 минг сўмлик товарлар (яъни 80 фоиз) суғурталанганди. Ёнгин натижасида 20 минг сўмлик мол ёниб кетган. Суғурта таъминоти 20 мингнинг 80 фоизи, яъни 16 минг сўмга teng. Колган 20 фоизини савдо ташкилотининг узи қоплади.

Биринчи хавф тизимида суғурталанувчи шахс уз мол-мулкининг ҳаммасини ёки бир қисмини суғурта қилдириши мумкин. Айрим холларда заар миқдори суғурталанганди сўммадан ортиқ булиши мумкин. Ана шу ортган қисмига суғурта таъминоти берилмайди. Масалан, уй-рузгор буюмларининг қиймати 50000 сўм. Мазкур анжомларнинг 30000 сўми суғурталанганди. Лекин ёнгин натижасида 40000 сўм заар етган. Суғурта таъминоти 30000 сўмни ташкил қиласи ва уни биринчи хавф деб аталади. Колган қисми 10000 сўм суғурта йули билан қопланмайди. Уни иккинчи хавф деб аталади. У уй-рузгор эгасига хавола қилинади.

**Суғурта сўммаси.** Суғурта обьектининг хакикатда суғурталанганди қисмининг пул шаклидаги хажми. Мажбурий суғуртада суғурта сўммаси суғурта обьектининг хажми ва суғурта таърифи асосида хисобланади. Ихтиёрий шахсий суғуртада сўммаси суғурта ташкилоти томонидан белгиланиб чипта баҳоси таркибига киритилади.

Мулк суғуртасида бу атама суғурта таъминотининг пуллик ифодаси хисобланади. Масалан, бинонинг умумий баҳосидан амортизация миқдори чегириб ташланса, суғурта сўммаси 30 минг сўм деб фараз қилайлик. Агар мулкка етказилган заарни 100 фоизини ташкил қиласа, суғурта сўммаси 30 минг сўмни ташкил қиласи.

**Суғурта тарифи.** Суғурта сўммаси миқдорига қараб хисобланадиган бадалнинг фоиз ставкаси. Тариф миқдори асосан фоиз ёки сўмма миқдорида белгиланади. Махсус адабиётда бу ставка брутто таъриф деб

аталади, у 2 қисмга булинади: 1.Нетто таърифи. 2.Юклама. Нетто таърифи асосида хисобланган қоплама заарларни қоплашга сарфланади. Юклама хисобидан суғурта бўйича бошқариш ҳаражатларига маблаг ажратилади.

Суғурта таърифи асосида суғурта тўловлари хисобланади, суғурта тўловлари бир йула ёки бўлиб туланиши мумкин.

**Суғурта муддати.** Суғурта обьектларининг қанча вақтга суғурта қилингани. Мажбурий суғурта мол-мулкка нисбатан муддатсиз суғурта хисобланади. Мол-мулқдан қанча муддатга фойдаланилаган булса, шу муддатга суғурталанган хисобланади. Ихтиёрий мулкий ва шахсий суғуртада суғурта муддати қанча вақтга суғурта қилингани шартномада курсатилади, шунга қараб суғурта тўловлари хисобланади. Лекин суғурта муддатидан унинг амал қила бошлаш муддатининг бошланиши тушунчалари фарқ қиласди. Суғурта муддати суғурта тўловининг биринчи бадали туланган даврдан бошланади.

**Суғурта ёши.** Суғурта ёши деганда суғурталанувчи фуқаролар ёки чорва молларининг ёши (биологик катталиги) кузда тутилади. Ҳар бир шахсий суғурта обьекти бўйича масалан, фуқароларнинг қайси ёшидан бошлаб қайси ёшгача суғурта қилиниши, чорва молларининг қайси ёшидан суғурталаш бошланиши кузда тутилади.

Кўшимча пенсия тайинлаш бўйича суғурта бадаллари ҳар бир ёш бўйича курсатилади. Мактаб уқувчиларини суғурталашда уларни ёшлари эмас, балки суғурталанган йили кузда тутилади. Хозирда аралаш суғурта бўйича шартнома 16 ёшдан 70 ёшгача бўлиб, шартнома 3 йил муддатга тузилади. Чунки суғурта чегараси 75 ёш қилиб белгиланган.

**Суғурта боқимандаси.** Суғурта бадалларини тулаш муддатлари мажбурий суғурта бўйича дастурий амалда, ихтиёрий суғурта бўйича эса суғурта шартномасида курсатилади. Агар бадал белгиланган тўлов муддатида туланмаса, у холда тўлов боқимандага айланади. Ихтиёрий суғурта бўйича шартномада курсатилган муддатда туланмаган тўлов шартномани бекор қилинишига асос булади. Мажбурий суғурта турлари бўйича тўлов муддатлари Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Уз вақтида туланмаган тўлов боқимандага айланади, ҳар бир кун учун тегишли пеня хисобланади.

**Суғурта тўлови.** Суғурта тарифи асосида хисобланган суғурта бадали. Суғурта тўлови суғурталанган мол-мулкнинг хусусияти ва эгалигига қараб бир ёки бир неча обьект бўйича хисобланиш мумкин. Ширкат ёки фермер хўжаликларида суғурта тўловлари хосил, чорва моллари, иморатлар ва бошқа мол-мулклар бўйича хисобланиб, уларнинг жами суғурта тўловининг умумий миқдорини ташкил қиласди. Агар бир ховлидаги турар жойларда бир неча киши эгалик қиласа, обьектларни хажмига қараб суғурта тўлови тақсимланади.

Суғурта ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бири хисобланган суғурта тўловларини уз вақтида туланишини таъминлаш ҳамда, ихтиёрий суғурта бўйича суғурталанганларни муддатидан олдин огохлантиришдан иборат.

### **Суғурта маблагларининг сарфланиши билан боғлиқ атамалар.**

Республикамиз ҳудудида ҳар йили мажбурий ва ихтиёрий суғурта бадаллари хисобига улкан суғурта фонdlари шаклланади. Бу фонdlарнинг сарфланиши дастлаб хавф-хатарга бўғлиқ. Агар суғурта ходисалари рўй бермаса, заарни қоплашга сарфланадиган маблаглар кам миқдорни ташкил қиласди, агар йирик миқёсларда суғурта ходисалари содир булса уларнинг етказилган заарларни қоплаш учун суғурта фондидан маблаг сарфлашга тўғри келади. Демак суғурта фонди маблагларини сарфлаш учун уларни қандай мақсадларда фойдаланиш, суғурта ходисаларини куп ёки камлигига қараб суғурта самарадорлиги хақида фикр юритиш учун дастлаб қуйидаги атамаларни мазмуни билан танишиш лозим булади:

- суғурта хавф-хатари;
- суғурта ходисаси;
- суғурта далолатномаси;
- суғурта рентаси;
- суғурта қопламаси;

**Суғурта хавф-хатари.** Риск сўзининг бир қанча мазмун ва маъноси мавжуд. Буларнинг ҳаммаси хавф-хатар ва унга нисбатан жавобгарликни ифода қиласди. Шу муносабат билан уни хавф-хатарнинг турлари деб тушунтириш мақсадида мувофиқдир. Бу тушунча суғурталанган мулк, суғурта ходисаси, суғурта хавфи ва бошқа тушунчаларни узида мужассамлаштиради.

**Суғурта ходисаси.** Суғурта хавф-хатарида кузда тутилган фавқулодда тасодифлардан бирортаси содир булиши. Бундай ходисаларга мулк суғуртасида табий оғатлар, ёнгин фалокат, портлаш ва бошқалар, шахсий суғуртада эса маълум ёшга этиш, содир буладиган баҳтсизлик ходисалари, вафот ходисалари киради. Баҳтсизлик ходисаси деганда суғурталанганнинг соглигига ва ҳаётига заар келтирувчи фавқулодда ходисалар кузда тутилади. Суғурта ходисаси натижасида курилган заар белгиланган миқдорда суғурта фонди хисобидан қопланади.

**Суғурта далолатномаси (акти).** Суғурта ходисасининг содир булганлигини ва унинг сабабларини исботлаб берувчи расмий хужжат. Мулк суғуртасида далолатнома асосида заар миқдори ва унга туланадиган қоплама миқдори аниқланади. Хужжат қоплама олишда асос булади.

Шахсий суғуртада суғурта далолатномаси бахтсизлик ходисасини тасдиқлаш, унинг суғурталанувчини бу ходиса хизмат вазифаларини бажаришда ёки йулда булганида содир булганини аниқлашга имкон беради. Суғуртанинг бошқа турлари бўйича далолатнома талаб қилинмайди, тиббиёт ташкилотининг маълумотномаси етарли булади.

**Суғуртада зарап.** Суғуртада зарап деганда суғурта баҳосида ишлаб чиқсан ёки бир қисми заарланган мулк баҳоси тушунилади. Етказилган заарнинг тула ёки қисман суғурталанувчига туланиши суғурта қопламаси деб аталади.

**Суғурта рентаси.** Кўшимча пенсия суғуртаси асосида суғурталанувчига ой ёки йил давомида туланадиган даромад. Кўшимча пенсия суғуртасида агар бадалларни уз вақтида тулаб борилган булса, пенсия ёшига чиқсан ойдан бошлаб, Кўшимча пенсия туланади.

**Суғурта қопламаси.** Суғурта ходисаси содир булгани туфайли етказилган зарап миқдорини қоплаш учун ажратилган маблаг.

### **Амалиётда қулланиладиган хорижий суғурта атамалари.**

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида суғурта тадбирларини кенгайтириш, хорижий тажрибалардан самарали фойдаланишни тақазо этмоқда. Бу тадбирни амалга оширишининг дастлабки шартларидан бири халқаро суғурта атамаларини ўрганиш ва уларнинг мазмуни билан яқиндан танишишдир. Мамлакатимизда қулланилаётган халқаро атамаларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Лекин уларнинг куплари узбек тилида уз эквивалентларига эга эмаслар. Шу муносабат билан хорижий суғурта атамаларини танлашда биринчи навбатда хозирги амалиётда қулланилаётган ва қулланиши кутилаётган атамаларга изох бериб утамиз.

Халқаро суғурта атамалари мазмуни бир йўналишга эга булмаганлиги учун уларнинг мазмунини алоҳида масала сифатида ёритиб утамиз.

**Суғурта бозори.** Суғурта бозори бир неча суғурта ташкилоти билан шаклланиб, ундаги ҳар бир суғурта ташкилоти вакили уз суғурта ташкилотининг фаолияти, таклиф қилинадиган суғурта турлари ва шартлари ҳақида булажак суғурталанувчиларни танишитиради ва уларнинг бирортасини танлашга ёрдам беради, лозим булганда суғурта шартномасини расмийлаштиради. Суғурта бозори бир шаҳар, мамлакат миқёсида эмас, балки бир неча мамлакат миқесида, халқаро суғурта бозори сифатида шаклланади, шунингдек, қайта суғурталаш тадбирларини ҳам амалга оширишда ёрдам беради.

**Суғурта портфели.** Суғурта компанияси томонидан олинган бадаллар йигиндиси ёки тузилган ва тулангандар шартномалар сони.

**Суғурта бонуси.** Таранспорт суғуртасида қулланиладиган атама бўлиб, бу орқали узоқ йиллар давомида фалокатсиз ишлаган суғурталанувчиларга суғурта бадали хисобидан бериладиган енгилликлар. Бу енгилликлар 2-3 ойга суғурта бадалидан озод қилиш ёки суғурта бадалига нисбатан фоиз хисобидан енгилликлар бериш тарзида амалга оширилади.

**Карго суғуртаси.** Транспорт воситаларида барча ташиладиган юкларни транспорт воситаларсиз суғурта қилиниши. Бунда суғурта ташкилоти факат суғурталанган юклар учун жавобгар хисобланади.

**Каско суғуртаси.** Каско суғуртасида факат транспорт воситалари суғурта қилинади. Агар транспорт воситаси эгасига қарашли булса, у холда ҳар икки суғурта воситаси карго ва каско турларидан фойдаланиш мумкин.

**Пул деб аталувчи суғурта ташкилоти.** Уз миқёси жихатдан улкан, обьект жихатдан хавфли суғурта ходисалари биргаликда химоя қилиш учун тузилган ташкилот. Ташкилот суғурта компанияларига ягона полис бериб, бу хужжатда ҳар бир аъзонинг суғурталашдаги хиссаси курсатилади.

**Шомаж.** Ишлаб чиқариш турли ходисалар оқибатида тухтаб қолиши натижасида олиниши кутилган фойда миқдори камайиб кетиши мумкин. Шамож куриладиган заарларни кузда тутиб суғурталаш усули.

**Суғурта франшизаси.** Турли сабаблар билан етказилиши мумкин булган заарларни умумий миқдорини суғурта ташкилоти хисобидан қопланмайдиган қисми, франшиза қулланилганда заар миқдори иккига булинади: биринчиси суғурта ташкилоти томонидан қопланадиган қисми, иккинчиси қопланмайдиган қисми. Бу нисбат суғурта дастурий амалида курсатилади. Масалан, франшиза миқдори 100 доллар миқдорида қулланилса, келтирилган заар 90 доллар булса, заар қопланмайди. Агар 100 доллардан ошса, яъни 200 долларни ташкил қиласа, у холда 100 доллар қопланиб, қолган қисмини франшиза ташкил қиласи.

Хозирда мамлакатимизда мол-мулк ихтиёрий суғуртаси бўйича франшиза қулланилиши курсатилган.

**Суғурта брокери.** Суғурта ташкилоти ва суғурталанувчининг суғурталаш ва суғурта шартномасини бажаришда узаро муносабатларни урнатувчи шахс. Брокер суғурта ташкилотининг вакили сифатида суғурталанувчилар билан бевосита иш олиб боради, суғурта шартномаси тузишда, суғурта ходисаси натижасида моддий заар етганда қоплама миқдорини аниқлашда, хатто суғурта қопламасини суғурталанувчига топширишда унга ёрдам беради.

**Суғурта аудитори.** Суғурта аудитори хиссадорлик жамиятлари ва бошқа хусусий хиссадорлик уюшмаларини молиявий хўжалик фаолиятлари устидан мустақил текширишга вакил қилинган шахс. Махсус

ташкилот ёки шахс, аудитор мустақил иш курувчи фирма сифатида суғурта ташкилотлари фаолиятларини юқори савияда ҳар томонлама текшириб, уз хulosасини тақдим этади.

Айрим суғурта ташкилоти ёки суғурталанувчи ҳақида аниқ маълумотлар лозим булганда аудиторлик ташкилотига мурожаат қилинади. Аудитор вазифасини бажарган шахс, уз хulosалари учун жавоб беради. Аудиторлар лавозимини эгаллаш учун маҳсус тайёргарлик ва куп йиллик тажриба талаб қилинади. Аудиторлар қисқа муддатли курсларда уз малакаларини оширадилар.

**Андеррайтер.** Турли рискларни суғурталаш ваколатига эга суғурта компанияси томонидан тайинланадиган шахс. У шартномаларни тузиш, рискларни баҳолаш ва суғурта таъриф ставкасини белгилаш юзасидан тегишли малакага эга булади.

**Яшил карта.** Автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавбгарлиги мажбурий суғуртаси ҳақида халқаро шартномалар тузиш.

**Ллойд.** Лондонда жойлашган халқаро бозори. Лондон Ситида жойлашган (1688 йил).

## Таянч сўз ва иборалар.

- Суғурта фонди
- Суғуртавий фаолият
- Суғурта химояси
- Суғурта жавобгарлиги
- Суғурта вакиллари
- Биргалиқда суғурта қилиш
- Суғурта обьекти
- Мажбурий суғурта
- Ихтиёрий суғурта

## Назорат учун саволлар

- 1.Суғурта атамаси деганда нимани тушунасиз?
- 2.Суғурта тушунчалари нималардан иборат?
- 3.Мажбурий суғурта деб нимага айтилади?
- 4.Ихтиёрий суғурта деб нимага айтилади?
5. Мажбурий суғурта деб нимага айтилади?
6. Суғурта фонди деганда нима тушунилади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конуни «Суғурта фаолияти ҳақида» Тошкент 2002 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
7. Страховой маркетинг М.Анкел М.2000.
8. Организация страхового дела. А.Б.Крутик 2000.

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1999 г.
2. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
3. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
4. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1999.

—айтиш

## **4-Мавзу: Суғуртанинг гурухланиши (классификацияси)**

### **Режа**

1. Суғуртани бошқаришда суғурта гурухланишининг роли
2. Суғуртанинг тармоқлар бўйича гурухланиши
3. Суғурта объектлари ва уларнинг турлари бўйича гурухланишининг умумий асослари

## 4. Мажбурий ва ихтиёрий суғурта

### **Суғуртани бошқаришда суғурта гурухланишининг роли**

Суғурта куп тармоқли фаолият, уни ташкил этишда юзлаб суғурта ташкилотлари иштирок этадилар ва унда минглаб суғурталанувчи хуқуқий ва жисмоний ташкилотларга хизмат курсатилади. Фақат давлат хиссадорлик суғуртаси йули билан суғуртанинг 35 хили мавжуд, уларнинг ҳар бирини объекти, субъекти, тарифлари мавжуд. Суғурта ишини бошқариш, унинг ухшаш турларини гурухлаштириш, тармоқларга, бўлимларга ажратишни талаб қиласиди. Бу асосда суғурта ишини бошқариш ва ташкил қилиш осонлашади.

Гурухлаш лотинча «классификация» сўзидан олинган бўлиб, мавжуд умумий яхлит тушунчани айрим турларга, бўлимларга ажратиш демакдир. Агар биз суғурта турларини маълум тартиб қоида асосида бирини иккинчисидан ажратсақ, бошқариш мураккаблашади, унда чалкашликлар содир булади.

Суғуртани гурухлаш (классификацияси) суғуртанинг куп сонли турларини худудлар, тармоқлар, тармоқ бўлимларига, уларнинг айрим хусусиятларини эътиборга олиб ажратишдир. Суғурта ташкилотларининг уз зиммаларига олган жавобгарликлари бир неча миллиард сўмни ташкил қиласиди. Бунинг учун ҳар бир суғурталанувчи йирик корхона, хиссадорлик жамиятлари, тадбиркорлар билан шартнома тузиш асосида фалокат юз берганда уларга уз вақтида ёрдам берилади. Шунинг учун суғурта иши, унинг турлари, қоидаларини гурухлаштириш қанчалик мухим аҳамиятга эга эканлиги маълум булади.

Суғурта фаолияти суғуртанинг ҳар бир турининг хусусиятларини кузда тутиб, қуйидаги йўналишларда гурухлаштирилади :

- **худудлар бўйича (мамлакатни ички доираси ва ташқи суғурта муносабатларини эътиборга олиб);**
- **давлат ва хусусий суғурта ташкилотлари бўйича;**
- **тармоқлар бўйича;**
- **хавф-хатар турлари бўйича;**
- **мажбурий ва ихтиёрий суғурта бўйича;**

Худудлар бўйича суғурталашда мамлакатнинг ички доирасида ва ташқи иқтисодий муносабатларда, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан суғурта соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳам кузда тутилади. Бунда фақат экспорт-импорт муаммоларигина эмас, балки инвестициялар, дипломатик ходимларини ҳам суғурталаш кузда тутилади. Бундай

суғуртани давлат ва хусусий ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шу муносабат билан дастлаб суғурта ташкилотларини қуидагича гурухлаш мумкин:

- фақат хорижий мамлакатлар инвесторлари (Ўзбекинвест) ва ташқи иқтисодий муносабатлар хизмат қилувчи суғурта ташкилотлари (Интертранс);
- күшма суғурта ташкилотлари, масалан: «Умид» суғурта ташкилоти, (Узбек суғурта Хауден Лих);
- фақат мамлакат доирасида хуқуқий ва жисмоний шахсларга хизмат қилувчи ташкилотлар («Бит») ташкилоти;
- давлат хиссадорлик суғурта ташкилотлари.

### **Суғуртанинг тармоқлар бўйича гурухланиши**

Тармоқлар бўйича гурухлаштириш асосан суғурта обьектлари асосида амалга оширилади. Унда қуидаги йўналишлар мавжуд:

- **мулк суғуртаси;**
- **шахсий суғурта;**
- **жавобгарлик суғуртаси;**
- **тадбиркорлик хавф-хатарлари суғуртаси.**

Мулк суғуртаси уз навбатида тармоқ бўлимларига булинади. Масалан, қишлоқ хўжалиги бўйича ширкат хўжаликлари, дехкон ва фермер хўжаликлари, бундан ташқари саноат корхоналари, ижарага берилган корхоналар ҳам тармоқ бўлимларини ташкил қиласди.

Шахсий суғуртанинг асосан икки тармоги яъни, ҳаёт суғуртаси ва баҳтсиз ходисалардан суғурта бўлимлари мавжуд.

Суғурта муносабатлари суғурта турлари бўйича мужассамлаштирилади. Ҳаёт суғуртаси бўйича ҳаётни аралаш суғуртаси, болалар суғуртаси ва шу каби суғурта турлари мавжуд.

Баҳтсизлик ходисалари бўйича тармоқ бўлимларига йуловчиларни суғурталаш, ишчи ва хизматчиларни корхоналар хисобидан суғурталаш, шунингдек, мактаб укувчилари суғуртаси ва бошқалар киради.

Мулк суғуртасининг айrim тармоқ турларига иморатларни суғурталаш, чорва моллари, уй-рузгор мулклари, транспорт воситаларини суғурталаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хосилини суғурталаш ва бошқалар киради.

Суғуртанинг учинчи тармоги жавобгарлик суғуртасидир. Бунда транспорт воситаларидан фойдаланишда учинчи шахсга етказилган зарар қопланади.

Суғуртанинг туртинчи тармогига тадбиркорларга етказилиши мумкин булган заардан суғурталаш киради. Бунга бевосита ва билвосита заарлардан келадиган йүқотишларни кузда тутилиб, корхона, савдо ташкилотларида ишлаб чиқариш вақтидаги бекор туришлар, янги техника ва технологияни жорий қилиш билан боғлиқ хавф-хатарлар натижасида юз берган заарлар киради.

### **Суғурта объектлари ва уларнинг турлари бўйича гурухланишнинг умумий асослари**

Объект бўйича гурухлашдан фарқли улароқ, хавф-хатар турлари бўйича суғурталаш фақат мол-мулк суғуртаси бўйича амалга оширилади.

Гурухлаш қўйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- **ёнгин ва бошқа табиий ходисалардан суғурталаш;**
- **қишлоқ хўжалиги экинларини қургоқчиликдан ва бошқа табиий оғатлардан суғурталаш;**
- **чорва молларини улат ва мажбуран суйиб юборишдан суғурталаш;**
- **транспорт воситаларини фалокатлардан, олиб қочишдан ва бошқа хавф-хатарлардан суғурталаш;**

Курсатилган хавф-хатарлар бир-бири билан боғлиқ булмаса ҳам, лекин бир хил хавф натижасида бошқа фалокатлар содир булиш мумкин. Масалан, фермада ёнгин содир булса, у чорва молларига ҳам ўтиши мумкин. Хавф-хатарнинг янги турларига атом станциялари фаолиятини издан чиқиши билан боғлиқ хавф-хатарларни киритиш мумкин.

Бахтсизлик ходисалари мол-мулк суғуртасининг объекти эмас балки, шахсий суғуртанинг объектидир. Бахтсиз ходисаларга, тусатдан қисқа муддатда инсон организимига табиий кучларнинг заарли таъсири натижасида вужудга келадиган ходисалар киради. Бунга кимёвий таъシリниш, ҳароратининг пасайиб кетиши ва кутарилиши ҳам киради.

Буларни урганиб, бахтсиз ходисаларни белгиси мавжуд эканлигини курсатиб ўтиш керак. Буларга қўйидагилар киради:

- **бу ходисалар кутилмаганда, тусатдан содир булади;**
- **қисқа муддатда бўлиб утади;**
- **инсон организмига заарли таъсир курсатади;**
- **табиий кучлар (энергия) таъсири асосида содир булади;**

- хароратнинг кутарилиши ва пасайиб кетиши натижасида юзага келади;**
- кимёвий таъсир натижасида вужудга келадиган узгаришлар натижасида юзага келади.**

Бу белгиларни тушунтириш учун бир неча мисол келтирамиз. Масалан, куча ҳаракатини бузилиши натижасида йоловчининг шикастланиши. Бу ходиса кутилмаган қисқа муддатда содир булади, инсон соглигига заарли таъсир курсатади.

### **Мажбурий ва ихтиёрий суғурта**

Мажбурий ва ихтиёрий суғурта хозирда муҳим масалалардан бири хисобланади. Бошқа МДХ республикаларида мажбурий суғуртанинг куплаб турлари бекор қилинган булсада, бизда нима сабабдан сақланмоқда каби саволлар қупчиликни қизиқтиради.

Бу саволларга жавоб бериш мажбурий суғуртанинг ихтиёрий суғуртадан нима билан фарқ қилишини курсатишни талаб қиласи. Бунинг учун қуидаги солиштирма чизмадан фойдаланамиз.

Мажбурий суғурта	Ихтиёрий суғурта
Мажбурий суғурталашда барча мажбурий тартибда суғурталанади, ёппасига амалга ошириладиган суғурта.	Ихтиёрий суғурта танлаб олиш йули билан суғурталанувчининг хохиши билан амалга ошириладиган суғурта, бу суғуртадан ўтиш мажбурий эмас.
(Суғурта бадаллари, мукофотлари) туланмаганига қарамасдан суғурта давом этади. Суғурта бадал тулаш билан bogлиқ эмас.	Суғурта бадал тулаш билан узвий bogланган. Шартнома тузиб бадал туланмаса суғурта кучга кирмайди.
Суғуртанинг муддатсизлиги ва уз узидан суғурталаниш, муддатсизлик транспорт ва қишлоқ хўжалик экинлари учун нисбий бўлиб, йоловчи етиб келгандан кейин ёки хосил йигиштириб олингандан кейин суғурта уз кучини йўқотади.	Шартномада курсатилган муддат билан суғурта даври чегараланади. Агар суғурта бадали туланмаса, суғурта муддати тухтаб қолади.
Суғурта таъминотининг нормалаштириши.	Суғурта таъминоти мулк баҳоси ва суғурталанувчининг хохишига

	караб олдиндан белгиланади.
Конун асосида тартибга солиниши.	Суғурта дастурлари асосида тартибга олинади. Ихтиёрий суғурта ҳақидаги қонун шархланмайди.

Мажбурий суғурта баъзан ихтиёрий суғурта билан бодланган, мажбурий тартибда суғурталанган иморатлар ихтиёрий тартибда ҳам суғурта қилиниши мумкин.

Масалан, йуловчилар суғуртасининг мажбурий тури бўйича барча йуловчилар узоқ масофага борадиган булсалар мажбурий равишда ёппасига суғурталанадилар. Суғурта бадали чипта таркибиға киритилади. Масофага етгандан кейин суғурталаш тухтатилади.

Янги қурилган уй-жой бинолари қад кутариб, усти ёпилгандан бошлаб мажбурий суғурталанган хисобланади. Агар объектга ут тушиб ёниб кетса зарар суғурта ташкилоти томонидан қопланади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

- Суғурта хусусияти
- Асосий фондлар суғуртаси
- Ихтиёрий суғурта
- Суғурта хавф-хатари
- Гаров шартномаси
- Суғурта полиси
- Мулк суғуртаси
- Шахсий суғурта
- Суғурта бадали
- Суғурта атамаси

### **Назорат учун саволлар**

1. Ихтиёрий суғурта қопламалари қандай туланади?
2. Иморатларни суғурталаш тартиби қандай?
3. Асосий фондлар суғуртаси қандай амалга оширилади?
4. Суғуртанинг гурухланишини изохлаб беринг
5. Ихтиёрий суғуртани ташкил этиш тамойиллари қандай?
6. Шахсий суғуртанинг қандай турлари мавжуд?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент, 1992 й
2. Ўзбекистон Республикасининг Конуни «Суғурта фаолияти ҳақида» Тошкент 2002 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
7. Страховой маркетинг М.Анкел М.2000.
8. Организация страхового дела. А.Б.Крутник 2000.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Собиров Х.Р. «Хитойда суғурта» (Иқтисод ва хисбот, 3, 1996)
2. Собиров Х.Р. «Аҳамонийларлар даврида солик ислохоти» «Ўзбекистон соликлари хабарномаси» 1997 й.
3. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1999 г.
4. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
5. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
6. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1999
7. Страхование: от А до Я (книга для страхователей). М-«Инфра-М», 1996 г.
8. Журавлев Ю.М. Секерж И.К. «Страхование и перестрахование» (теория и практика). М-«Анкил» 1996 г.
9. Зубец А.Н. Страховой маркетинг России, М.:2000.

—айтиш

### **5-Мавзу: Суғурта хукуқи**

## **Режа**

1. Суғурта хуқуқи ва суғурта муносабатларини шакллантирувчи хуқуқий хужжатлар
2. Суғурта хуқуқи ва бозор иқтисодиёти шароитида суғуртани бошқаришни қайта қурилиши
3. Суғурта маркетинги
4. Суғурта ташкилотлари устидан давлат назорати

### **Суғурта хуқуқи ва суғурта муносабатларини шакллантирувчи хуқуқий хужжатлар**

Суғурта хуқуқи суғурта ташкилотлари билан суғурталанувчилар, ҳамда кредит ташкилотлари уртасидаги хуқуқий муносабатлари ифодалайди. Бундай муносабатлар мамлакатимиз Конституцияси асосида вужудга келган қатор хуқуқий хужжатларда уз ифодасини топади. Бу хуқуқий хужжатларга қуйидагилар киради:

- фуқаролик кодекси;
- суғурта фаолияти ҳақидаги Республика қонуни;
- давлат суғурта ташкилотлари ҳақидаги низомлар;
- хусусий суғурта ташкилотларининг низомлари;
- суғурта назорати ҳақидаги хукумат қарори.

Фуқаролик кодексининг 52-боби 914-981-моддалар суғурта масалаларига багишлиланган бўлиб, бунда суғуртанинг энг муҳим хуқуқий масалалари суғурта шартномаларини тузиш, икки томонлама суғурталаш, ҳамкорлик суғуртаси, қайта суғурталаш масалалари еритилиб, бунда суғуртани амалга ошириш, томонларнинг жавобгарлиги ва бошқалар кодекс доирасида хуқуқий жихатдан тушунтириб берилган.

Суғурта фаолияти ҳақидаги қонун фуқаролар кодексида баён қилинган масалаларни такрорласада, қонунда суғуртанинг иқтисодий масалаларини баён қилишга алоҳида аҳамият берилган.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилинганига қадар республиканинг суғурта ҳақидаги алоҳида қонун йўқ эди. Бу ҳудудда Собиқ Иттифоқ суғурта қонунлари амал қиласар эди. Бу қонунларда республика иқтисодиёти ва майший хусусиятлари етарли эътиборга олинмаган эди. Суғурта ҳақидаги биринчи республика қонуни Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 6 майда қабул қилинди.

Конун 5 боб, 33 моддадан иборат. Конунда республика иқтисодиётида суғуртанинг тутган ўрни, бозор иқтисодиётини амалга тадбиқ қилишдаги

роли, сұғурта бозорини шакллантириш масалалари, сұғуртанинг ташкилий ва хуқуқий асослари баён қилинган. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг сұғурта хизматига булган талабларини тулароқ қондирилиши кафолатланган, сұғурта муносабатларида унинг барча иштирокчилари манфаатларини химоя қилиш масалалари курсатилган. Конуннинг 1-бобида сұғурта таърифи берилген бўлиб, бунда сұғурта объектлари, субъектлари, шакллари, таърифлари ва тўловлари, қайта сұғурталаш ва биргаликда сұғурталаш масалалари баён қилинган.

Иккинчи боб сұғурта шартномаларини тузиш, шартномада томонларнинг хуқуқлари ва уни расмийлаштириш ва тухтатиш масалаларига багишланган.

Учинчи бобда сұғурталанувчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари ёритилган.

Туртинчи боб сұғурта фаолияти устидан давлат назорати урнатиш, бешинчи боб эса якунловчи масалаларга багишланган.

Сұғурта ҳақидаги қонунда қатор янги тушунчалар, масалан, қайта ва биргаликда сұғурталаш, сұғурта брокери, сұғурта рухсатномаларини олиш ва бошқа масалалар ёритилган.

1997 йилда сұғурта қонунчилигига муҳим узгаришлар содир бўлди. Сұғурта ҳақидаги қонунга қушимча сифатида қуйидаги 3 та хужжат қабул қилинди:

- 1.«Ўзагросуғурта» давлат акционерлик компанияси,**
- 2.«Кафолат» акциядорлик давлат компанияси,**
- 3.«Ўзбекистон» экспорт-импорт миллий сұғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармонлари ва хукумат карорлари.**

Сұғурта хукуки ҳақида гапирад эканмиз, айрим сұғурта ташкилотларининг ўз низомлари бўлиб, бунда ҳар бир сұғуртанинг энг муҳим йўналишлари, сұғурталовчи ва сұғурталанувчиларнинг хуқуқлари ифода қилинишини хисобга олишни максадга мувофик деб хисоблаймиз.

2002 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги иккинчи «Сұғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Конун республикада сұғуртанинг янада ривожлантириш, уни ривожланган давлатлар даражасига олиб чикишнинг иктиносидий ва хуқуқий асосларини янада мустахкамлашда муҳим омил бўлди.

### **Сұғурта хукуқи ва бозор иқтисодиёти шароитида сұғуртани бошқаришни қайта қурилиши**

Суғурта инсон саломатлигини тиклаш воситалари қаторига киргани учун бозор иқтисодиётiga ўтиш суғуртани бошқаришни қайтадан қуришни талаб қилди. Бунга қуйидаги тамойиллар сабаб булади:

биринчидан, суғурта ишини байналминаллаштириш билан бирга хусусий суғурта ташкилотларини шакллантириш;

иккинчидан, хорижий мамлакатлар суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш ва республика иқтисодиётiga инвестицияларни куплаб жалб қилишга ёрдам бериш;

учинчидан, суғурта ташкилотлари устидан назоратни кучайтириш ва суғуртанинг янги шаклларини жорий қилиш;

Курсатилган сабаблар суғуртани бошқариш тизимини қайта қуришни талаб қилди. Бунинг учун республика суғурта ташкилоти мустақил суғурта ташкилотига айлантирилди ва суғурта ҳақида қонун қабул қилинди.

Республика Молия Вазирлигидан суғурта ташкилотлари ажралиб чиқиб, алохида давлат ва хусусий акциядорлик ташкилотлари сифатида вужудга келди, суғурта ташкилотлари билан кредит ташкилотлари алоқаси кучайтирилди.

Республикадаги суғурта ташкилотлари қуйидаги гурухларга бўлинади:

1. Давлат акциядорлик суғурта компаниялари

а) «Ўзагросуғурта» ДАСК

б) «Кафолат» ДАСК

в) «Ўзбекинвест» ЭИМСК

г) «Мадад» суғурта агентлиги

2. Хусусий суғурта компаниялари

3. Республика суғурта назорати ташкилотлари

Навбатдаги мавзуларда курсатилган суғурта ташкилотлари ҳақида алохида-алохида маълумотлар берамиз.

## **Суғурта маркетинги**

Суғуртада маркетинги суғурта ишларини тактикаси ва стратегиясини ишлаб чиқиши кўзда тутади. Бунда суғурта маркетинги деганда суғурта бозорининг ахволи, истиқболини ўрганиш асосида мавжуд суғурта турларини тадбиқ этиш ва янги шаклларини яратиш, суғурта соҳасидаги навбатдаги вазифаларни бажариш тадбирлари тушунилади.

Маркетингни йўлга қўйиш учун юридик ва жисмоний шахсларни суғурталанувчи бўлиш имкониятларини ўрганиш, суғурта бозоридаги ахволни тахлил қилиш, суғурта хизмати ташкил қилинаётган туманнинг

ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш истиқболларини ўрганиш ва бу асосда суғурта ишларини ташкил қилиш истиқболларини аниқлашни талаб қилинади.

Суғурта маркетингининг таркибий қисми аҳолини социалогик жиҳатидан ўрганиш мақсадида суғурта жамиятларида менеджер лавозими жорий этилган.

Менеджер фақат суғуртанинг иқтисодий масалалари билангина шуғулланмасдан, балки суғурта компаниялари акцияларини чиқариш ва тарқатиш уларни идора қилиш билан шугулланади.

Суғурта ташкилотлари уртасида узаро рақобатни кучайтирилиши муносабати билан хозирги шароитида менеджернинг суғуртадаги роли ошиб бормоқда. Маркетинг бозори иқтисодиётида маҳсус тадқиқотлар хизматининг таркибий қисми булгани сабабли менеджерлар фақат узлари хизмат қилиб турган ташкилот топшириқларини бажариши билан кифояланмасдан, балки бошқа суғурта компанияларининг буюртмаларини бажаришга ҳам яқиндан ёрдам беришлари мумкин.

### **Суғурта ташкилотлари устидан давлат назорати**

Суғурта назоратини Молия Вазирлиги томонидан амалга оширилади. Суғурта ташкилотларининг фаолиятини тартибга солиш давлат томонидан суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишни таъминлашга қаратилгандир. Шу муносабат билан суғурта назорати ташкилотларига қуйидагилар юклатилган:

1. Республикада фаолият қўрсатаётган барча суғурта ташкилотларини рўйхатга олиш ва тегишли рухсатномалар бериш;
2. Суғурта ташкилотларининг суғурта туғрисидаги амалдаги қонунлар талабларига риоя қилишларини назорат қилиб бориш;
3. Хисоб-китоб юритиш, хисоботлар тузиш, резерв ва захира фондлари яратишнинг бир хилда булишини таъминлаш;
4. Суғурта иши тажрибасини умумлаштириш, қонун бўйича тушунтиришлар бериш, бу қонунларни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;
5. Суғурта фаолиятини яхшилаш.

Суғурта назоратининг ташкилий тузилиши Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланади. Давлат инспекциясининг асосий вазифаларидан бири суғурта бўйича ягона давлат реестрини юритишдир. Бунинг учун барча суғурта ташкилотлари давлат суғурта инспекциясида рўйхатдан ўтишлари шарт. Рўйхатдан утмаган ташкилотлар суғурта фаолияти билан шуғуланиш хуқуқига эга эмас.

Рухсатнома олиш учун низом фонди ва кредит муассасасининг маълумотномаси муайян суғурта тўрининг қоидалари, шартномалари, суғурта таърифининг хисоб-китоби ва бошқа хужжатлар топширилиши керак. Рухсатнома, хужжат олингандан кейин 30 кун ичида берилади. Давлат инспекциясига қўйидаги хуқуқлар берилган:

1. Суғурталанувчилардан суғурта фаолияти тўғрисида белгиланган хисобот ва уларнинг молиявий аҳоли ҳақидаги ахборотни шунингдек, корхоналар муассасалар, ташкилотлар, банклар, фуқаролардан узига юклangan функцияларни бажариш учун зарур булган ахборотлар олиш;
2. Суғурталовчилар томонидан суғурта тўғрисидаги қонун хужжатларга риоя этилиши назорат этиш мақсадида, улар фаолиятини текшириш, зарурат булса бунинг учун комиссиялар ва ишчи гурухлари ташкил этиш.

Давлат инспекциясига Молия вазирлигининг таклифномасига кура Вазирлар Махкамаси томонидан бошлиқ тайинланади ва назоратнинг асосий масалалари Молия Вазирлиги хайъати томонидан куриб чиқилади.

Суғурта назорати аппаратидаги ходимлар, бошлиқ, иш юритувчи инспектор ва юристлардан иборат. Назорат инспекцияси фаолияти устидан Молия Вазирлиги назорат қиласи.

### **Таянч сўз ва иборалар.**

1. Суғурта хуқуқи.
2. Суғурта маркетинги.
3. Фукаролик кодекси.
4. Давлат суғурта назорати.
5. Суғурта фаолияти ҳақидаги конун.

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент, 1992 й
2. Ўзбекистон Республикасининг Конуни «Суғурта фаолияти ҳақида» Тошкент 2002 й,
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.:

- «Ўзбекистон» 1998 й.
7. Страховой маркетинг М.Анкел М.2000.
  8. Организация страхового дела. А.Б.Крутник 2000.

### Қўшимча адабиётлар

1. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1999 г.
2. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
3. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1998 г.
4. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1999
5. Страхование: от А до Я (книга для страхователей). М-«Инфра-М», 1996 г.
6. Журавлев Ю.М. Секерж И.К. «Страхование и перестрахование» (теория и практика). М-«Анкил» 1996 г.
7. Зубец А.Н. Страховой маркетинг России, М.:2000.

—айтиш

## 6-Мавзу: Республика суғурта ташкилотларини бошқариш

### Режа

1. «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси
2. «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси
3. «Мадад» суғурта агентлиги
4. «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси
5. Республика хусусий суғурта компаниялари

### «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси

«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси очик турдаги жамияти шаклида, юридик шахс сифатида ташкил қилиниб, ўзининг мустақил баланси, ҳисоб ва валюта рақамларига эга.

Компания фаолиятининг асосий йўналиши-қишлоқ хўжалиги соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг мулк ва маҳсулотларини суғурта йўли билан химоя этиш, банклардан олинган кредитларни қайтаришга суғурта кафолатлари тақдим этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш

учун бериладиган аванс маблағларини қайтаришни суғуртавий кафолатлаш, юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматларини күрсатишдан иборатdir.

Суғурта компаниясининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турларини амалга ошириш, суғурталанувчиларнинг манфаатларини тўлароқ қондира оладиган суғуртанинг янги турларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ қилиш;
- огохлантириш функциясини бажариш асосида, суғурта объектларини заарланиш ва нобуд булишдан асраш тадбирларини амалга ошириш;
- ўз маблагларини инвестиция ва тижорат фаолиятини муҳим тармоқларга жойлаштириш асосида, шу билан бирга кредит бериш асосида узига тегишли фонdlарни тулдириб бориш;
- ўз фаолиятини амалга оширишда Республика Вазирликлари, идоралари ва бошқа давлатлар суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб бориш;
- суғуртанинг ахборот функцияси асосида реклама ва маслаҳат хизматларини курсатиш.

«Ўзагросуғурта» ДАСК томонидан амалга ошириладиган суғуртанинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари ва қишлоқ аҳолисини мажбурий суғурта қилиш;
- тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар қайтарилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналарининг жавобгарлигини суғурта қилиш;
- қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш бўйича аванс тариқасида бериладиган ва фючерс контрактлари бўйича маблаглар қайтарилишини суғурта қилиш;
- қишлоқ жойларида яшовчи фуқароларга тегишли мол-мулкни суғурта қилиш;
- қишлоқ жойларида гаровга, қарзга қуйилган мол-мулкни суғурта қилиш;
- қишлоқ жойларида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.

**Компанияда қишлоқ хўжалик корхоналарини ихтиёрий суғурталаш турлари қуйидагилардан иборат:**

- қишлоқ хўжалик экинлари хосилини суғурта қилиш;

- қишлоқ хўжалиги экинларини қайта ва ёппасига экишни суғурта қилиш;
- чорва молларини суғурта қилиш;
- асосий воситаларни суғурта қилиш;
- табиий пичанзорлар, яйловлар хосилини ва тут дарахтлари баргларини суғурта қилиш;
- пиллани суғурта қилиш;
- боғлар ва узумзорлар хосилини суғурта қилиш;
- корхоналар, дехқон, фермер ва ижара хўжаликларининг мол-мулкини суғурта қилиш;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жунатиладиган юкларни суғурта қилиш.

Компаниянинг устав фонди 200 млн сўм миқдорида бўлиб, таъсислик бадаллари хисобидан ташкил топади. Компанияда нақд пулсиз шаклларидағи оддий ва эгаси ёзилмаган акциялар чиқарилади, у чекланмаган миқдорда суғурта фондлари ташкил қилиш хукуқига эга. Устав фондининг 25 фоиз миқдорини захиравий фондлар ташкил қиласди. У компания даромадлари хисобидан ташкил қилинади. Компания уз фаолиятини амалга ошириш учун бошқа фондлар ҳам ташкил қилиши мумкин.

«Ўзагросуғурта» акциядорлик суғурта компаниясининг ижро тузилмасини қўйидаги чизмадан куриш мумкин.

<b>№</b>	<b>«Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик компаниясининг ижро этувчи тузилмаси</b>
1.	Бошқарув раиси
2.	Раиснинг биринчи ўринбосари
3.	Ўринбосари
4.	Суғурта кредитлари. Аванс тўловлари ва фермер хўжаликлари мол-мулкини суғурталаш
5.	қишлоқ хўжалиги корхоналари ва фермерларни суғурталаш
6.	Аҳоли ҳаётини, саломатлигини ва мол-мулкини суғурталаш
7.	Прогнозлаш. Молия ва инвестиция фаолияти бошқармаси
8.	Юридик ва кадрлар хизмати
9.	Канцелярия
10.	Маъмурий хўжалик бўлими

### **«Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси**

Шаҳар корхоналари ва аҳолиси билан қишлоқ корхоналари ва аҳолисининг иқтисодиёти ва турмуш шароити бир хил бўлмагандек улардаги суғурта обьектлари, хатто суғурта ходисалари ҳам бир хил эмас, бир-биридан фарқ қиласди. Шу муносабат билан шаҳар ва қишлоқ жойларида суғурта ишларини ташкил қилишда уларни хусусиятларини эътиборга олиш талаб этилади, чунки саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарининг мол-мулки меҳнат шароити бир хил булмагандек хонадонлардаги уй-рузгор анжомларининг ҳам ўз хусусиятлари бор. Ана шу хусусиятларни кўзда тутиб республика Вазирлар Маҳкамаси шаҳар ҳудудида жойлашган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компаниясини ташкил этди. Унинг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

- шаҳар жойларида аҳоли ҳаётини, саломатлигини ва мол-мулкини суғурта қилиш;
- корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар мол-мулкини суғурта қилиш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг молиявий ва тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасини амалга ошириш;
- конунда кузда тутилган суғуртанинг мажбурий турларини амалга ошириш;
- қайта суғурта операцияларини амалга ошириш, суғуртавий маслаҳат хизматларини курсатиш;
- махаллий шароитларни хисобга олиб, суғуртанинг янги турларини жорий қилиш;
- суғуртанинг қонунчилик хужжатларида ва хукumat қарорларида назарда тутилган мажбурий турларни амалга ошириш.

Суғуртанинг мажбурий турларига фуқаролар мол-мулки, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги, йулловчилар суғуртаси, Ўзбекистон темир йуллари тизими ходимлари, парвозларда иштирок этувчи ходимлар, оддий аскарлар ва бошқалар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларни ва ҳарбий хизматни уташга мажбур шахсларни суғурталаш турлари киради.

<b>«Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси</b>	
---	--

1.	Бош директор
2.	Биринчи ўринбосар
3.	Ўринбосар

4.	Шаҳар аҳолисини суғурталаш бўлими
5.	Корхоналар жавобгарлиги ва мол-мulkни суғурталаш бўлими
6.	Прогнозлаш, молия ва инвестиция бўлими
7.	Юридик хизмат бўлими
8.	Канцелярия бўлими
9.	Ходимлар бўлими
10.	Маъмурий хўжалик бўлими

### **«Мадад» суғурта агентлиги**

Ўзбекистон Республикаси суғурта тизимидағи «Мадад» суғурта агентлигининг асосий вазифаси хусусий тартибда иш олиб борувчи кичик ва хусусий бизнесни қуллаб-қувватлаш, тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш билан алоқадор суғуртанинг бошқа турларини амалга оширишдан иборатдир.

Агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, фермер хўжалигини ривожлантириш, бинокорлик индустряси, маҳаллий саноат, туризм, хизмат курсатиш доиралари томонидан тақдим қилинадиган инвестиция лойихаларини баҳолаш ва экспертизадан ўтказиб, бизнес фонд хисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга имтиёзли шартлар билан кредит беришга тавсия қилишдир.

Шу билан бирга агентлик имтиёзли шартлар асосида тадбиркорларни суғурта қиласди. Ўз вақтида қайтарилмаган кредитларни қайтаришга ёрдам беради, хорижий инвестицияларни суғуртавий химоя қилиш ва бошқа суғурта хизматларини амалга оширади.

«Мадад» суғурта агентлиги тақдим қилинган лойихаларни кўриб чиқиш ва ҳаридорларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 10 дан ортиқ консалтинг фирмаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

«Мадад» суғурта агентлиги республикамиз минтакаларида ўзининг 13 филиалига эга бўлиб, бу орқали фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан олган мажбуриятларини ўз вақтида амалга оширишга ҳаракат қилмоқда.

### **«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси**

1997 йил 18 февралда эълон қилинган Президент Фармони асосида ташкил қилинган «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси 1994 йил 21 январда таъсис қилинган «Ўзбекинвест» миллий суғурта компаниясининг мулкий ва номулкий хукуқ ва мажбуриятлари бўйича хақиқий вориси бўлиб, республикамиз суғурта ташкилотларининг

халқаро миқёсдаги суғурта тадбирларини амалга оширишга қаратилган навбатдаги жиддий қадамдир.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта ташкилотининг асосий мақсади республика иқтисодиётида экспорт ташибни янада рагбатлантириш, экспорт қилувчиларни суғуртавий химоя қилишни таъминлаш, хорижий мамлакатлар инвесторлари билан алоқа қилувчи узбек инвесторларининг фаолиятини кучайтириш, иқтисодиётнинг устивор тармоқларга жалб этилаётган чет эл инвестицияларини комплекс суғуртавий химоя қилишдан иборат.

Компаниянинг ўзига хос хусусиятларидан бири инвестицияларни фақат иқтисодий хавф-хатарлардангина эмас, балки сиёсий хавф-хатарлардан (уруш, инқилоб, фуқаролар галаёни, пул утказишни чегаралаш ва бошқалар) ҳам химоя қиласди. Шу муносабат билан хорижий мамлакатларда суғуртанинг бу турига қизиқиш кучаймоқда.

Компанияга бош директор раҳбарлик қиласди ва директорлар кенгаши муҳим масалаларни мухокама қилиб тавсиялар беради. Компаниянинг вилоятларда ҳам бўлимлари мавжуд. Марказий бошқармада умумий хавф-хатарлар, стратегик ривожланиш, молиявий хавф-хатар, халқаро бўлимлар мавжуд.

Ташқи иқтисодий соҳа Ўзбекистон иқтисодиётининг энг жўшқин ривожланаётган тармоги хисобланади. Шу муносабат билан хозирги босқичда ташқи иқтисодий фаолиятни экспорт-импорт операциялари, хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар мол-мулки, халқаро юқ ташувчиларни масъулияти, хорижий пудратчилар иштирокидаги қурилишни суғурталаш ва шу кабилар компаниянинг асосий йўналишларига айланмоқда.

Компаниянинг «Ўзбекинвест» Интернейшнл Ишнуранс ЛТД қўшма корхонаси томонидан чет эллик савдо компанияларига бериладиган суғурта хизматларининг йўналишлари қуидагилардан иборат:

- сармояни суғурталаш;
- савдо суғуртаси.

«Ўзбекинвест» бош компанияси ва унинг ҳудудий идоралари бўйича қуидаги суғурта хизматлари тақдим этилмоқда:

- экспорт қалтисликларини суғурталаш, мусодара, трансфер кечикиш, эмбарго жорий этиш, шартларни бажаришдаги тусқинликлар ва бошқалар;
- қурилиш-монтаж ишларини суғурталаш;
- юкларни суғурталаш;
- авиация воситаларини суғурталаш;
- автотранспорт масъулиятини суғурталаш;
- ҳаёт ва саломатликни суғурталаш.

## **Республика хусусий сұғурта компаниялари**

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан республикамизда сұғурта монополияси қисқара бошлади, давлат сұғурта ташкилотлари билан бирга қатор хусусий сұғурта компаниялари иш бошлади. Бу компанияларнинг фаолияти сұғурталаш шартлари ва сұғуртани ташкил қилиш йўналишлари бўйича давлат сұғурта ташкилотларидан фарқ қиласди. Уларнинг бу йўналишлари ва хусусиятлари бозор иқтисодиёти талабларига кўпроқ жавоб беради.

Биринчидан, бундай хусусий ташкилотларни барпо қилиш учун таъсисчилар ихтиёрида бир неча ўн миллион маблағ бўлиши лозим, бу ҳақида алоҳида рухсатнома олиниш керак.

Иккинчидан, давлат сұғурта ташкилотларининг обьектлари қонун асосида чегараланган булса, бу ташкилотлар обьектларни ўзлари белгилайдилар ва бу ҳақида ўз низомларида қайд қиласдилар.

Учинчидан, сұғурта маблагларининг манбалари фақат сұғурталанувчиларнинг тўловларигина бўлиб қолмасдан, шунингдек, таъсисчиларнинг маблаглари, сұғурта ташкилоти ихтиёрида буш турган маблаглардан хўжалик ишларида ишлатиш асосида олинган фойда ва бошқа сұғурта ташкилотларини қайта сұғурталаш бўйича тупланадиган маблагларидан иборат булади.

Сұғурта жамиятлари ишида хорижий мамлакатлар ҳам ҳамкорлик қилишлари мумкин. Сұғурта жамиятлари хавф-хатарларига хаёт ва саломатлик, мол-мулк, ақлий меҳнат маҳсулотларининг дахлсизлиги, сафар ёки дам олишни бехатар ўтиш билан боғлик ҳар хил фавқулодда ходисалар киради. Бундай сұғурта кафолати мулкчилик шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш акционерлик жамиятлари, корхоналар, фермер хўжаликлари, тижорат банклари ва бошқаларга ҳам тақдим этилиши мумкин.

Хозирда Ўзбекистонда 60 дан ортиқ сұғурта компанияси, агентлиги ва фирмалар мавжуд. Худудлар бўйича сұғурта бўлимлари ва вакилларни хисобга олганда сұғурта жамиятларининг сони 60 га яқиндир.

Сұғурта акционерлик жамиятлари бир хилда ихтисослашган эмас, улар уз низомларида курсатилганидек турли йўналишларда фаолият курсатадилар. Масалан: «Мадад» сұғурта агентлиги кичик ва хусусий бизнес билан шугулланувчи тадбиркорларга кредит бериш билан шугулланади, бошқа сұғурта компаниялари корхона ва ташкилотларга тегишли мол-мулкларни сұғурталайдилар, бундан ташқари турли йўналишларда жунатилаётган юклар ҳам сұғурталаниши мумкин, лекин купчилик сұғурта ташкилотлари фуқароларга тегишли мол-мулкларни, уларнинг ҳаётини, қушимча пенсия олиш имкониятларини сұғурталайди, бундан ташқари айрим сұғурта компанияларида тиббиёт сұғуртаси

мавжудки, бу суғурта тури суғурталанувчиларга ихтисослашган тиббиёт хизмати кўрсатишга имконият яратади.

Акционер суғурта ташкилотлари ўз даромадлари хисобидан давлат бюджетига даромад солиги тулайдилар. Бу даромадларни хисоблашда суғурта ишини хусусиятлари, масалан, туландиган заарларни миқдори, турли хил узига хос фондларни ташкил қилиниши эътиборга олинади.

Суғурта ташкилотлари давлат томонидан белгиланган тартибда назорат қилинади. Бундан мақсад суғурта бозорига спекулятив, фирибгарларни кириб қолишиларга йул куймасликдир. Давлат назоратининг максади шунингдек, ташкил қилинаётган суғурта ташкилотларини рўйхатга олиш, рухсатномалар бериш, чет эл суғурта компанияларининг суғурта фаолиятида қатнашишларини қонунлаштириш, қайта суғурталашни амалга ошириш устидан назорат қилишдан иборат. Хозирда республикамизда мустақил қушма суғурта ташкилотларига мавжуд рухсатнома бериш учун курсатилган суғурта ташкилотларининг низомлари З йил давомида суғуртани ривожлантириш истиқболлари, қайта суғурталашни ташкил қилиш масалалари куриб чиқилади, шунингдек, кредит ташкилотларининг суғурта компанияларининг низом, резерв ва бошқа фондлари ҳақидаги маълумотномаси ҳам тақдим қилиниши талаб қилинади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

1. Ижтимоий суғурта
2. Тиббий суғурта
3. Мулкий суғурта
4. Кўшимча пенсия суғуртаси
5. Никоҳ-туй суғуртаси
6. қайта суғурталаш

### **Назорат учун саволлар**

1. Ўзагросуғурта ДАСКнинг асосий вазифалари.
2. Кафолат ДАСКнинг асосий фаолият йўналишлари.
3. Мадад суғурта агентлигининг асосий вазифалари.
4. Ўзбекинвест ЭИМСКнинг асосий йўналишларини санаб утинг.
5. Суғуртани бошқариш деганда нимани тушунасиз?
6. қайта суғурталаш нима?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 1992 й.

2. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
7. Собиров Х.Р. «Суғурта ҳақида 100 савол-жавоб» Т.: «Меҳнат» 1999 й.
8. Шеннаев Х. «Суғурта сизга нима беради?» Т.: 2004 й  
**Кўшимча адабиётлар**

1. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1998 г.
2. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
3. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1997 г.
5. Саркисов С.Э. Личное страхование. М-«Финансу и статистика», 1997 г.

=айтиш

## **7-Мавзу: Мулкий суғурта**

### **Режа**

1. Фукаролар мулкини суғуртавий химоялаш асослари
2. Ҳуқуқий шахслар мулкини суғурталаш
3. Зарарни ва суғурта копламасини аниқлаш тартиби

### **Фукаролар мулкини суғуртавий химоялаш асослари**

Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка мувофик мулк давлат,хусусий ва жамоат бирлашмалари ихтиёрида булиши

мумкин. Фуқароларнинг реал даромадлари ортиши билан фуқаролар мулкининг таркиби узок муддат фойдаланиладиган кимматбаҳо предметлар хисобига ортиб боради. Бу билан янги суғурта обьектлари пайдо бўлади. Фуқаролар мулкининг таркибини ўзгариши ва миқдорининг купайиши суғуртавий химоялаш эҳтиёжини шакллантиради. Бу эса мазкур мулклар суғуртасини ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Фуқароларнинг барча мулклари йигиндисини уларнинг оила эҳтиёжларини кондиришга нисбатан муҳимлик даражаси бўйича икки тоифага булинади.

1. Зарурый мулк яъни бирламчи эҳтиёж учун муҳим бўлган ҳамда нобуд булиши шахсий манфаатларигагина эмас, балки жамият манфаатлари учун ҳам тааллукли бўлган мулк:

2. Бошқа мулклар, қайси нобуд бўлиши факатгина шахсий манфаатларигагина тегишли.

Биринчи тоифа мулкларнинг (уй-жойлар, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, қайсики улар оиланинг ҳаёт кечириш манбаи булса) нобуд булиши мулк эгасига фавкулодда зарап етказиши мумкин, шу билан бирга у ташки ёрдамсиз вазиятдан чиқа олмаслиги мумкин.

Бу мулкнинг нобуд булишида давлат фуқароларга моддий ёрдам курсатишга мажбур булади. Бундай мулкларни суғуртавий химоялаш мақсадида давлат биринчи тоифага тегишли мулкларни, уларнинг қийматини маълум минимуми миқдорида мажбурий суғурталашни ташкил этади. Кийматнинг колгани ихтиёрий суғуртага тегишли булади.

Иккинчи тоифа мулклар (транспорт воситалари, рўзғор буюмлари ва хоказо) фақат ихтиёрий суғурталаниши мумкин. Ихтиёрий суғуртанинг амалдаги шартлари фуқаролар мулкининг барча гурухларини камраб олмайди. Мажбурий суғурта бўйича фуқароларнинг қўйидаги курилмалари суғурта килинади: уй-жойлар, гаражлар, кургон деворлар, иссикхоналар, хўжалик эҳтиёжидағи курилмалар, омборхоналар, ҳайвонларга мулжалланган хоналар ва бошқалар. Суғурталанувчилар бўлиб курилмаларнинг шахсий мулк сифатидаги эгалари хисобланади.

Шаҳар жойларда фуқароларга тегишли бўлган курилмалар ва уларнинг баҳоси тўғрисидаги маълумотлар техник рўйхатдан ўтказиш органларидан олинади. қишлоқ жойларида эса қишлоқ фуқаро йигинларининг хўжалик дафтарларидағи маълумотлар асосида хисобга олинади. Мажбурий суғуртага тааллукли булган курилмалар уларнинг қийматини 40 фоизи миқдорида суғурталанган хисобланиши керак ва бу обьектнинг суғурта сўммаси хисобланиб ҳамда ундан келиб чикиб курилма эгаси суғурта бадалларини тулаши лозим.

Бироқ хозирги шароитда нархларнинг тез ўзгариб турганлиги сабабли фуқароларга тегишли мулклар мажбурий суғуртаси бўйича сўммалари ва

бадаллар миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорига асосан белгиланмоқда.

## **Хуқуқий шахслар мулкини суғурталаш**

Корхона ва ташкилотларнинг мулки асосий ва айланма маблағлардан ташкил топади. Мазкур мулкларни суғурталашнинг аҳамияти шундан иборатки, ҳар қандай корхона, ташкилот ва бошқа хуқуқий шахсларнинг асосий ва айланма фондлари ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий фаолиятнинг зарурий базаси хисобланади. Уларни суғуртавий химоясини таъминлаш суғурта муносабатлари тизимида алоҳида аҳамиятга эга булиши зарур. Асосий фондларнинг бошлангич киймати барча суғурта муносабатларига асос бўлиб хизмат килади. Айланма фондлар учун эса эскириш деган тушунча йук шунинг учун заарларни коплаш масаласи айланма маблагларларни тула баланс кийматида суғурталаш йули билан хал килинади.

Мулк суғуртаси шартларига кура асосий шартномага кура корхоналарга тегишли, бинолар, иншоотлар, узатиш мосламалари, кувват берувчи машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, тугалланмаган капитал курилиш обьектлари суғурта килиниши мумкин.

Кўшимча шартнома бўйича корхона томонидан ижара шартномаси асосида олинган барча мулклар (агар у ижарачи томонидан суғурта килинмаган булса), шунингдек корхона томонидан бошқа ташкилотлардан ва аҳолидан қайта ишлаш, тузатиш, кучириш ва саклаш учун олинган мулклар суғурта килиниши мумкин. Хужжатлар, накд пуллар, кимматли когозлар, суғурта килинмайди.

Мол-мулклар қўйидаги холлардан суғурталанган хисобланади: сув тошкини, ер ости сувларининг таъсири, ёнгин, бурон, довул, сел окими, дул, мазкур худуд учун хос булмаган совук (иссик) калин кор ёгиши, ер упирелиши, электр кувватининг узилиб колиши, яшин уриши ва ер кимирлаши, кулфни бузиб кириб угирилик, ёкиб кетиш. Корхонага тегишли мулклар тўла қийматида килинганда қўйидаги миқдорда суғурталанган хисобланади:

- бинолар, иншоотлар, узатиш мосламалари, транспорт воситалари, машиналар ва бошқа асосий воситаларнинг балансдаги тула киймати миқдорида;
- корхонанинг узида ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган товар-моддий, бойликлар хакикий таннархи миқдорида;
- ишлаб чиқарилган (етиштирилган) кишлок хўжалик махсулотлари хакикий таннарихи миқдорида;

- тугалланмаган капитал курилиш объектлари курилиш ишлари учун кабул килинган меъёрлар ва баҳолардан келиб чикиб сарф килинадиган моддий ва меҳнат ҳаражатлари миқдорида.

Ижара шартномасига кура олинган иншоотлар, машиналар транспорт воситалари ва бошқа мулклар, мазкур мулклар тегишли булган корхонанинг бухгалтерия хисоби маълумотлари асосидаги баланс баҳосидан келиб чиқиб суғурта килинади.

Суғурта шартномаси бир ва ундан ортик йилга тузилади. Бир неча йиллик шартнома тузилганда мулк киймати ва суғурта тўловлари ҳар йили қайта хисобланади. Суғурта шартномасининг амал килиш даври ичida чикиб кетган мулк учун суғурта бадаллари қайтарилемайди.

Мулк суғуртаси бўйича суғурта ўилдирувчининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

- мулкни ёнгинга карши коидаларига катъи амал килган холда назорат ташкилотлари талабларининг бажарилишини таъминлаши, бинолар, иншоот ва бошқа мулклардан фойдаланиш коидаларига риоя этиш;

- суғурта компаниялари ва назорат ташкилотларига суғурта килинган мулкнинг бутлигини текширишда ёрдам бериш;

- суғурта килинган мулк зааралланганда, нобуд булганда ёки суғурта ходисаси рўй бериш хавфи пайдо булиши сабабли иш олиб борилганда тегишли суғурта компаниясига хабар бериш;

- суғурта килинган мулк нобуд бўлганда, заралланганда, йўқ бўлганда суғурта компаниясига зарур хужжатларни тақдим этиш;

Суғурталовчи эса қуидаги мажбуриятларни олади:

- суғурта қилдирувчига суғурта коидалари ва тартибини тушунтириш, суғуртага олинадиган мулкнинг кийматини аниклашда ёрдам бериш;

- суғурта қилинган мулк тўғри сакланаётганлигининг конунийлигини назорат органлари билан биргаликда доим текшириб туриш;

- мулк нобуд булганда заар кийматини аниклаш учун комиссия тузишида ёрдам бериш ва курсатилган муддатларда суғурта копламасини туланишини таъминлаш керак.

### **Заарни ва суғурта қопламасини аниклаш тартиби**

Суғурта компанияси суғурта ўилдирувчидан мулкнинг нобуд бўлганлиги, йуколганлиги ёки шикастланганлиги ҳақида хабар олгач, уч кундан кечиктирмай кабул килинган шакл бўйича суғурта

далолатномасини тузишга киришишни ва ун кун ичида заарни хисоблаб чиқиши лозим.

Суғурта копламалари корхонага суғурта компанияси ва суғурта ўилдирувчи вакилларининг мажбурий иштироқида тузилган далолатнома ва заар миқдорининг суғурта компанияси томонидан бажарилган хисобкитоби асосида туланади.

Ёнгинни тухтатиш чогидаги чоралар ёки қутилмагандан табиий оғат хавфи булиши муносабати билан бинолар ва бошқа мулкларни кисмларга ажратишга, бино ҳамда иншоотларни қайта тиклаш учун килинган сарфлар ҳам заар миқдорига қўшилади.

Суғурта копламасининг туланиши суғурта компаниясининг айби билан кечикирилса, кечикирилган ҳар бир кун учун заар копламасининг 0,05 фоизи миқдорида жарима туланади.

Агар мулк жиноят оқибатида нобуд булган ёки шикастланган ва шу туфайли жавобгарга нисбатан жиноий иш кузгатилган булса, у холда жавобгар шахс устига куйилган даъвони жиноий иш курилаётган даврда суд томонидан куриб чиқишига имконият тугдериш максадида суғурта ўилдирувчига суғурта копламаси тергов ишлари бораётган пайтда ёки тугагандан сунг туланади.

Агар заар тула копланса ёки суд етказилган заарни жавобгар шахсдан ундиришга хукм чикарса, у холда суғурта қилдирувчи ўзининг суғурта қопламасига булган хуқуқидан маҳрум бўлади.

қуйидаги холларда суғурта копламаси туланмайди:

а) иш жараёнида рўй бериш мукаррар булган ёки табиий холда рўй берадиган (нураш, эскириш, чириш) алоҳида жисмларнинг ўзига хос хусусиятлар туфайли курилган заар учун;

б) суғурта килинган мулкни қайта ишлаш максадида иситиш, қуритиш, кайнатиш ва бошқа таъсир курсатиш натижасида курилган заар учун;

в) суғурта ходисаси рўй берганлиги ҳақида ўз вақтида хабар бермаганлик натижасида заар миқдорини аниклаш мумкин булмагандан;

г) қулфбузарлик билан угираш, талан-тарож килиш, транспорт воситаларини олиб колиш ходисалари хукукни муҳофаза килиш органлари томонидан тасдикланмагандан.

### **Таянч сўз ва иборалар.**

1. Мулк суғуртаси обьекти
2. Мулкий суғурта турлари
3. Фуқаролар мулки суғуртаси
4. Корхоналар мулки суғуртаси
5. Суғурта копламаси

6. Ихтиёрий мулкий сұғурта
7. Мажбурий мулкий сұғурта

### **Назорат учун саволар**

- 1) Мулкий муносабатлар деганда нимани тушунасиз?
- 2) Нима сабабдан фуқаролар мулки мажбурий сұғуртага олинади?
- 3) Фуқароларнинг қандай мулклари мажбурий сұғурталанади?
- 4) Асосий фонdlар қандай шартлар бўйича сұғурталанади?
- 5) Сұғурта қилдирувчи мулк сұғуртаси бўйича қандай хукукларга эга булади?
- 6) Кўрилган заарлар миқдори қандай тартибда аникланади?

### **Асосий адабиётлар**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 1992 й.
- 2.Ўзбекистон Республикаси «Сұғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
- 3.И.А Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т-«Ўзбекистон» 1995 й.
- 4.И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т-«Ўзбекистон»1998 й.
- 5.И.А.Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатлариға ўтишнинг узига хос йули» Т-«Ўзбекистон» 1998 й.
- 6.И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т-«Ўзбекистон» 1998 й.
- 7.Х.Р.Собиров «Сұғурта» 100 савол-жавоб Т-«Меҳнат» 1999 й

### **Қўшимча адабиётлар.**

1. Страховое дело. Учебник под. ред. Проф. Л.И.Рейтман-М. «Банковский и биржевой научно- консультационный центр», 1996
- 2.. Е.В.Коломин, В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» «Финансу и статистика» 1999 г.
3. Л.И.Рейтман «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. В.В. Шахов «Введение в страхование» М- «Финансу статистика» 1997г.
5. А.А.Гвозденко. «Основы страхования» «Финансу и статистика» 1998 г.
6. Страхование: от А до Я (книги для страхователей). М: «Инфра-М» 1996 г.

## 8-Мавзу: Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртаси

### Режа

1. Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасининг мохияти
2. Тижорат таваккалчиликлари суғуртаси
3. Янги техника ва технология таваккалчиликлари суғуртаси

### Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасининг мохияти

Тадбиркорлик фаолияти ва суғурта-бозор муносабатларининг узвий боғлиқ категориялардир.

Тадбиркорлик суғуртаси фаолиятининг якуний натижалари билан биргаликда кузланган максадга эришиш учун таъсир килувчи турли омиллар химоясига йуналтирилган булиши керак. Натижада суғурта воситасида улкан бозор фазосида сўзиб юрган ҳар бир шахсга хавф солувчи кутилмаган холатларга карши кафолат яратиши керак.

Бозор шароитида тижорат, техник, ҳуқуқий ва сиёсий таваккалчиликлардан суғурталаш долзарб хисобланади. Суғурта кундан-кунга факатгина табиий оғатлардагина химоялаш эмас, балки иктисадий конъюктуранинг номаъкул ўзгаришларидан ҳам химоялаш воситаси бўлиб бормокда. Суғурта бозор муносабатларининг турли катнашчилари уртасидаги узаро молиявий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга ёрдам бериши керак.

Тадбиркорлик фаолиятининг максади фойда олиш, капитал хажмини купайтириш хисобланади. Шунинг учун кутилган фойдани йукотиши эҳтимоли ёки кузланган даромадни ололмаслик холатларидан суғурталаш мухим аҳамият касб этади.

Фойдани йукотилишига (ололмасликка) олиб келувчи барча сабаблар икки гурухга булинади:

1. Табиий оғатлар, авариялар ва бошқа шунга ухшаш ходисалар натижасида ишлаб чиқариш жараёнининг бузилиши.
2. Бозор конъюктурасининг узгариши, маҳсулот етказиб берувчи ёки сотиб олувчи томонидан контрактларнинг бузилиши ва бошқалар.

Омилларнинг бу иккала гурухи ҳам суғурта соҳасида булиши лозим.

Самарали тадбиркорлик фаолиятини янги техника ва техналогияларни узлаштиришга интилишсиз, ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун Кўшимча маблагларни кидиришдаги онгли таваккалчиликсиз тасаввур килиб булмайди. Бу йулдагиларнинг ҳаммаси ҳам муваффакиятни кафолатламайди, йукотишлар ҳам булиши мумкин. Бундай техник ва техналогик таваккалчиликлардан сұғурталаш илмий-техник ва техналогик таваккалчиликлардан сұғурталаш илмий-техник тараккиётнинг муҳим куллаб-куватловчиси булиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти шароитида сұғуртанинг узи тижорат фаолиятининг бир сохаси бўлиб боради. Шунинг учун сұғурталовчи уз жавобгарлигига у ёки бу таваккалчиликни олиш билан, аввало узи ҳақида уйлайди, яъни тузилаётган сұғурта шартномаси унга нима беради. Шунингдек, у йирик таваккалчиликларнинг юкори хавфи мавжуд булган сұғуртанинг айрим турларига кул ура олмайди. Шунинг учун бундай турларнинг купчилиги биргалиқдаги сұғуртанинг предмети булиши мумкин.

Бозор хўжалигининг кенгайиши билан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ куплаб обьектлар сұғуртага жалб килинади. Лекин, сұғурта химояларининг эҳтимолига реал сұғурта бозорини шаклланиши, сұғурта ташкилотларининг молиявий базасини мустахкамланиши, сұғурта ташкилотларининг молиявий базасини мустахкамланиши билан амалга ошади.

### **Тижорат таваккалчиликлари сұғуртаси**

Бу сұғурта турининг обеъкти сұғурталанувчининг тижорат фаолияти хисобланади, кайсики бирон-бир ишлаб чиқариш, ишлар ёки хизматлар турига пул маблаглари ва бошқа ресурсларни инвестиция килиш ҳамда маълум даврдан сунг бу қўйилмалардан даромад олишни кўзловчи фаолияти хисобланади. Сұғуртанинг бу тури шартнома тузиш ва уни амал қилиш бутун даври бўйича анча мураккаб турлардан бири хисобланади.

Сұғурта ташкилотининг тижорат таваккалчиликлари сұғуртаси бўйича жавобгарлиги сұғурталанувчининг бозор конъюктурасининг нокулай, олдиндаги айтиб булмайдиган узгаришлари ва кузланган тижорат фаолиятини амалга ошириш шароитларини ёмонлашуви натижасидаги йукотишларни коплашдан иборат.

Шартнома бўйича жавобгарлик чегараси хисобланмиш- сұғурта сўммасининг миқдори сұғурталанувчининг аризаси ва албатта, сұғурта ташкилотининг розилиги билан белгиланади. Сұғурта сўммаси иккита вариант бўйича белгиланиши мумкин. Биринчи вариант-

суғурталанувчининг суғурталанаётган операцияларга йуналтирилган капитал куйилмалари чегарасида. Иккинчи вариант-суғурта сўммаси фактат капитал ҳаражатлар хажмидан эмас, балки кутилаётган маълум (меърий) даромадларнинг ҳам биргалиқдаги миқдоридан иборат булади.

Суғуртанинг максади, агар маълум даврдан сунг суғурталанган операциялар кузда тутилган натижани бермаса, суғурталанувчига курилиши мумкин булган заарларни коплашдан иборатдир. Суғурта копламаси суғурта суммаси ва суғурталанган тижорат фаолиятидан олинган хақиқатдаги молиявий натижалар ўртасидаги фарқ кўринишида аникланади.

Суғурта суммасини белгилаш тартиби бўйича суғурта мазмуни ҳам ўзгаради. 1-вариантда суғурталовчининг килган ҳаражатлари копланади; уни инвестиция суғуртаси ҳам дейиш мумкин. 2-вариантда ҳаражатлар ва меъёрий фойда копланади, шунинг учун бир даромад (фойда) суғуртаси ҳам деб аташ мумкин.

Суғуртанинг максади куйилмаларни йукотиш эхтимолидан химоялаш хисобланар экан, суғурта шартномасининг амал килиш муддати капитал ҳаражатларнинг копланиш муддати билан асосланади.

Шуни таъкидлаш керакки, суғурта шартномасининг амал килиш муддати белгиланаётганда суғурталовчи ва суғурталанувчининг манфаатлари бу ерда турлича номаён булади.

Суғурталанувчи амалга ошираётган фаолиятини тезроқ қопланишига интилар экан, объектив равишда суғурта муддатининг кискаришидан манфаатдордир. Суғурта ташкилоти учун шартномани амал килиши муддатининг кискалиги таваккалчиликни ошириб юборади. Муддатнинг узайтирилиши копланишни аникрок килади, шундан келиб чикиб суғурта ташкилоти томонидан копланадиган заарларни рўй бериш эхтимоллигини камайтиради.

курилаётган суғурта турининг хусусияти шундан иборатки, суғурта копламаларининг туланиши, асосан, суғурта муддати тугагандан сунг амалга оширлади, качонки суғурталанган тижорат амалларининг якуний натижалари аникланганда. Суғуртанинг бошқа турлари бўйича эса заарларни компенсациялаш зарурати суғурта шартномасини амал килишининг исталган вактида амал килиши мумкин.

Тижорат таваккалчиликлари суғуртасида тўланиши мумкин булган тўловлар бўйича муддатнинг белгиланиши тушган бадаллардан режали фойдаланиш имконини беради, бу даврда захиралар хосил килиш учун шароитлар яратади. Шунинг учун суғурта шартномасининг амал килиш муддати келишилаётганда илмий асосланган курсатмалардан, чет эл ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг турли соҳаларида

инвестицияларнинг узини коплаш амалиётини тахлилидан келиб чикиш зарур.

Аслида суғурта копламаси суғурта шартномаси тугугунча ҳам тўланиши мумкин, қачонки глобал кўламдаги қандайдир ходисалар натижасида фойда олиш у ёкда турсин, куйилган маблагларни қайтаришнинг ҳам иложиси йук бўлиб колганда.

Барча бундай холатларда суғурта ташкилотига зудлик билан хабар бериш зарур. Бирок бозор конъюктураси билан боғлиқ куп холатлар маълум тузатишларга молик булади, номаъкул узгаришлар вактинчалик булиши мумкин. Шунинг учун факатгина суғурта муддатининг тугаши тижорат фаолиятининг натижалари ва туланиши керак булган копламаларнинг хажмига жавоб бериши мумкин.

Суғуртанинг ҳарактери шартнома тузилишининг катор муҳим талабларини асослайди. Суғурталанувчи мазкур фаолият учун рухсатномалар, лицензиялар ёки патентлар, бошқа зарурий хужжатларга эга бўлиши керак. У ўзининг суғурта тўғрисидаги ёзма аризасида олдиндан турган тижорат фаолияти, унда кутилаётган даромадлар ва у билан боғлиқ ҳаражатлар тўғрисида, таваккалчилик даражасини баҳолаш имконини берувчи холатлар тўғрисида имкон кадар тулик маълумотлар бериши керак. Албатта, суғурта ташкилотининг узи турдош корхоналарнинг фаолияти натижалари тўғрисидаги курсаткичларни туплаши ва тахлил килиши керак. Банк ва бошқа кредиторлар олдида муддати утган карзларга эга корхоналар билан шартномалар тузиш керак эмас.

Суғуртанинг бошқа турлари каби суғуртага ва суғурта жавобгарлигига кабул килаётганда баъзи чегараларни куллаш зарур. Демақ, суғуртадан воситачилик фаолиятини, азартли уйинларга куйилмалар ва шу кабиларни

чиқариш максадга мувофикдир. Коида бўйича, суғурта жавобгарлигидан урушлар ва ҳарбий ҳаракатлар, давлат органлари карорлари ва сиёсий тунтаришлар валюта курсини узгариши, корхонанинг банк томонидан кредитланишини рад этилиши натижаларида курилиши мумкин булган йукотишлар суғурта оркали копланмайди.

Умуман, ҳар кайси суғурта ташкилоти узининг жавобгарлигига кабул килувчи таваккалчиликларни чегаралаш ёки кенгайтириш хуқуқига эга.

Тижорат таваккалчиликлари суғуртаси бўйича таъриф ставкалари куплаб омилларга: фаолият турига, суғурта муддатига, бозор муносабатларининг стабиллик даражасига ва бошқаларга боғлиқ. Ҳар бир корхона учун таваккалчилик ва тўлов ставкаси алоҳида (индивидуал) дир.

## **Янги техника ва технология таваккалчиликлари суғуртаси**

Ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни куллаш таваккалчилиги суғуртасини иккита йўналишга булиш мумкин. Биринчиси-бу техникани узини технологик линияларни уларни ишдан чикиши ишлаш жараёнини бузилиши, талофат куриш холларидан суғурталаш. Мазкур холатда суғурталанган объектлардаги бевосита куриладиган заарлардан химоя назарда тутилади. Иккинчиси- янги техника, технологияни қуллаш ёки уларни бузилиши, тухтаб колиши билан боғлиқ кузда тутилмаган окибатлар суғуртаси. Бу ерда Кўшимча ҳаражатлар ва олинмаган фойда кўринишидаги билвосита заарлар инобатга олинади. Бу иккала суғурта ҳам алохидадир. Бирок уларни биргаликда куллаш узини оклаган.

Суғуртанинг обьекти синов ва текширишлардан кейин ишлатига ярокли деб тан олинган машиналар, техник ва технологик курилмалар хисобланади.

Янги техника ва технологиялар суғуртаси уларни қуллаш таваккалчиликларига нисбатан амалга оширилади. Бундай таваккалчиликларга машиналар конструкцияларидағи ва технологиялардаги, материалларни танлаш ёки тайёрлашдаги хаттоликлар; кутилмаганды бозорда яна ҳам унумли техника ва технологияларни пайдо булиши; синов пайтида аниклаш мумкин булмаган яширин деффектлар; улчов, меъёрлаштириш ва бошқа асбобларнинг ишдан чикиши; электр куввати ва босимни ортиб кетиши, киска туташувлар; машиналарни бузилиши ва ишлаб чиқаришнинг тухташига олиб келувчи техника ва технологик линияларга хизмат курсатишдаги хаттоликлар, этиётсизлик, алохида шахсларнинг гаразгуйлиги ва бошқа сабаблар.

Мазкур суғуртанинг хусусияти, кўриниб турибдики алохида шахсларни айби билан юзага келадиган заарларни коплашдан иборат. Заарлар агарда янги техника ва технологиялар билан ишлаш учун зарур касбий тайёргарликка эга шахсларнинг тасодифий хаттолари ёки атайлаб килган ҳаракатлари натижасида юзага келса копланиш кузда тутилади.

Техника ва технология таваккалчиликлари суғуртаси ёнгин, портлаш, табиий оғат натижасида куриладиган заарларни копламайди. Чунки булар мулк суғуртаси бўйича жавобгарликка киритилган. Бошқа суғурта турлари каби, ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, мулкнинг мусодара килиниши ва шунга ухшаш бошқа холатлар натижасида курилагн заарлар копланмайди. Албатта, ҳар кайси суғурта ташкилоти, суғурталанувчининг истаги бўйича битта шартномада техник, технологик ва ёнгин таваккалчиликларидан суғуртавий химояни умумлаштириши мумкин.

Техналогик (техник) курилмалар билан суғурта ходисаси рўй берганда, кисман курилган заарлар ва тула толофат фаркланади. Суғурталанган обьект бузилиб, уни қайта тиклаш киймати обьектнинг сотиб олиш ва корхонага ўрнитишнинг бошлангич кийматидан ошмаганда кисман заарар хисобланади. Бу холатда машина ёки жихознинг ишчи холатига қайта тиклаш учун зарур булган ҳаражатлар копланади.

Агар киймат бошлигич кийматдан юкори булса, у холда обьект тула талофат курган булади. Бу холатда уни қайта тиклаш ҳаражатлари эмас, бошлигич киймати копланади.

Суғурта тўловлари ставкаларининг техник ва технологик курилмаларнинг турлари бўйича урнатиш максадга мувофиқдир. Бунинг учун тегишли статистик маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Лекин улар янги техника ва технологияларни қўллаш таваккалчилклари узгаришига нисбатан умумий тенденцияларни, шунингдек ҳар бир обьект бўйича экспертли прогноз баҳоларини хисобга олган холда тузатилиши мумкин.

### **Таянч сўз ва иборалар**

1. Тадбиркорлик тушунчаси.
2. Суғурта таваккалчилиги.
3. Тижорат таваккалчилиги.
4. Технология таваккалчилиги.
5. Суғурта копламаси.

### **Назорат учун саволлар**

- 1) Тадбиркорлик таваккалчиликлари суғуртасининг мохияти нимадан иборат?
- 2) Тижорат таваккалчиликлари суғуртасининг обьекти нима?
- 3) Суғурта суммасини белгилаш тартиби қандай?
- 4) Янги техника ва технологиялар суғуртасининг мохияти нимадан иборат?

### **Асосий адабиётлар**

- 1.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 1992 й.
- 2.Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
- 3.И.А Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йулида» Т-«Ўзбекистон» 1995 й.

- 4.И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т-«Ўзбекистон»1998 й.
- 5.И.А.Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг узига хос йули» Т-«Ўзбекистон» 1998 й.
- 6.И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т-«Ўзбекистон» 1998 й.
- 7.Х.Р.Собиров «Суғурта» 100 савол-жавоб Т-«Мехнат» 1999 й
8. Шеннаев Х. «Суғурта сизга нима беради?» Т.: 2004 й

### **Қўшимча адабиётлар.**

1. Страховое дело. Учебник под. ред. Проф. Л.И.Рейтман-М. «Банковский и биржевой научно- консультационный центр», 1996
2. Е.В.Коломин, В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» «Финансу и статистика» 1999 г.
3. Л.И.Рейтман «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. В.В. Шахов «Введение в страхование» М- «Финансу статистика» 1997г.
5. А.А.Гвозденко. «Основы страхования» «Финансу и статистика» 1998 г.
6. Страхование: от А до Я (книги для страхователей). М: «Инфра-М» 1996 г.

=айтиш

### **9-Мавзу: қишлоқ хўжалиги суғуртаси**

#### **Режа**

1. қишлоқ хўжалик корхоналарида суғурта объектлари ва тамойиллари
2. қишлоқ хўжалик хайвонлари ва экинлари суғуртасини амалга ошириш
3. қишлоқ хўжалик экинлари, боглар ва узумзорлар, нобуд бўлган куп ийллик дарахтлар бўйича заарларни аниклаш

**қишлоқ хўжалик корхоналарида суғурта объектлари ва тамойиллари**

қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш ишларини хозирги пайтда "Ўзагросуғурта" давлат хиссадорлик суғурта компанияси томонидан амалга оширилади. Компания фаолиятининг асосий йўналиши-кишлок хўжалиги соҳасида товар ишлаб чикарувчиларнинг мулк ва маҳсулотларини суғурта йули билан химоя этиш, банклардан олинган кредитларни қайтаришга суғурта кафолатини тақдим этиш, кишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштириш учун бериладиган аванс маблағларини қайтаришни суғуртавий кафолатлаш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама суғурта хизматларини курсатишдан иборатdir.

"Ўзагросуғурта" ташкилотининг вужудга келиши муносабати билан кишлоқ хўжалик корхоналарида ихтиёрий суғурта доираси кенгайди. Хозир бу йўналишдаги суғурта унгга якин суғурта турини узида мужассамлаштиради:

1. Экин хосилини суғурталаш;
2. Экинларни қайта экиш суғуртаси;
3. Табиий пичанзорлар, яйловлар ва тут дараҳтлар барги хосилини суғурталаш;
4. Бог ва узумзорларни дул уришдан суғурталаш;
5. қишлоқ хўжалик хайвонларини суғурталаш;
6. Пилла хосилини суғурталаш;
7. Бинолар, иншоотлар ва бошқа мол-мулклар суғуртаси;
8. Юкларни суғуртаси.

қишлоқ хўжалик корхоналари мол-мулкини суғурталашдаги тамойиллар қуидагилардан иборат:

биринчидан, суғурталаш универсал хусусиятга эга бўлиб, бунда барча табиий оғатлар натижасида етказиладиган заарар хисобга олинади;

иккинчидан, етказилган заарар ҳар бир бригада эмас, балки хўжалик бўйича ёппасига хисобланади;

учинчидан, суғурталаш корхонанинг йиллик фаолияти якунлари билан бевосита бояланган булади, курсаткичлар хисобланганда бир неча йиллик хосилдорлик эътиборга олинади.

### **қишлоқ хўжалик хайвонлари ва экинлари суғуртасини амалга ошириш**

қишлоқ хўжалик хайвонлари юкумли касалликлар натижасида нобуд бўлишдан, ўлатдан, мажбурий суйищдан ихтиёрий суғурта килинади.

Бу суғуртага:

- а) қорамоллар, куй-эчкилар, паррандалар б ойликдан бошлаб;
- б) отлар, туялар, эшаклар ва хачирлар-бир ёшдан бошлаб;
- в) асалари оилалари-қутида;

г) чўчқалар ва қуёнлар 4 ойликдан бошлаб кабул килиниши мумкин.

Асосий чорва моллари сифатида кишлок хўжалик корхонасининг балансида турувчи хайвонларнинг суғурта пули уларнинг жорий йил биринчи январдаги киймати бўйича белгиланади.

Суғурта тўловлари ставкалари "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси томонидан молларнинг ҳар бир турига кура тасдикланган фоизларда белгиланади.

Суғурта килинган хайвонлар нобуд булганда суғурта копламасининг миқдори шартномада курсатилганидан ортиқ булмаслиги керак. Агар мажбуран суйилган хайвоннинг гушти истъемол учун яроксиз булса, суғурта копламаси тула миқдорда тулунади. Хайвонлар териси туман суғурта бўлимига топширилса, тери баҳоси коплама миқдоридан чегириб ташланади.Хўжалик максадлари учун суйиладиган хайвонлар учун суғурта копламалари туланмайди.

Кишлоқ хўжалик экинларининг суғурталаш тадбирлари "Ўзагросуғурта" ДАСК томонидан кишлок хўжалик корхоналарнинг ихтиёрик асосида амалга оширилади.

Кишлоқ хўжалик экинлари қуидаги табиий ходисалардан яъни жал, хавонинг ута исиб кетиши ҳамда пасайиб кетиши, бурон, шамол, ер ости сувларининг таъсири, чакмок, яшин тушиши ва бошқалардан суғурта килинади яъни юкоридаги холатлар суғурта ходисалари деб тан олинади.

Экин хосилни суғурталаш суғурта тўловини хисоблашдан бошланади.Бунинг учун хўжаликнинг хисоб-китоб ва бошлангич хужжатлари бўйича:а) жорий йил учун бир гектар экин майдонидан олинниши режалаштирилган хосил. Бунда хосилдорлик миқдори миқдори кейинги уч йил ичида олинган хакикий хосилдорликдан юкори булмаслиги керак, б) маҳсулотни сотиш нархи, в) экин майдонининг хажми. Бунда ҳар бир экин хосилининг киймати алоҳида хисобланади. Агар мазкур йилда режалаштирилган хосил сунгги уч йилда режалаштирилган хосил сунгги уч йилда хакикий уртacha хосилдорликдан ортиқ булса, суғурта тўловлари уртacha уч йиллик хосилдорлик бўйича хисобланади. Курсатилган уч курсаткич аниклангандан кейин суғурта тўловлари "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси (ДАСК) томонидан ишлаб чиқарилган ставкалар асосида аникланади. Бу ставкалар вилоятлар бўйича тармоклаштирилади.

Масалан, Фарғона вилоятида ставка суғурта пули (сўммаси) га нисбатан пахта 8-12 фоиз, шоли 5-15, сабзавот, картошка 10-20, ем-хашак 3-5, силос экинлари 15-25 фоиз белгиланган. Яъни айтайлик 1000 гектардан олинадиган хосилдорлик бўйича суғурта пули 1 миллион сўм булса, шундан 8,0 фоиз миқдорида суғурта тўлови белгиланади. Суғурта

тўловининг миқдори 80 минг сўм хисобланади. Суғурта тўлови ҳар бир экин тури бўйича алохида хисобланиб, уларнинг жами миқдори аникланади.

Шартномада курсатилганидек, суғурта тўлови келиб тушган қуни суғурта полиси берилади. Полис олинган қундан бошлаб экинлар суғурталанган хисобланади.

Суғурта шартномасида суғурта муассасаларининг жавобгарлиги качон бошланиши ва канча муддат давом этиши курсатилган булади. Агар шу даврда суғурта ходисаси содир бўлиб колса суғурта копламаси туланди. Суғурта муассасаларининг экинлари учун жавобгарлиги бир йиллик ва куп йиллик экинлар экилган қундан бошланади ва қуйидаги муддатларда тугайди:

- а) пахта, канд лавлаги, картошка, сабзавот, полиз экинлари, хашаки лавлаги экинлари хосили бўйича даладан олиб чикиб кетилган қундан бошлаб;
- б) дон ва дуккакли дон экинлари хосили учун янчиш тамом булган қундан бошлаб;
- в) пичан даладан олиб чикилгандан ва гарамлагандан сунг;
- г) силосбоп кук озука экинлари хосили силос урасига солингандан кейин.

қишлоқ хўжалик экинлари йигиштириб олингунга кадар утган вакт давомида хосилнинг заарланиши ва нобуд булиши суғурта ходисаси хисобланса, бу хакда корхона 3 кун ичida суғурта ташкилотига хабар бериши лозим.

### **қишлоқ хўжалик экинлари, боғлар ва узумзорлар, нобуд бўлган куп йиллик дараҳтлар бўйича заарларни аниклаш.**

қишлоқ хўжалик экинлари учун суғурта тўловлари хисоблашда кабул килинган бир центнер хосилнинг баҳоси билан хисобланган, режалаштирилган ёки охирги 3 йилдаги уртacha хосилдорлик киймати билан хисботот йилида бир гектар майдонда етиштирилган уртacha хосилдорлик киймати орасидаги, қишлоқ хўжалик корхонаси курган зарар хисобланади. Масалан, режалаштирилган хосил 40 центнер, хисботот йилида олинган хосил 30 центнер. Бир гектар бўйича кўрилган зарар 10 центнер.

Кўрилган зарар миқдори хўжалигидаги шу йил экилган майдон хажмида хисобидан аникланади. Бир центнер хосил баҳосини натура хисобидаги ракамга купайтирсак заарнинг пул хисобидаги умумий киймати келиб чикади.

Агар дон учун экилган ловия, нухат каби дуккакли дон ва дон экинлари маккажухори ва кунгабокар экин майдонлари заарланиши натижасида ҳамма экин майдонидан заарланиши натижасида ҳамма экин майдонидан ёки бир кисмидан дон олиш учун эмас, балки пичан, күк озука ёки силосбоп маҳсулот учун фойданилган булса, у холда зарар миқдори заарланган майдондан амалда олинган дон, пичан, ку озука хосили ҳамда хўжалик хисботларида курсатилган хосил олинган майдонга асосан хисобланади.

Очик ерда етиширилган асосий сабзавотлар: карам, бодринг, помидор, сабзи, пиёзларнинг ҳар бири учун алоҳида; бошқа сабзовотлар, такрорий сабзовотлар; укроп, кашнич, бакалажон, туруп, редиска, шалгом ва бошқа экинлари гурух бўйича хисобланади.

Экилган озукабоп экинлар заарлангандан сунг экин майдонларидан хўжалик яйлов сифатида фойдаланган булса, шу майдонлар учун суғурта копламаси хисобланмайди.

Кўп йиллик мевали дараҳтлар заарланганда ёки нобуд булганда зарар миқдори данакли, уругли, резавор, ёнғоқсимон дараҳтлар ва токзор гурухлари бўйича факат хосилга кирган майдон учун хисобланади.

Кўчаччилик билан шугулланувчи хўжаликлар кучатхоналарда казиб олинган нихоллардан уз эҳтиёжи учун фойдаланадиган булса, зарар кийматини аниклашда минг дона нихолнинг нархи хисбот йилидаги етишириш таннархи бўйича хисобланади. Маҳсулотни етишириш таннархи режалаштирилган таннарх бўйича хисобланади.

қишлоқ хўжалик корхонаси заарланган ёки нобуд булган дараҳтларнинг заарланганлигини аниклаш учун тегишли мутахассислар ва қишлоқ хўжалик корхонаси вакиллари билан биргалиқда текширув натижалари асосида дараҳтларнинг ахволи хақида далолатнома тузилади.

қишлоқ хўжалик корхонаси заарланган ёки нобуд булган дараҳтларни каллаклаш, киркиш, кучириш ёки қайта устириш учун ер устки кисмини кесиш ишларини бажариб булгандан сунг 15 кун муддат ичida суғурта идораси "Зарар миқдорини хисоблаш варакаси"да зарар миқдорини аниклайди ва қишлоқ хўжалик корхонасига суғурта копламаси сифатида тулайди.

Куп йиллик дараҳтларга етказилган зарар киймати уларнинг балансдаги кийматидан шу дараҳтларнинг эскирганлик фоизини чегириб ташлаб, колдик кийматидан хўжаликда дараҳтларнинг хисоби кай тарзда олиб борилишга караб, уларнинг турлари ва гурухлари бўйича хисобланади.

Бўлиб утган суғурта ходисаси бўйича боддаги мавжуд дараҳтларнинг 70 фоизи заарланиб, қишлоқ хўжалик корхонаси шу

зарарланган боддаги барча дараҳтларни ковлаб ташласа заар мөкдори ҳамма ковлаб ташланган дараҳтлар учун хисобланади.

Ишкомли токзорлар ёки мевали бодлар бутунлай бузилса, дараҳтлар ва ишкомларнинг эскирганлик фоизи турлича булғанлиги сабабли, заар мөкдори алоҳида-алоҳида хисобланади. Ишкомлардан курилган заар кийма-тини хисоблашда уларнинг балансдаги кийматидан фойдаланиш учун ярокли устунлар ва симларнинг киймати чикарив ташланади.

Мевали куп йиллик дараҳтлар хосили йигиб олингунча нобуд булғанда суғурта ходисаси бўлиб утган йил учун заар мөкдори бодлардан олинадиган хосил учун алоҳида ва боддаги нобуд булған дараҳтлар учун алоҳида хисобланади.

Кўп йиллик дараҳтлар нобуд булғанда уларни қирқиб хўжалик хужжатларига кура утин сифатида ишлатиш учун кирим килинган булса, кирим килинган утиннинг киймати заар кийматини аниклашда инобатга олинади.

Суғурта ходисаси юз берган вактда баъзи сабабларга кўра ўрнида булмаган, киркилган, куриб колган ҳамда эскирганлик даражаси юз фоиздан ортиқ булған дараҳт туплари учун суғурта копламаси туланмайди.

Экинлар экилгандан кейин белгиланган вакт давомида албатта униб чикиши керак. Лекин совук уриши, дул, жала, сел, сувсизлик ёки кам сувлик натижасида экинларнинг униб чикиши сезилмай, қайта экишга Кўшимча ҳаражатларни талаб этади.

Экинлар қайта экишни суғурталаш киймати килинган ҳаражатлар ва ёхуд хусусиятларни эътиборга олиб белгиланади, бирок у белгиланган технологик мөкдордан ошмаслиги керак. Суғурта тўловлари батамом туланади.

Суғурта ходисаси содир булғанда хўжалик бу хакда кеча-кундуз давомида суғурта ташкилотига маълум килади ва текшириш асосида икки кун давомида далолатнома тузади. Заарларни хисоблашда қайта экилган майдон бир гектарга сарфланган ҳаражатлардан келиб чиккан, суғурта шартномасидаги келишилган кийматдан ошмаган холда аникланади. Заар мөкдори ҳар бир экин тури бўйича алоҳида аникланади. Суғурта копламаси ун кун ичидаги туланади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

1. Экинлар хосили суғуртаси
2. Бодлар хосил суғуртаси
3. Узумзорлар суғуртаси
4. Чорва моллари суғуртаси
5. Суғурта копламаси

## **Назорат учун саволлар**

1. Ўзагросуғурта ДАСКнинг асосий фаолият йўналишларини санаб беринг?
2. Кишлок хўжалик корхоналари қандай тамойиллар асосида сугурталанади?
3. Кишлок хўжалик хайвонлари қандай шартлар асосида суғурталанади?
4. Кишлок хўжалик экинларини суғурталаш тартиби қандай?
5. Экинлар бўйича курилган зарар миқдори қандай аникланади?
- 6.Кишлок хўжалик экинлари учун суғурта тўловлари қандай хисобланади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т.: «Адолат», 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
7. Собиров Х. «Суғурта» 100 савол-жавоб Т-«Меҳнат» 1999 й

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1998 г.
2. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
3. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика»

=айтиш

## **10-Мавзу. Шахсий сұғурта ва сұғуртанинг бошқа йўналишлари**

### **Режа**

1. Шахсий сұғурта тўғрисида тушунча. Меҳнат кобилиятини вактинча йўқотиш ва ҳаётни аралаш сұғурта килиш
2. Йуловчилар ва ҳарбий хизматчиларни мажбурий сұғурталаш
3. Болалар ва никох-туй сұғуртаси
4. Бошқа турдаги ҳаётни ихтиёрий сұғуртаси

### **Шахсий сұғурта тўғрисида тушунча. Меҳнат кобилиятини вактинча йукотиш ва ҳаётни аралаш сұғурта қилиш.**

Шахсий сұғурта - шахсларнинг ҳаётини сұғурталаш бўлиб, ихтиёрийлик ҳамда мажбурийлик асосида ташкил этилади. Ихтиёрий шахсий сұғурта турларига меҳнат кобилиятини вактинча йукотиш, ҳаётни аралаш сұғурта килиш, никох туйи сұғуртаси, болаларни кунгилсиз ходисалардан сұғурталаш ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Шахсий сұғуртада туланадиган сұғурта сўммалари қўйидаги холларда берилади. Шартнома муддати етганлиги муносабати билан ёки воеа содир булганлиги муносабати билан.

Ҳаётни аралаш сұғурталаш шартларига кура, Ўзбекистон Республикаси фукаролари, хорижий фукаролар ва фукаролиги булмаган шахслар (16 ёшдан 77 ёшгача) билан 3, 5, 10, 15 ёки 20 йил муддатга (лекин шартноманинг муддати тамом булганда уларнинг ёки 80 дан ошмаслиги лозим) сұғурта шартномалари тузилади.

Болаларни сұғурта килиш боланинг ота-онаси ва боланинг бошқа кариндошлари, унинг васийси ёки хомийси уларнинг ёши ва согносогликларидан катъий назар, болаларни сұғурта килиш шартномаларини тузадилар. Сұғурта ўилдирувчи томонидан сұғурта килиш тўғрисидаги ариза берилган кунда боланинг ёши 15 дан ошмаган булиши лозим.

Қўшимча пенсияни сұғурталаш шартномаларини Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фукаролар тузадилар.

Сұғурта шартномаларини 25 дан ортик 60 ёшгача булган эркаклар ва 20 дан ортик 55 ёшгача булган аёллар фактат уз фойдасига тузишлари мумкин. Сұғурта муддати тугагач, агар сұғурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар тулангандар булса, сұғурталанувчи пенсия ёшига етгандан сунг унга умрининг охиригача Қўшимча пенсия туланади. Пенсия миқдори сұғурта муддати тамом булган пайтда Ўзбекистон белгиланган, ёнг кам пенсия олади.

Меҳнат кобилиятини вактинча йукотишни сұғурта килиш шартномалари 15 ёшдан 69 ёшгача булган Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ишловчи фукаролар, чет эллик фукаролар ва фукаролиги булмаган шахслар уларнинг оғзаки аризалари асосида бир йил муддатга тузилади.

Ишламайдиган фукаролар (ногиронлар, пенционерлар) билан шартнома тузилмайди. Агар меҳнатга яроксизлик узлуксиз 10 кундан ортик давом этган булса, яроксизликнинг ҳар бир календар кунига тегишли белгилан-ган сўмма микдорида сұғурта нафакаси туланиши кафолатланади. Меҳнат яроксизлик 10 кундан кам вакт давом этса сұғурта нафакаси туланмайди.

Сұғурта шартномаси кучда булган даврда купи билан жами 150 кунга сұғурта нафакаси туланади.

Сұғурталанувчи сурункали касаллик туфайли ёки унинг зурайиши оқибатида меҳнат кобилиятини йукотса ва бу ходиса сұғурта шартномаси кучга кирган кундан бошлаб 6 ой утгандан кейин юз берган булса, унга сұғурта нафакаси туланади.

Мабодо меҳнатга яроксизлик спиртли ичимлик ичиш, атайлаб килиш ва бошқа гайриконуний хатти ҳаракатлар натижасида юзага келган булса сұғурта нафакаси туланмайди.

Сұғурта бадалини тулаш учун икки муддат белгиланади. Сұғурта шартномаси кучга аиргандан сунг кечи билан турт ой ичида бадалнинг иккинчи ярми туланиши керак.

Сұғурта бадалини пул утказиш йули билан, нақд пул билан ёки омонат дафтарчаси оркали утказиш йули билан туланиши мумкин.

Сұғурта шартномасининг муддати қўйидаги холларда тамом булади:

- а) сұғурта муддати тугагач;
- б) сұғурта бадалининг иккинчи ярим муддатида туланмаганда;
- в) сұғурталанувчи вафот этган такдирда;
- г) сұғурталанувчи доимий яшаш учун чет элга жунаб кетган такдирда.

Сұғурта копламасининг тулаш ҳақидаги талаб сұғурта шартномасини тузган сұғурта муассасасига берилади. Бунда сұғурталанувчи белгиланган шаклдаги аризани, сұғурта гувохномасини, касаллик варакасини тақдим этиши керак. Сұғурталанувчи даволаниб булгач, касаллик варакасини иш жойига топширишдан олдин сұғурта муассасасига курсатади. Сұғурта шартномасидан келиб чикувчи талаблар сұғурта ходисаси юз берган кундан бошлаб уч йил мобайнида сұғурта ҳаётнинг аралаш сұғуртаси деб аталишига сабаб, ундан 3 хил сұғурта жавобгарлиги мужассамлаштирилган. Бунга маълум ёшга етгунга кадар

суғурта ходисаларидан суғурталаш киради. Ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича шартнома 16 ёшдан 70 ёшгача булган фу-каролар билан тузилади. Шартномада курсатилган ёшга етиб, охирги бадал туланганде компания коплами пулини (коплама миқдори шартномада курсатилади) тулайди. Коплама бахтсизлик ва вафот ходисаларини четлаб утмайди.

Мазкур шартномага кура суғурта муассасаси суғурта ходисаси юз берганда суғурта килдирганга ижтимоий суғурта бўйича унга зарарни коплаш тартибида борилиши керак булган пулдан каътий назар, шартлашилган суғурта пулини тушлашга мажбурдир.

Суғурта шартномаси белгиланган тартибида расмийлаштирилиб, суғурта ўилдирувчи томонидан имзоланган ариза асосида тузилади. Суғурта килдируви бутун суғурта муддати давомида ҳар ойда суғурта бадалларини тушлашга мажбурдир. У суғурта бадалларини суғурта муддатининг ҳаммаси учун бир йула тушлаши ҳам мумкин. Суғурта ўилдирувчи ҳар ойда бадал туланадиган суғурта шартномаси шартини узгартириб, уни бир тарифдан бошқа тарифга утказиш ҳуқуқига эгадир.

Бутун суғурта муддати учун бадаллар бир йула туланадиган булса, уларнинг миқдори пасайтирилган таърифлар бўйича белгиланади.

Суғурта ўилдирувчи бадалларни, а) накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан, б) накд пул билан бериши мумкин.

Биринчи бадал суғурта ўилдирувчининг иш жойи бўйича корхона, ташкилотнинг хисоб-китоб бўлими ёки суғурта ўилдирувчи томонидан ариза бериш пайтида суғурта ташкилоти вакилига накд пул туланиши мумкин. Бир йула туланадиган бадал назоратчига белгиланган шаклдаги патта бўйича фактат пул билан туланади.

Суғурта шартномаси ҳуқуқий кучга эга булган хужжат хисобланниб у қўйидаги холларда кучга киради:

а) ишчи ва хизматчи биринчи бадални накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан тулаганда, у ишлайдиган корхонада иш хаки берилган кундан бошлаб;

б) ишловчи биринчи бадални накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан тулаганда;

в) биринчи бадал ёки бадалларнинг ҳаммаси бир йула накд пул билан суғурта муассасасига келиб тушган ёки накд пул билан суғурта вакилига тулангандан кейин суғурта ўилдирувчига суғурта гувохномаси топширилади.

Суғурта муддатининг тамом булиши суғурта ходисаси хисобланади. Бу холда берилиши керак булган суғурта пулини суғурта ўилдирувчи суғурта муддати тамом булган кундан бошлаб 3 йил давомида олиш ҳуқуқига эга булади.

Агар сұғурта ўилдирувчи ойлик сұғурта бадалларини 3 ва ундан ортик йил давомида омонат дафтарчаси бўйича халқ банкининг тегишли муассасаси оркали тулаган булса, сұғурта муддати тамом булиши муносабати билан туланиши керак булган сұғурта пули 5 фоизга ошади.

Агар сұғурта шартномаси амал килган охирги 3 йилнинг у ёки бу ойлари учун бадаллар туланмаганлиги аникланса улар сұғурта пулидан ушлаб колинади, аксинча ортикча бадаллар сұғурта пули билан бир вактда қайтарилади.

Сұғурта ўилдирувчи сұғурта муддати тамом булган кундан бошлаб 3 йил давомида унга тегишли булган сұғурта пулинин олмай вафот этган булса, бу пул унинг ворисларига туланади.

Сұғурта ўилдирувчининг ворислари сұғурта пулинитулаш тўғрисидаги ариза билан сұғурта муассасасига сұғурта муддати тамом булган кундан бошлаб 3 йил муддат бобайнида мурожаат килишлари мумкин.

### **Йоловчилар ва ҳарбий хизматчиларни мажбурий сұғурталаш.**

Йоловчиларнинг мажбурий шахсий сұғуртаси Ўзбекистон Республикаси сұғурта ташкилотлари томонидан мажбурий тартибда утказилади. Сұғурта тўловлари бўйича транспорт ташкилотлари билан хисоб-китоб килиш коидасига асосан сұғурта пули чипта таркибиға киритилади ва йоловчилардан сұғурта тўловлари энг кам иш хакининг 0.2 фоизи микдорида олинади.

Йоловчиларнинг тушган сұғурта тўловлари ҳар бир хисобот ой учун кейинги ойнинг 10-кунигача хаво, темир йул, ички сув ва автомобил транспорти тизимининг тегишли булинмалари сұғурта ташкилотларининг хисоб ракамига утказадилар. Кечиктирилган ҳар бир кун учун транспорт ташкилоти 0.1 фоиз микдорида жарима тулайди.

Йоловчиларнинг мажбурий сұғуртаси шаҳар атрофида катнайдиган темир йул ва автомобил транспорти бир вилоят дорасида 50 км масофага катнайдиган йоловчиларга татбик килинмайди.

Сұғурта ташкилотлари жойларидаги хаво, темир йул, ички сув ва умумий фойдаланишдаги автомобил транспортида йоловчилар ташиш билан шугуланадиган тарнспорт ташкилотларини аникладилар ҳамда сұғурта тўловларини уз вактида ва тулик утказилишини назорат этадилар.

Транспортда бепул катнаш ҳукуқига эга булган йоловчилар сұғурта бадали туламасалар ҳам сұғурталанган хисобланадилар.

Сұғурта ташкилотлари сұғуртанинг мазкур тури бўйича ҳаражатлардан ортик булган даромадларнинг 50 фоизигача булган

кисмини йоловчиларни ташиш хавфсизлигини оширишни таминлаш тадбирлариға йуналтиришлари мумкин.

Шунингдек, сұғурта ташкилотлари маблагларнинг муайян кисмини транспорт ташкилотларининг түловларини үндериш ва утказишда кумаклашадиган ходимларни тақдирлашга ажратади.

Барча зарур хужжатлар олингандан сунг 72 соат мобайнида давлат ижтимоий сұғуртаси ижтимоий таъминот, етказилган заарни коплаш тартибда ва шахс сұғуртаси шартномалари бўйича пул туланган булишидан катъий назар йоловчига ёки унинг меросхурига сұғурта пули туланади.

Йоловчи транспорт воситасида кетаётган вактда, шунингдек, кутиб турган пайтда то манзилга этиб борганга кадар утган давр мобайнида юз берган кунгилсиз воеа натижасида меҳнат кобилиятини тулик 100 фоиз йукотган тақдирда энг кам иш хаки 40 баробари миқдорида, кисман йукотган тақдирда эса, сұғурта пулининг меҳнат кобилиятини йукотиш фоизига мос келувчи кисми туланади.

Кунгилсиз ходиса натижасида жабрланган йоловчи доимий яшаш жойидаги сұғурта муассасасига зарур хужжатларни тақдим этиб, у тибий текширувга юборилади.

Жиноий жавобгарлик кузда тутилган хатти-харакатиларини содир этиш, уз жонига касд килиш, спиртли ичимлик натижасида касалланиш, транспортда юриш коидаларини бузиш натижасида йоловчиларга курсатиш билан боғлиқ булмаган бошқа ходисалар натижасида шикастланган шахсларга сұғурта пули туланмайди.

Агар жабрланган йоловчининг умумий меҳнат кобилиятини йукотиш фоизи аникланган булса, аммо у ҳаётлигіда сұғурта пули олмаган булса, бу пул унинг меросхурига берилади.

Агар умумий меҳнат кобилиятини доимий йукотиш баҳтсиз ходиса юз берган кундан бошлаб бир йил мобайнида юз берса ва бунинг бевосита окибати булса, бу холда сұғурта пули туланади.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг давлат мажбурий сұғуртаси сұғурта ташкилотлари томонидан қуйидаги тартибда амлга оширилади.

-сұғурталанувчи шахс хизматни уташ даврида халок булғанда ёки хизматдан бушагандан сунг бир йил мобайнида, хизматни уташ чогида олинган ташкилотларига тақдим этилиши мумкин. Тан жароҳат (контузия) натижасида вафот этганда; Унинг меросхурларига, белгиланган энг кам иш хакининг 7 баробари миқдорида;

-сұғурталанган шахс хизматдан бушагандан кейин бир йил мобайнида боғлиқ булған ногиронлик белгиланганда, 1-гурух ногиронига

юкоридаги банддаги тўловларнинг 75 фоизи, 2-гурух ногиронига эса 30 фоизи миқдорида;

-суғурталанган шахс хизматни ўтиш даврида оғир жароҳатланганда юкоридаги банднинг 20 фоизи ва енгил жароҳатланганда - 10 фоизи миқдорида суғурта пули тулади.

Суғурта пули суғурта муассасаси барча зарур хужжатларни олган кундан бошлаб 3 кун ичида туланади. Суғурталанган шахс суғурта ходисаси юз берган кундан бошлаб уч йил муддат ичида суғурта муассасасига суғурта пули тулаш ҳакида ариза бериши керак.

Муддатли ҳарбий хизматчилар хизмат даврида жароҳатланган, контузия, шикастланган такдирда улар ҳакикий ҳарбий хизматлардан бушаганларидан сунг уларга белгиланган миқдорда суғурта пули туланади.

Агар суғурталанган шахс халок булиши, жароҳатланиши ёки касалланиши у томондан касддан ёки бошқа айбли хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги билан боғлиқ булса, у холда тегишли хужжатлар расмийлаштири-майди ва суғурта пули туланмайди.

### **Болалар ва никоҳ-тўй суғуртаси**

Болаларни суғурта килиш фукароларнинг шахсий суғуртаси таркибига кириб, ихтиёрийлик асосида шаклланиб, шу билан бирга алоҳида суғурта сифатида амалга оширилади. Ушбу суғурталаш тартибларига кура Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фукаролари (доимий яшовчи) ҳамда фукаролиги булмаган шахслар фарзандларни (фарзандликка олган) уларнинг ёшида катъий назар ихтиёрий равишда суғурта шартномаларини тузадилар. Эътиборга молик томони шундаки, суғурта килиш тўғрисида ариза берилган кунда боланинг ёши 15 дан ошган булиши керак.

Суғурта шартномаси бўйича, суғурта муассасаси суғурта ходисаси юз берганда, суғурта килдирилганга давлат ижтимоий суғуртаси, ижтимоий таъминот бўйича унга заарни коплаш тартибида берилиши керак булган пулдан катъий назар белгиланган суғурта пулини тулашга мажбурдир.

Суғурта муддати ва суғурта бадаллари:

Суғурта муддати 18 ёш билан фойдасига суғурта шартномаси тузилаётган боланинг ёши уртасидаги фарқ сифатида белгиланади. Агар 8 ёшли бола суғурталанаётган булса, 18 ёш билан боланинг ҳакикий ёши уртасидаги фарқ (10 ёш) суғурта муддати сифатида кабул килинади.

Суғурта ўилдирувчи шартномадаги суғурта бадалини суғурта муддати давомида ҳар ойда тулаб бориши лозим. Суғурта бадаллари суғурта муддатига, боланинг ёшига ва суғурта пулига боғлиқ холда белгиланади. Суғурта ўилдирувчи (ота-онаси, фарзандликка олганлар,

боланинг бошқа кариндош-уруклари) суғурта бадалларани бутун суғурта муддати учун (масалан 10 йил учун) бир йула ҳам тулаши мумкин. Шу билан бирга, ҳар ойда бадал туланадиган суғурта шартномасини узгартириб, уни бир таърифдан бошқасига утказиш ҳуқуқига эга. Бу холда янги таъриф бўйича суғурта бадаллари аввалги таъриф бўйича туланган ойдан кейинги ойдан бошлаб туланиши керак. Бирок бир йула бадаллар туланган суғурта шартномалари бўйича таърифни узгартиришга йул куйилмайди. Суғурта ўилдирувчи бадалларни ва суғурта пулини икки баробар ёки уч баробар тулаш тўғрисида келишиб олиши мумкин.

Бадаллар бир йула туланадиган булса, уларнинг микдори камайтирилган таърифлар билан белгиланади.

Бадалларни суғурта ўилдирувчи(ёки унинг топширишга кура исталган шахс):

а) накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан корхона, ташкилотнинг хисоб-китоб бўлими оркали, шунингдек халк банкидаги омонат хисобидан пул утказиш йули билан тулаши мумкин. Бундай йул билан туланганда суғурта муассасаси томонидан патта берилмайди.

б)накд пул билан суғурта вакилига(назоратчисига) тулаш мумкин, бу холда унга белгиланган шаклдаги патта берилади.

Бадаллар суғурта вакилига накд пул билан туланганда суғурта та ўилдирувчи охирги уч йилнинг патталарини саклаб куиши ва уларни суғурта муассасининг талабига қура курсатиши шарт.

Агар бадалларни суғурта ўилдирувчи ўрнига бошқа бир шахс туласа, у шу муносабат билан суғурта шартномаси бўйича хеч бир ҳукукка эга булмайди.

Никоҳ суғуртаси ҳам юкоридаги каби фукароларнинг шахсий суғуртаси хисобланиб, унинг асосий максади, никоҳ туйига кадар шартномада курсатилган суғурта маблаглари йигилиб, туй арафасида, уни суғурталанувчига топшириш ва бу тантанали тадбирни амалга оширишда моддий ёрдам курсатишдан иборат.

Никоҳ суғуртаси шартлари асосида Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшдан 72 ёшгача булган фукаролари, Ўзбекистонда доимий яшайдиган чет эл фукаролари, боланинг ота-онаси (асраб оловчиси) ва бошқа кариндошлари (суғурта ўилдирувчилари) билан Ўзбекистонда доимий истикомат киладиган болаларни суғурта килиш шартномаларини тузадилар.

Никоҳ суғуртаси бўйича шартнома тузилган кунда боланинг ёши 15дан ошмаган булиши керак.

Бундай шартномага кура, суғурта ходисаси юз берганда, суғурта муассасаси суғурта килдирилганга суғурта пулини тулашга мажбур (уларга

туланиш керак булган ижтимоий суғуртаси ижтимоий таъминот пулидан катъий назар).

Ишлайдиган биринчи гурух ногиронлари билан суғурта шартномалари тузилмайди.

Агар суғурта шартномаси амалда булган даврда суғурта килдирилган вафот этса, туланган ҳамма суғурта бадаллари суғурта килдирилган шахсга хеч қандай чегирмаларсиз қайтарилади, бирок суғурта пули туланмайди.

Суғурта шартномаси амалда булган даврда суғурта ўилдирувчининг вафот этиши суғурта ходисаси хисобланади, аммо қуидаги холлар бундан мустасно:

-суғурта ўилдирувчи узининг атайлаб килган хатти-ҳаракатлари натижасида улса, унда жиноят белгилари аникланса;

-спиртли ичимлик, наркотик модда ёки захарли моддалар таъсирида транспорт воситалари бошқариш натижасида ёки маст холда булган бошқа кишига топшириш натижасида халок булса. Суғурта ўилдирувчини вафот этиши муносабати билан бадал тулаш тухтаб колсада, аммо суғурта шартномаси кучда колади ва бола суғурта муддати туга-гунга кадар суғурта килдирилган хисобланади.

Агар шартнома амал килаётан даврда суғурта ўилдирувчи улгандан кейин, суғурта килдирилган бола ҳам вафот этса, туланган ҳамма бадаллар ана шу боланинг ворисларига қайтарилади.

Суғурта муддати 18 ёш билан фойдасига суғурта шартномаси тузиладиган боланинг ёши уртасидаги фарқ сифатида аникланади. Суғурта бадаллари суғурта ўилдирувчининг ёшига, суғурта муддатига ва суғурта пулига караб белгиланади. Масалан, суғурта пули беш юз сўм, суғурта муддати уттиз олти ой (уч йил). Ойлик бадал 500:36к13. 8 сўм.

Бадалларни суғурта кидиравчи томонидан ҳар ойда ёки бир йула туланиши мумкин. Суғурта шартномасини узгартириб, бир таърифдан бошқасига утказилиш хукуқига эга. Аммо бир йула туланадиган булса, суғурта шартномаси бўйича таърифни узгартириш мумкин эмас. Бадалларни: а) накд пул билан ёки, б) накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан туланиши мумкин.

Болаларни кунгилсиз ходисалардан суғурта килиш Ўзбекистон Республикасининг фукаролари, фукаролиги булмаган шахслар, боланинг ота-онаси, бошқа кариндошлари ва унинг хомийси томонидан амалга оширилади.

Ушбу суғуртага кура Ўзбекистон Республикасида доимий истикомат киладиган 1 ёшдан 16 ёшгача болаларни суғурта килиш шартномаси тузилади. Суғурта шартномаси суғурта ўилдирувчининг оғзаки мурожаати асосида тузилади. Суғурта ходисаси юз берганда ушбу шартномага кура

суғурта муассасаси суғурта ўилдирувчига шартлашилган суғурта пулини тулаш шартлиги курсатиб утилган булса, суғурта кидиравчи эса белгиланган суғурта бадалини уз вактида тулаб бориш мажбуриятини олади.

Суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади. Суғурта пули суғурта шартномасига кура, суғурта ўилдирувчи билан суғурта муассасаси уртасидаги узаро келишувга биноан белгиланади. Агар суғурта ўилдирувчи уч ва ундан ортиқ йиллар мобайнида узлуксиз суғурта шартномалари тузган булса, охирги шартноманинг муддати тугагач, суғурта кидиравчига имтиёзли бир ой берилади. Шу имтиёзли давр мобайнида суғурта ходисаси юз берганда суғурта пули охирги суғурта шартномаси юзасидан туланади. Бирок, агар суғурта ўилдирувчи охирги шартноманинг муддати тугагандан кейин бир ой утгунга кадар янги суғурта шартномаси тузган булса, у амал килаётган даврда суғурта ходисаси рўй берса, суғурта пули факат янги шартнома бўйича туланади. Аввалгисининг муддати тугамасдан янги муддатга суғурта шартномаси тузилганда унинг кучга кириш муддати амалдаги шартноманинг муддати тугайдиган куннинг эртасидан бошлаб курсатилади. Суғурта ўилдирувчи суғурта бадалини ; а) накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан, иш жойидаги хисоб-китоб бўлими оркали, б) суғурта вакилига накд пул билан тулаши мумкин.

Суғурта шартномаси ҳуқуқий кучга эга булган хужжат бўлиб куйидаги холларда кучга киради:

а) ишчи ва хизматчи биринчи бадални накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан тулагандан- у ишлайдиган корхонада иш хаки бериладиган кундан бошлаб (агар шу иш ҳақидан бадал утказилган булса);  
б) биринчи бадал ёки бадалларнинг ҳаммаси бир йула накд пул билан суғурта вакилига туланадиган булса- бадал туланадиган куннинг эртасидан бошлаб.

Суғурта бадали накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан суғурта муассасаси хисобига келиб тушган ёки у накд пул билан суғурта вакилига тулангандан кейин суғурта ўилдирувчига суғурта гувохномаси топширилади. Кетма-кет уч ой учун бадаллар туланмаган тақдирда туртинчи ойнинг биринчи кунидан бошлаб суғурта шартномаси амал килишдан тухтайди. Бирок суғурта ўилдирувчи касалхонада ётиб, ёки шифохонага катнаб даволангандиги сабабли бадалларни тулай олмаган булса, у ишга чиккан ёки ногиронликка утказилган куннинг эртасидан бошлаб, 30 қун давомида уз кучини саклайди. Агар шу муддат ичida суғурта ўилдирувчи тулаш муддати утиб кетган бадалларни ва жорий ой учун бадал бир йула туланмаса, суғурта шартномаси амал килишдан тухтайди. Агар ойлик бадаллар туланганди суғурта шартномаси амал

килаётган даврда суғурта ўилдирувчи ТМЭК томонидан биринчи ёки иккинчи гурух ногирони деб топилгани сабабли, шартнома муддатидан олдин тухтатилган булса, у кучга киргандан то тухтатилгунга кадар канча вакт утганидан катъий назар, унга муддатидан олдин қайтариб олинадиган пул ўрнига туланган бадалларнинг ҳаммаси қайтарилади. Бунинг учун у нафакадорлик гувохномаси ёки ТМЭК томонидан унга биринчи ёки иккинчи гурух ногиронлигини тасдиклайдиган маълумотномани курсатиши зарур. Суғурта ўилдирувчи бошқа туман (шаҳар)га кучиб утганда, агар у бадалларни накд пулсиз туласа, суғурта хужжатлари сакланаётган суғурта муассасасидан охирги бадал туланганилиги тўғрисида маълумотнома олиши керак. Суғурта муддатининг тугаши суғурта ходисаси хисобланади. Суғурта муддати тугагандан сунг утган ҳар кайси тулик йил учун суғурта пулини уч йил давомида олиш ҳуқуқига эга. Агар суғурта ўилдирувчи ойлик бадалларни уч ва ундан ортиқ йил давомида омонат дафтарчаси бўйича тегишли банк муассасаси оркали тулаган булса, суғурта муддати тамом булиши муносабати билан туланиши керак булган суғурта пулига тегишли фоиз кушилади.

### **Бошқа турдаги ҳаётни ихтиёрий суғуртаси**

Ўкувчиларнинг ота-онаси ёки бирга яшайдиган кариндошлари ва бошқа айrim ҳуқуқий шахслар (суғурта ўилдирувчилар) билан кундузги мактаб укувчиларини суғурта килиш шартномалари тузилади.

Суғурта бадалларини тулашда ота-оналар билан бирга корхоналар, ташкилотлар, шу жумладан мактаблар ҳам уз маблаглари хисобидан накд пулсиз хисоб-китоб килиш йули билан иштирок этишлари мумкин.

Суғурта бадали суғурта пулидан 0.5 фоиз миқдорида белгиланади. Вафот ходисасидан суғурта килдирилса, 2 фоизи миқдорида бадал туланади. Ўкувчилар суғуртасини йил давомида утказилади. Суғурта пули эса миқдор жихатидан чегараланмайди.

Шартнома амал килаётган даврда укувчи бошқа умумтаълим мактабига утганда ҳам у суғурталанган бўлиб колади.

Шартномадаги суғурта ходисаси бўлиб, суғурта килдирилганинг кунгисиз ходиса натижасида шикастланиши, озик-овкат таксоинфекциясидан ташкари заҳарли усимликлар, кимёвий моддалар, сифатсиз озик-овкат мах-сулотлари билан кучни заҳарланиш, тасодифан суяксиниши, қуиши натижасида аъзоларнинг узилиши ёки уларнинг олиб ташланиши хисобланади.

Суғурта шартномаси кучда булган даврда юз берган бир ёки бир неча суғурта ходисалари учун туланадиган пулларнинг умумий миқдори суғурта пулидан ошмаслиги керак.

Халк суди суғурта килдирилганинг бедарак йуколган деб тан олганида ёки улган деб эълон килганида суғурта нафакаси туланади. Лекин бунинг учун у йуколган ку ёки улган деб тахмин килинган ку суғурта

шартномаси кучда булган даврга тўғри келиши шарт.

Суғурта ходисалари юз берганда даволаш билан боғлик булмаган ташхис куйиш, даволаш ва олдини олиш чора - тадбирларининг ёмон окибатлари учун суғурта копламаси туланмайди. Суғурта килдирган шахснинг вафоти муносабати билан суғурта копламасини тулаш фукаролик кодекси норма-лари асосида амалга оширилади.

Республикамизда амал килаётган мавжуд суғурталаш коидаларига мувофик, суғурта компаниялари ташкилотлари ва корхоналар билан (мулкчилик шаклидан катъий назар) ишчи ва хизматчиларни хизмат сафари даврида баҳтсиз ходисалардан ихтиёрий суғурта килиш шартномаларини тузадилар.

Суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилади ва хисобланган суғурта бадалининг суғурта муассасаси хисобига келиб тушган кунидан кучга кириб, бир йил утган пул келиб тушган олдинги санада уз кучини йукотади.

Хизмат сафари даврида суғурта ўилдирувчи ходимнинг ёши чекланмайди. Шартнома суғурта пулининг ёки унинг бир кисми суғурта килинга хизмат сафари давомида ҳар қандай баҳтсиз ходисадан халок булиши ёки жароҳатланиши бўйича туланади.

Уз ходимларини ихтиёрий суғурта килдиришни хоҳлаган корхона ва ташкилот суғурта килинувчилар рўйхатини тузиб суғурта муассасасига беради.

Суғурта пулини суғурта килинувчига у халок булган такдирда нотириус ворисга барча хужжатлар йигилгач, 3 кун ичida туланиши шарт.

Кўшимча пенсияни суғурталаш шартномаларини суғурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фукаролар билан тузади. Суғурта шартномаларини 25 ёшдан 55 ёшгacha 60 ёшгacha булган эркаклар ва 20 ёшдан 55 ёшгacha булган аёллар факат уз фойдасига тузишлари мумкин.

Шартнома суғурталанувчининг белгиланган шаклдаги ёзма аризаси асосида тузилади. Аризада у Кўшимча пенсияни олиш ҳуқуқи бошлангунга кадар узи вафот этган такдирда суғурта пули туланиши лозим булган шахсни курсатиш ҳуқуқига эга. Суғурта муддати тугагач, агар суғурта шартномаси бўйича ҳамма бадаллар туланган булса,

суғурталанувчи пенсия ёшига тулангандан сунг унга умрининг охиригача пенсия туланади.

Кўшимча пенсияни суғурталаш шартномасини тузган ҳар бир фукаро бутун суғурта муддати мобайнида ҳамда Кўшимча пенсия олиш даврида суғурта бадаллари олинмасдан баҳтсиз ходисалардан ҳам суғурталанган бўлиб хисбланади.

Суғурта муддати тугагач, суғурталанувчи Ўзбекистон Республикасида энг кам пенсия микдорида Кўшимча пенсия олади. Суғурта бадали суғурталанувчининг ёшига, суғурта муддати ва Кўшимча пенсиянинг микдори караб белгиланади.

Суғурта муддати тугагач суғурталанувчи пенсия олиш учун охирги бадални олган суғурта муассасасига суғурта гувохномасини ва папортни тақдим этиши керак. Пенсия суғурталанувчининг доимий рўйхатга олинган жойидаги суғурта муассасаси томонидан ҳар ойда туланади.

Агар суғурталанувчи навбатдаги 3 ой учун бадаллар туламаса, суғурта шартномаси бекор килинган хисбланади ва туланган бадаллардан 15 фоиз суғурта ҳаражатлари чегирилган холда қайтариб берилади. Агар суғурталанган шахс пулга муҳтож бўлиб колса худди шундай тартиб билан суғурта бадалини қайтариб олиши мумкин.

Суғурталанувчи пенсия олиш ҳуқуқи бошланмасдан олдин вафот этган тақдирда туланган ҳамма бадаллар турмуш уртогига, у булмаса меросхурга қайтарилади ҳамда энг кам пенсиянинг бир баробари микдорида бир марта бериладиган нафака туланади. Суғурталанувчи пенсия ҳуқуқи бошлангандан кейин вафот этса, у холда туланган пенсия пули ушлаб колинган холда бадаллар қайтариб берилади.

Суғурталанувчи жароҳатланса, унга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш хаки хажмида пенсиянинг тегишли кисми туланади. Туланадиган суғурта копламасининг микдори "Суғурта ходисалари муносабати билан туланадиган нафакалар микдори жадвали" да аникланади.

Бундан ташкири, Кўшимча пенсия ҳақидаги коидаларда суғурталанувчи шахснинг яшаш жойини узгартирган холда пенсияни расмийлаштиришга каратилган курсатма мавжуд яъни, агар пенсия олаётган суғурталанувчи доимий иш жойини Ўзбекистон Республикаси худудида узгартирса, у янги яшаш жойидаги суғурта бўлимига узининг пенсия билан боғлиқ хужжатлар йигма жилдини сураб олиш ҳақида ёзма ариза билан мурожаат килиши лозим.

## Таянч сўз ва иборалар

### 1.Шахсий суғурта обьекти

- 2.Шахсий суғурта турлари
- 3.Ихтиерий шахсий суғурта
- 4.Мажбурий шахсий суғурта
- 5.Болалар суғуртаси
- 6.Никоҳ-туй суғуртаси
- 7.Ўқувчилар суғуртаси
- 8.Суғурта ходисаси
- 9.Суғурта копламаси
- 10.Йўловчилар суғуртаси

### **Назорат учун саволлар**

- 1) Шахсий суғуртанинг иқтисодий моҳиятини изохлаб беринг?
- 2) Аралаш суғурта деганда нимани тушунасиз?
- 3) Мехнат кобилиятини вактинча йукотишни суғурталаш тартиби қандай?
- 4) Йуловчилар суғуртаси қандай тартибда амалга оширилади?
- 5) Шахсий суғуртада кайси холларда суғурта копламалари берилемайди?
- 6) Болаларни суғурта килишнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
- 7) Никоҳ (туй) суғуртасини амалга ошириш тартиби қандай?
- 8) Болаларни қунгилсиз ходисалардан суғурталашда суғурта ходисаларига нималар киради?
- 9) Суғурта бадалларини тулаш тартиби қандай?
- 10) қандай холатларда суғурта қопламаси тўланмайди?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент 1998 й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т.: «Ўзбекистон» 1995 й.
4. Каримов И.А.«Ўзбекистон буюк келажак сари» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
5. Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
6. Каримов И.А. «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т.: «Ўзбекистон» 1998 й.
7. Х.Р. Собиров «Суғурта» 100 савол-жавоб Т-«Мехнат».

## **Қўшимча адабиётлар**

1. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1999 г.
2. Коломин Е.В. В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
3. Рейтман Л.И. «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. Шахов В.В. «Введение в страхование» М-Финансу и статистика» 1999 г.
5. Саркисов С.Э. Личное страхование. М-«Финансу и статистика» 1999
6. Воблуй К.Г. Основы экономии страхования. М-«Анкил» 1998 г.

=айтиш

## **11-Мавзу: қайта суғурталаш**

### **Режа**

1. қайта суғурталашнинг моҳияти ва зарурлиги
2. қайта суғурталаш муносабатларини ифодаловчи атамалар ва уларни гурухлаш
3. қайта суғурта қилишда шартномаларни тузиш ва ижро этиш тартиби

### **қайта суғурталашнинг моҳияти ва зарурлиги**

Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ва янгидан-янги замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида юқори қийматга эга бўлган техника, транспорт воситалари ва бошқалар пайдо бўлди. Хусусан, XX асрнинг иккинчи ярмида атом электр станциялари, атом сув ости кемалари ҳамда йирик авиалайнерлар ишлаб чиқариш ривожланди. Бунга ухшаш обьектларни куплаб келтириш мумкин.

Маълумки, юқорида қайд қилинган обьектлар ва қурилмаларнинг қиймати бир неча 10 миллион долларни ташкил этади. Шундан бир нечтасини суғуртавий химояга олиш алохида сурита компанияси учун

муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Баъзи холларда, хаттоки молиявий барқарор булган йирик сұғурта компанияси ҳам бир нечта атом электр станцияларини тулалигича сұғурта химоясига оломаслиги мүмкин.

Сұғурта компанияси етарли миқдорда маблаги булмай туриб, йирик қийматга эга булған самолёт ёки юқ кемасини сұғурталаса сұғурта ходисаси рўй берганда тегишли қопламани тула олмайди ва банкрот булиши мүмкин. Сұғурта компанияларининг молиявий барқарор фаолият курсатишни таъминловчи усуллардан бири - қайта сұғурта тизимири.

Дунёда дастлабки қайта сұғурта қилиш компанияси, бундан қарийб 150 йил олдин Германияда ташкил этилган. Ушбу қайта сұғурталаш компаниясини ташкил қилишдан асосий мақсад, сұғурта компанияларини молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган. қайта сұғурта қилиш, уз мохиятига кўра рискни тақсимлаш билан bogлиқ иқтисодий муносабатлар йигиндисидир. қайта сұғурта қилиш операцияларини оддий сұғурта компаниялари ва ихтисослашган қайта сұғурта қилиш компаниялари ҳам амалга оширишлари мүмкин. Ўзбекистон Республикасининг аввалги «Сұғурта тўғрисида»ги қонунининг 11-моддасига мувофиқ, қайта сұғурта қилиш сұғурталовчининг сұғурта товоң пулинин ёки сұғурта сўммасини тўлаш хавфини бутунлай ёки қисман бошқа сұғурта ташкилотига (ташкилотларига) улар уртасида тузилган қайта сұғурта қилиш шартномаси бўйича топширишdir.

### **қайта сұғурталаш муносабатларини ифодаловчи атамалар ва уларни гурухлаш**

қайта сұғурталаш жараёни сұғурта муносабатларининг узига хос кўринишларидан бири хисобланади. Ушбу жараёнда қатнашувчи томонларнинг ўзаро муносабатини тегишли атамалар асосида ифодалаш қайта сұғурта қилиш механизмини чукурроқ, ўзлаштириб олиш учун имконият яратади.

қайта сұғурталаш-сұғурталашга рискни қабул қилиш балки bogлиқ иқтисодий муносабатлар тизими (рискларни бирламчи жойлаштириш) сұғурталовчи мувозанатлашган сұғурта портфелини яратиш ва сұғурта операцияларини молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини узаро келишган холда бошқа сұғурталовчига бериши (рискни иккиламчи жойлаштириш). қайта сұғурталаш операциялари билан бир қаторда асосан, ихтисослашган қайта сұғурталаш компаниялари амалга оширади. қайта сұғурталаш актив (рискни бериш) ва пассив (рискни қабул қилиб олиш) кўринишида бўлади. Бундан ташқари қайта сұғурталаш нисбий ва нонисбий шаклда булади.

Айрим холатларда қайта суғурталаш операциялари қайта суғурталовчи брокер икки томон, яъни суғурта компанияси ва қайта суғурталовчи компания уртасидаги воситачидир.

**қайта суғурталовчи** суғурта брокери ёрдамида қайта суғурталаш учун рискни қабул қилиб оладиган жисмоний ёки хукуқий шахс. қайта суғурталовчи сифатида суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин. Жаҳондаги энг йирик суғурталовчилар гурухига Мюнхен қайта суғурталаш жамияти, Швейцария қайта суғурталаш жамияти, Кёльн қайта суғурталаш жамиятлари киради.

қайта суғурталаш ишида унинг бир неча турларини учратиш мумкин. Жумладан, факультатив, облигатор ва факультатив-облигаторли қайта суғурталаш шулар жумласидандир. Факультатив қайта суғурталаш нисбий қайта суғурталаш шартномасининг тури бўлиб, бунда факультатив қайта суғурталашда ҳар бир берилётган риск бўйича алоҳида шартнома тузилади.

Цедент ҳар бир риск бўйича қайта суғурталаш зарур ёки зарур эмаслик масаласини мустақил куриб чиқади. Уз навбатида, қайта суғурталовчи ҳам цедентнинг таклифини қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги ҳам мумкин.

Облигаторли қайта суғурталаш халқаро амалиётда икки хил маънони билдиради:

1) қайта суғурталашнинг мажбурий шакли. Айрим мамлакатлар қонунчилигига кура, ушбу мамлакат ҳудудида фаолият курсатаётган барча суғурта компаниялари қабул қилган рискларини бир қисмини мажбурий равишда қайта суғурталаш компаниясига беради. Бу чора қайта суғурталаш орқали чет элга валюта чиқиб кетишини олдини олади;


2) суғурта компанияси (цедент) маълум бир суғурта тури бўйича рискни қайта суғурталовчига беришини ва ўз навбатида, қайта суғурталовчи рискни қабул қилишни назарда тутувчи қайта суғурталаш шартномаси. Факультатив-облигатор шартномаси цедент қайта суғурталовчи билан келишган тоифадаги ҳар қандай суғурта рискини бериши, қайта суғурталовчи эса уларни қабул қилиши шарт эканлиги хақидаги қайта суғурталаш шартномаси.

Цедент атамаси рискни иккиласми жойлаштиришни амалга оширувчи, яъни рискни қайта суғурталаш учун берувчи суғурта компанияси бўлиб, иккиласми цедент ретроцедент деб аталади.

### **қайта суғурта қилишда шартномаларни тузиш ва ижро этиш тартиби**

қайта суғурта қилиш шартномалари бир томондан суғурта компаниялари ўртасида узаро тузилиши ёки иккинчи томондан, суғурта компанияси ва ихтисослашган қайта суғурта қилиш компанияси уртасида тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 354-моддасида «Икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик хуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, узгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади» деб курсатилган. қайта суғурта қилиш шартномасини тузиш тартибини қўйидаги чизмадан кўриш мумкин.



Дастлаб, суғурта компанияси узининг молиявий қобилиятини мустахкамлаш мақсадида қабул қилиб олинган рискни бир қисмини бошқа суғурта компаниясида ёки ихтисослашган қайта суғурта қилиш компаниясида суғурталаш тўғрисида қарор қабул қиласди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида суғурталовчи ихтисослашган суғурта компаниясига мурожаат қиласди. Агар қайта суғурталовчи компания рискни қайта суғурта қилишга розилик билдирса, чизмада курсатилганидек улар уртасида қайта суғурталаш шартномаси тузилади.

Шуни алохидат таъкидлаш лозимки, шартнома шартларида, унда иштирок этувчи томонларнинг хуқуқлари ва мажбуриятлари, олинган мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан жавобгарлик, шартномани кучга кириши, амал қилиш ва бекор этиш қоидалари мужассам булиши керак. Шунингдек, шартномада қайта суғурталаш мукофоти миқдори ва жавобгарлик хажми курсатилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига кўра, қайта суғурта қилишда суғурта товонини ёки суғурта пулинни тулаш учун асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи олдида ушбу шартнома бўйича суғурта компанияси жавобгар бўлиб қолаверади. Бироқ асосий суғурта шартномаси бўйича суғурталанувчи хисобланган суғурта ташкилоти суғурта ходисаси юз беришидан олдин тугатилган тақдирда, унинг ушбу шартнома бўйича хукуқ ва мажбуриятларини қайта суғурта

қилинган қисми қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталанувчига ўтади.

қайта суғурта қилиш шартномалари бир қатор узига хос белгиларга эга бўлиб, ушбу шартномалар савдо ва бошқа турдаги шартномалардан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам қайта суғурта қилиш соҳасини назарий жихатдан қайси суғурта тармогига киритиш ёхуд уни мустақил суғурта соҳаси сифатида қараш анча баҳс мунозарани талаб қиласди.

қайта суғурта қилиш шартномасига хос булган белгилардан бири қайта суғурта қилиш бўйича суғурта компанияларини қайтариб олиш ҳарактерига эга эканлигидир. қайта суғурта қилиш муносабатларининг узоқ йиллик ривожланиши жараёни давомида, халқаро ва миллий даражаларда фойдаланиладиган қайта суғурта қилиш шартномаларининг бир неча турлари шаклланган. Улар қуидагилардан иборат:

- факультатив қайта суғурта қилиш;
- облигаторли қайта суғурта қилиш;
- факультатив-облигаторли қайта суғурта қилиш.

Юқорида қайд қилинган қайта суғурта қилиш шартномаларидан энг оммавийси ва узоқ йиллардан бери қулланиб келинаётгани бу факультатив қайта суғурта қилиш шартномаларидир. Мазкур шартноманинг ижобий томони шундаки, бунда рискни қайта суғуртага берувчи суғурта компанияси ва қайта суғурталовчи компания ҳам қанча миқдордаги рискни узига олиб қолиш ёки қабул қилиб олиш масалаларини мустақил хал қиласдилар. Аксинча, облигаторли қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта компанияси қабул қилиб олинган ҳар бир рискнинг тегишли қисмини қайта суғурта компаниясига бериши шарт.

Агар суғурта ходисаси рўй берса, бу хақда суғурта компанияси қайта суғурталовчи компанияга дархол хабар қилиши керак. Ўз навбатида, қайта суғурталовчи компания шартномада кузда тутилган қопламани тўлаши шарт. қайта суғурта қилиш компанияси шартнома бўйича уз мажбуриятларини тўла-тўқис бажарса, у холда шартнома ижро этилган хисобланади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

1. Суғурта химояси.
2. қайта суғурта қилиш.
3. Таваккалчиликни тақсимлаш.
4. Суғурта товон пули.
5. қайта суғурта қилиш шартномаси.
6. Суғурта портфели.

7. Актив ва пассив қайта суғурталаш.
8. Факультатив қайта суғурталаш.
9. Облигаторли қайта суғурталаш.

### **Назорат учун саволлар**

1. қайта суғурта қилишнинг объектив зарурлиги нималардан иборат?
2. Дастребки қайта суғурта қилиш компаниялари қачон ва қаерда ташкил этилган?
3. қайта суғурта қилиш шартномаси қандай тартибда тузилади?
4. Актив қайта суғурталашнинг пассив қайта суғурталашдан қайси жихатларига кура фарқ қилиши мумкин?
5. Нисбий ва nonisбий қайта суғурта қилишни мазмуни нима?
6. Факультатив ва облигаторли қайта суғурталашни фарқ қилувчи томонларини курсатинг.

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. «Иқтисодий ислохотлар масъулияти босқич», - Т.: «Ўзбекистон», 1994 й.
2. Каримов И.А.«Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг асосий тамойиллари»- Т.: «Ўзбекистон» , 1995 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон халқи ўз тараққиёт йулидан қайтмайди» Т.: «Ўзбекистон» 1996 й.
4. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий кутарилиш йулида» Т.: «Ўзбекистон» , 1996 й.
5. И.А.Каримов «Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби». Т.: «Ўзбекистон» , 1997 й.
6. И.Каримов. «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари».-Т.: «Ўзбекистон» 1997 й.
7. И.Каримов. «Ўзбекистон буюк келажак сари».-Т.: «Ўзбекистон», 1998 й.
8. И. Каримов. «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда». -Т.: «Ўзбекистон» , 1999 й.
9. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. -Т.: «Адолат», 1996 й.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни. 2002 й.
- 11.Е.М.Журавлёв. Страхование во-внешэкономических связах. –М.: Издательский центр «Анкил», 1993 й.

- 12.В.В.Шахов. Страхование. Учебник. М.: издательство «ЮНИТИ», 2000 г.
- 13.Г.Гомелля. Основу страхового дела. Учебное пособие. – М.: издательство «СОМИНТЭК», 1998 г.
- 14.В.Б.Кутунов. Основу финансовой и страховой математики. –М.: издательство «ДЕЛО», 1998 г.
- 15.Дэвид Бланд. Страхование: принципу и практика. –М.: издательство «Финансу и статистика», 1998 г.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. А.Н.Зубец. Страховой маркетинг.-М.: издательство «АНКИЛ», 1998 г.
2. И.Т.Балабанов, В.Н.Степанов. Занимательное страхование. –М.: издательство «Финансу и статистика», 1998 г.
3. Приктикум по страховому делу. Под ред. В.И.Рябикова. –М.: издательство «Финстатиформ». 1998 г.
4. Х.М.Шеннаев. Страхование как стратегическая сфера экономики. – журнал «Экономика и статистика», №1 1998 г.

=айтиш

## **12-Мавзу: Суғурта фаолиятининг молиявий асослари**

### **Режа**

1. Суғурта ташкилотлари молиясининг ташкилий асослари ва хусусиятлари
2. Суғурта ташкилотларининг даромадлари ва ҳаражатлари
3. Суғурта ходимларининг иш хақи ва рагбатлантириш тизими
4. Молиявий режалаштириш ва хисоботлар тузиш

### **Суғурта ташкилотлари молиясининг ташкилий асослари ва хусусиятлари**

Мамлакатимизда суғурта ташкилотларининг молияси табиий оғатлар, кутилмаган ходисалар натижасида етказилган заарларни қоплаш ва уларни олдини олиш мақсадида шаклланган пул ресурслари фондлари билан боғлиқ муносабатларни ифода этади.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин марказлашган сұғурта фонди ўрнига марказлашмаган айрим давлат акциядорлик ва хусусий сұғурта компанияларининг молияси шаклланди.

Мустақиллик йилларида сұғурта марказлашган тартибда әмас, балки марказлашмаган тартибда бошқарыла бошланди. Хозирда ҳар бир сұғурта ташкилоти узининг мустақил молиясига эга бўлиб, улар орасида давлат акциядорлик сұғурта ташкилотлари Ўзагросуғурта, Кафолат, Ўзбекинвест ва Мадад сұғурта ташкилотларининг мустақил молиялари марказий ўрин тутади.

Хозирда сұғурта ташкилотларининг молиясини ташкил этувчи пул муносабатлари икки йўналишда амалга оширилмоқда:

1. Сұғурта химояси ташкил қилиш билан боғлиқ пул муносабатлари;
2. Сұғурта фондини ташкил қилиш билан боғлиқ пул муносабатлари;

Ўз навбатида сұғурта химоясини шакллантирувчи пул муносабатлари яна икки босқичдан утди. Биринчи босқичида сұғурта фондини шакллантирувчи тақсимлаш муносабатлари, иккинчи босқичда ундан фойдаланиш билан боғлиқ инвестиция муносабатлари амалга оширилади.

Сұғурта фондлари тариф асосида хисобланадиган сұғурта тўловлари асосида шаклланади.

Сұғурта тўловларини қабул қилиш ва унинг сарфланиши бир вақтда содир булмасдан, турли вақтларда содир булади. Тупланган сұғурта маблагларининг бир қисми сұғурта ташкилоти ихтиёрида қолади. Лекин бозор иқтисодиёти даврида сұғурта ташкилоти факат уз ҳаражатларини қоплаш билан чегараланмай, балки фойда олишни ҳам кузда тутади.

Шуни айтиш керакки, бу ўринда «фойда» атамаси шартли маънода қулланилади, чунки сұғурта ташкилотлари миллий даромад хосил қилишда қатнашмайдилар. Шунинг учун улар катта хажмда фойда олишга интилмасликлари керак, чунки бунинг натижасида сұғурта ташкилоти билан сұғурталанувчи ўртасидаги эквивалентлик тамойили бузилади.

Фойда деганда - шундай ижобий натижа кузда тутиладики, сұғурта химоясини амалга ошириш мақсадида даромадларнинг ҳаражатлардан ошган холда мувозанатланиши таъминланади. Шунга қарамасдан худудда камрок зарар курилса, сұғурта ташкилотларининг фойда миқдори баъзан юқори булиши мумкин.

Сұғурта ташкилотлари фойдасининг асосий манбаи унинг инвестиция фаолияти хисобланади. Бу фаолият натижасида сұғурта фонди маблагларининг бир қисми тижорат мақсадларини қузлаб сарфланади.

Сұғурта фаолиятининг мақсади улкан ижтимоий аҳамиятига эга бўлган кўрсатиладиган хизматлар бўлса, инвестиция фаолиятининг

мақсади эса фойда олишдан иборат. Хақиқатдан ҳам бу икки йўналиш узаро узвий bogланган.

Шундай қилиб суғурталанувчининг молиявий барқарорлигининг негизи уларнинг устав капиталини ва суғурта захираларини мавжуд бўлиши, шунингдек, қайта суғурта қилиш тизимидан олинган манфаатдорлик хисобланади.

## **Суғурта ташкилотларининг даромади ва ҳаражатлари**

Суғурта ташкилотлари даромад ва ҳаражатларининг мувозанати уларнинг барқарорлигини ифода қиласди.

Суғурталовчилар зиммаларига олган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида шахсий суғурта бўйича бўлғуси тўловлар, мулкий ва жавобгарлик суғуртаси бўйича захираларни вужудга келтирадилар. Бу захиралар мусодара қилиниши мумкин эмас. Улар соликлар тулангандан кейин қоладиган ва ўз ихтиёrlарига келиб тушадиган даромадларидан уз фаолиятларини таъминлаш учун зарур булган фондлар ташкил қилишлари мумкин.

Суғурта ташкилотларининг даромадлари суғурта тадбирларидан инвестиция фаолиятларидан ва бошқа тушумлар хисобидан шаклланиши мумкин. Суғурта тўловлари суғурта ташкилотларининг бирламчи даромадидир. Унинг асосида суғурта маблагларининг доимий ҳаражатлари амалга оширилади, шу билан бирга у инвестиция фаолиятини маблағ билан таъминлашининг манбаи хисобланади.

Суғурта ҳаражатларига маблаг сарфлаш билан унинг ихтиёрига даромадларнинг келиб тушиши уртасида муайян вақт ўтади. Бу вақт давомида даромад билан ҳаражатнинг фарқидан, яъни даромадларни ҳаражатлардан ошган қисмидан фойдаланиш мумкин. Шахсий суғуртада захира маблағлари 10 ва ундан куп даврда суғурта ихтиёрида булиши мумкин ундан ташқари алоҳида захира ва резерв фондлари шаклланади. Демак, улар ун йиллар давомида ҳаракатсиз ётиши мумкин. Бу имкониятлар суғурта фондидан суғурталовчининг қарз фондини шакллантиришга, тижорат муносабатларида қатнашишга имкон беради.

Суғурталовчининг бу маблаглари иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғига кредит тўғридан-тўғри бериш қимматбахо қофозлар сотиб олиш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари суғурта ташкилотлари кадрлар тайёрлаш, маслаҳат бериш ва бошқа хизмат курсатишдан ҳам даромад олишлари мумкин.

Суғурта ташкилотларининг ҳаражатлари суғурта фондининг тақсимланиши жараённида шаклланиши мумкин. Бу ҳаражатлар икки бир-бирига боғлиқ иқтисодий жараёнга хизмат қиласди.

1. Суғурта бўйича заарларни қоплаш мажбуриятларини суғурталанувчиларга тулаш.
2. Суғурта ташкилоти фаолиятини маблаг билан таъминлаш.  
Харажатларни қуйидаги моддаларга ажратиш мумкин:
  1. Суғурта қопламалари ва суғурта таъминотига маблаг ажратиш;
  2. Суғурта резервларига маблаг ажратиш;
  3. Огохлантириш тадбирлариiga маблаг ажратиш;
  4. Маблаглардан бир қисмини қайта суғурталашга утказиш;
  5. Суғуртани бошқаришга маблаг ажратиш;
  6. Бошқа харажатлар.

Бу харажатларнинг ҳаммаси суғурта хизматларининг таннархини ташкил қиласди. Таннархни икки гурухга булиш мумкин:

1. Кенг маънодаги таннарх;
2. Тор маънодаги таннарх.

Юқоридаги санаб ўтилган барча харажатлар кенг маънодаги харажатларга киради. Суғуртани бошқариш харажатлари эса (маъмурий) тор маънодаги таннархга мисол булади.

Жаҳон амалиётида суғуртанинг бошқариш харажатлари эквизацион инкасса, тугаллаш ва бошқариш харажатларига булинади. Эквизацион харажатлар шартнома тузиш мақсадларида амалга оширилади. Шартнома тузишдан олдин тиббиёт кўригидан ўтиш керак.

Инкасса харажатлари суғурта тўловларини тўлаш билан боғлиқ бўлиб, ходимларга меҳнат хақи сифатида берилади. Тугаллаш харажатларига суғурта комиссиялари ва экспортларнинг суғурта ходисаси содир булган жойларга боришлири билан боғлиқ йул хақи, суд харажатлари, алоқа харажатлари ва бошқалар киради. Бошқариш харажатлари ходимларнинг маъмурий идора харажатларидан ташкил топади.

Суғурталанувчининг даромад ва харажатларини таққослаб суғурта тадбирларининг якунлари аниқланади. Бу курсаткич суғурта ташкилотининг барча фаолияти ва суғурталашнинг ҳар бири бўйича хисобланади.

Молиявий натижа икки курсаткич билан ифодаланади:

1. Суғурталовчининг фойдаси (зарари);
2. Бадаллар резервининг купайиши.

Суғурта тадбирларидан олинадиган фойда суғурта хизматлари курсатиш баҳоси билан унинг таннархи уртасидаги фарқ сифатида хисобланади. Даромадлик даражаси рентабеллик сифатида йиллик фойда

микдорини йиллик суғурта бадаллари микдорига муносабати сифатида аниқланади.

Суғурта тадбирларидан олинадиган фойдадан ташқари инвестиция тадбирларидан ҳам фойда олиниши мумкин.

Суғурта ташкилотининг суғурта тадбирлари ва инвестиция фаолиятидан олинадиган даромадлари даромад солигига тортилади.

Суғурта ходисаларининг тасодифий содир булиши қулай шароитлар ва айрим йилларда ортиқча маблаглардан захира фондини шакллантиришни тақозо этади. Бу тадбир суғурта ташкилотлари молиявий ахволини барқарор булишини таъминлайди.

Резерв-(захира)фонdlарини манбаи нетто ставкасининг ортиб қолган маблаги бўлиб, бу қолдиқ, йилдан йилга кўпайиб ва ноқулай йилда сарфлаш учун тўпланиб борилади. Ноқулай йилларда харажатларнинг даромадларидан ортган қисми ана шу резерв фонdlари хисобидан қопланади.

Суғурта соҳасида заарнинг 3 хили кузатилади.

Биринчи хилга ҳар йили такрорланиб турадиган бир меъёрдаги заарлар хажми киради, иккинчисига уртacha заардан купроқ содир булган заарлар, учинчисига эса улкан сифатлар натижасида хосил булган катта миқёсдаги заарлар киради. Биринчи ва иккинчи хил заарларни суғурта ташкилоти хисобидаги захира фонdlари хисобидан қопланса, учинчи хилдаги заарлар эса катта миқдордаги захира фондини ташкил қилишни талаб қиласди.

Катта миқдордаги захира фонdlари бир неча суғурта ташкилоти иштирокида ташкил қилиниши мумкин. Бундай фонdlарни ташкил қилишда қайта суғурталаш усулларидан ҳам фойдаланиш тақдим қилинади. Бундан ташқари суғурта захираларини шакллантиришда бадаллар резервлардан ҳам фойдаланилади.

### **Суғурта ходимларининг иш хақи ва рағбатлантириш тизими**

Бозор шароити суғурта ходимларининг иш хақи ва рағбатлантиришни амалга оширишни янги усулларини тавсия қиласди. Илгари суғурта ходимларининг иш хақи марказлаштирилган шаклда амалга оширилса, энди ҳар бир суғурта ташкилоти иш хақи тизимини уз шароитига қараб белгилайди. Иш хақи икки йўналишда белгиланади.

Биринчиси, вақтбай иш хақи. Бу иш хақининг асосан суғурта соҳасидаги мутахассисларга нисбатан жорий қилинади ва қўйидаги формула асосида белгиланади.

### **В П қ К хт**

**П вақтбай иш хақи  
К шартнома иш хақи ставкаси  
Т бажарилган иш вақти (ой)**

Бундан ташқари ўз вазифаларини бажаришда юқори курсаткичларга эришган ходимларга иш хақига мукофот қушиб берилиши мумкин, бунда иш хақини вақтбай мукофот усули деб аталади.

Суғурта ташкилотларида умумий штатда курсатилган ходимлар билан бирга штатдан ташқари ходимлар ҳам хизмат қиласади.

Иш хақи фондини хисоблашда қуидагилар хисобга олинади:

1. Тариф ставкалари билан хисобланган иш хақи;
2. Мукофотлар;
3. Байрам ва дам олиш кунларида ишлагани, хизмат командировка (сафар) харажатлари;
4. Мөхнат таътили учун туланган харажатлар;
5. Ўриндошлиқ йули билан бажариладиган хизмат хақи;
6. Ижтимоий суғурта йули билан бериладиган нафақа.

Бундан ташқари суғурта ташкилотларининг фойдаси хисобидан суғурта ходимларини маиший ахволини яхшилаш фондни ташкил қилиниб, унинг хисобидан мукофотлар берилиши мумкин.

**Молиявий режалаштириш ва хисоботлар тузиш**

Молиявий прогнозлаш марказлаштирилган тартибда эмас, балки марказлаштирилмаган тартибда амалга оширилади. Ҳар бир давлат ва хусусий суғурта ташкилоти уз фаолиятини режалаштиради.

Режалаштириш қуидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Режалаштирилиш мақсади аникланади;
2. Ҳар бир мақсадни амалга ошириш учун сарфланадиган маблаглар ва хосил буладиган даромадлар аникланади;
3. Режани бажариш босқичлари аникланади;
4. Режани текширилади, баҳоланади ва тегишли хулоса чиқарилади.

Суғурта ташкилотининг режаси асосан даромад ва ҳаражат баланси шаклида тузилади.

Бу молиявий режанинг асоси суғурта тўловларининг тушуми хисобланади. Суғурта тўловлари тушумининг режалаштирганда, биринчи

навбатда хуқуқий ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномалар эътиборга олинади. Режалаштириш сугуртанинг ҳар бир тури бўйича амалга оширилади.

Режалаштириш қўйидаги босқичларни узида мужассамлаштиради:

1. Жорий йилда олиниши кутилган тўловлар тушуми;
2. Шартноманинг сони, бир шартномага тўғри келадиган тўлов миқдори.

Бу икки курсаткични аниқлаб, сугурта тушумининг миқдори аниқланади. Бунда айрим сугурта тўловларининг муддати ва хусусиятлари эътиборга олинади.

Учинчи босқичда кўрсаткичларни ҳар бир ижрочига етказиш, маълум қилиш керак булади. Ҳар бир сугурта агенти узининг режа кўрсаткичларига эга булиши керак. Йиллик режа чоракларга бўлиб хисобланади.

Сугурта ташкилотининг молиявий режаси даромад ва ҳаражат бўлимларига ажратилиб алохидা жадвалларда тузилади. Бунда сугурта ташкилоти даромад ва ҳаражатларининг ҳар бир тури курсатилади.

Масалан, «Ўзагросуғурта» чекланмаган миқдорда сугурта фондини белгилаши мумкин. Захиравий фондлар устав фондининг 25 фоизини ташкил қиласди, у компания даромади хисобидан ташкил қилинади.

Компания уз фаолиятини амалга ошириш учун бошқа фондларни ҳам ташкил қилиши мумкин.

Сугурта компанияси молиявий хўжалик фаолиятининг асосий умумлаштирувчи курсаткичларига маблаглар тушумлари ва ишлаб чиқариш ҳаражатларига ажратиладиган маблаглар, захиравий фондлар, иш юритиш ҳаражатлари киради.

Солик тулангандан кейин қолган даромаддан компаниянинг фондларини ташкил қилиш ва купайтиришга йуналтирилган маблаглар иш хақи фонди, ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва моддий рагбатлантириш фондлари чегириб ташлангандан кейин соф фойда аниқланади. Бу фойда дивидендлар шаклида акциядорлар орасида эгалик қилаётган акциялари сонига қараб пропорционал тақсимланади.

Сугурта компаниялари уз фаолияти юзасидан бухгалтерия ва статистика хисботини олиб боради. Йиллик хисбот акциядорларининг умумий йигилишида тасдиқланади.

### **Таянч сўз ва иборалар**

1. Сугурта ташкилотининг даромади
2. Сугурта ташкилотининг ҳаражати

3. Суғурта ташкилотлари молиявий режаси
4. Молиявий хисобот
5. Суғурта назорати

### **Назорат учун саволлар**

1. Суғурта ташкилотлари молиясининг ташкилий асослари нималардан иборат?
2. Суғурта ташкилотлари молиясининг хусусиятини санаб беринг.
3. Суғурта ташкилотларининг даромадлари нималардан ташкил топади?
4. Суғурта ходимларининг иш хақи қандай хисобланади?
5. Суғурта ходимларини рагбатлантириш қандай амалга оширилади?
6. Молиявий режалаштириш деганда нимани тушунасиз?
7. Молиявий хисоботлар қандай тузилади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
3. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т-«Ўзбекистон» 1995 йил.
4. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т-«Ўзбекистон» 1998 йил.
5. И.А.Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йули» Т-«Ўзбекистон» 1998 йил.
6. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг уз истиқлол ва тараққиёт йули» Т-«Ўзбекистон» 1998 йил.
7. Х.Р.Собиров «Суғурта 100 савол ва жавоб» Т-«Мехнат» 1998 йил.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Пулов К.И. «Страховое дело в России» М-Эдма 1998 г.
2. Е.В.Коломин, В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
3. Л.И.Рейтман «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. В.В.Шахов «Введение и страхование» М-«Финансу и статистика» 1997 г.
5. Страховое дело. Учебник под реф. Проф. Л.И.Рейтман. М-«Банковский и биржевой научно-консультационный центр» 1996 г.

6. И.А.Краснова. Страхование с фонд финансово-кредит с отношения» М-«Анкил» 1997 г.
7. К.Е.Турбинова. Обхества взаимного страхования. М-«Анкил» 1996 г.

=айтиш

### **13-Мавзу: Жахон мамлакатларида суғуртанинг ривожланиши хусусиятлари**

#### **Режа**

1. Жахон мамлакатларида суғуртанинг нотекис ривожланиши
2. Жахон мамлакатларида суғурта ташкилотлари ва амалга ошириладиган суғурта турлари
3. Ривожланган мамлакатларда суғуртанинг ташкилий хусусиятлари
4. Фан ва техниканинг тараққиёти натижасида янги хавф-хатарларни вужудга келиши ва суғуртанинг янги турларининг шаклланиши

#### **Жахон мамлакатларида суғуртанинг нотекис ривожланиши**

Брюсселдаги фалокатлар бўйича тадқиқот маркази маълумотларига қараганда сўнгги 30 йил ичидаги дунёда табиий оғатлардан 36 миллионга яқин киши халок бўлди, 3 миллиард киши жабрланди, умумий иқтисодий зарар 340 миллиард долларни ташкил этди.

Оддий хисоб-китобларга қараганда фалокатлар, авариялар табиий оғатлар натижасида ҳар йили икки миллионга яқин киши халок бўлади, ҳамда бир неча ўн миллион киши заарланади ва жароҳат олади. Айни вақтда жаҳон иқтисодиётидаги ишлаб чиқарилган ялпи махсулотларнинг таҳминан 4-5 фоизининг бевосита ва билвосита заарлар ташкил қиласи.

Ўтган асрнинг 1998 йилининг ўзида жаҳонда фалокатли оқибатлар келтирган 538 табиий оғат юз берди ва эллик минга яқин киши халок бўлди, 126 миллион киши жабрланди ва ўз истиқомат жойларини ташлаб кетишига мажбур бўлди. Довуллар, бўронлар, ер кучиши, тўлқинлардан 300 миллион киши жабрланди.

Хулоса қилиб айтганда нобудгарчиликларни ўрнини қоплаш учун 90 миллиард доллардан кўпроқ маблағ сарфланди.

Келтирилган рақамлар жахон миқёсида барча мамлакатларда суғурталаш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Агарда, суғурталаш барча мамлакатларда бир текисда амалга оширилганда эди, суғурта пулининг анчагина қисми огохлантириш, олдини олиш тадбирларига сарфланган бўлар эди.

Ушбу омиллар суғуртанинг халқаро миқёсидаги улкан аҳамиятини курсатиб беради. Шу билан бирга жахонда суғурталаш етарли даражада ривожланмаганини кўрсатади.

Хозирда ўз суғурта тизимиға эга булмаган мамлакатни излаб топиш қийин. Айрим Африка мамлакатларида миллий суғурта ишларини хорижий мамлакат суғурта компаниялари бажаради. АқШнинг саноатлашган шаҳарларидан тортиб, Осиё ва Африканинг ичкарисидаги кичик мамлакатларигача, Хитойда, Хиндистонда, Австралияда суғуртанинг турли шакллари жорий қилинган.

Биз суғурта ташкилотлари XVII асрда Англияда куртак ота бошлаганлигини кўрсатган эдик, XVIII асрда суғурта Англиядан Россияга кўчган, дастлаб хорижий суғурта ташкилотлари, кейинчалиқ, миллий суғурта ташкилотлари барпо қилинган. XIX аср охирларида Туркистонда унинг филиаллари қад кўтарган, XIX асрларда жахон мамлакатларида суғуртанинг бир текисда ривожланмаганлиги сабаб, мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши бир хил бўлмаганлигиdir.

Иқтисодиёти тез ривожланган мамлакатларда суғуртанинг ривожланиш суръати секин булмаган, мамлакатдаги хусусий монополистик ташкилотларнинг ва корхоналарнинг иқтисодий тараққиёти суғуртанинг тез ривожланишига имкониятлар яратиб берган, лекин жахон мамлакатларида суғуртанинг халқаро хисоботи экспорт ва импорт каби намунали йўлга қўйилмаган. Шу сабабли ҳар бир мамлакатнинг жахон суғурта тизимидағи ўрни ҳақида батафсил маълумотларга жахон бўйича қопланган заарларни умум миқдорини хисоблаб чиқиши имкониятига эга эмасмиз, лекин кўрсаткичлар ҳам жахон суғуртаси ҳақида батафсил маълумот бериши қийин, ўртacha курсаткичлар эса аниқ тасаввур бермайди.

Суғурта ҳақида илмий жихатдан тасаввур берадиган курсаткич ҳар бир мамлакатдаги суғурта бадали суғурта мукофотининг миқдоридадир. Аникрофи бу кўрсаткичнинг миллий даромад ва ижтимоий маҳсулотда тутган ўрни, қолаверса суғурта бадалининг жон бошига қанчадан тўғри келиши, шунингдек суғурта ташкилотларининг сони орқали ифодаланишидадир.

Суғурта ташкилотларининг сони жихатидан АқШ, Англия ва Канадани пешқадам деб курсатсак, муболаға қилмаган бўламиз.

Ушбу мамлакатларда суғурта хиссаси жахон суғурта тўловларининг 40% дан ортигини ташкил қиласди. Европа мамлакатларида 30% ортиқ, Осиё мамлакатлари 25 %, Африка мамлакатларида эса 1,0% атрофида.

Келтирилган рақамлар анча эскирган, лекин кейинги йилларда Покистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда суғуртанинг ривожланишида анча силжиш бўлганлигини курсатиб ўтиш керак. Суғурта тўловининг жон бошига қанчадан тўғри келиши ҳам бизнинг хulosаларимизни тулдириши мумкин. Бу курсаткич бўйича Швецарияда 2,4 минг, Америкада 1,8 минг доллар, Хитойда атиги 2,4 долларга тўғри келади.

Шундай қилиб жахон мамлакатларида суғуртанинг турлича ривожланишига сабаб бир томондан табиий офатлар ва баҳтсиз ходисаларни ҳар бир мамлакатларнинг шароитига қараб турли муддатларда ва миқёсларда такрорланиб туриши булса, бу мамлакатларда қишлоқ хўжалигида асосий ўринни эгаллаган, дехқонларнинг суғурта имкониятларидан фойдаланишлари учун етарли шароитларга эга эмасликларидадир.

90-йилларга қадар жахон миқёсида шахсий суғуртанинг хиссаси молмулк суғуртасига нисбатан анча ортиқ эди. 90-йиллардан кейин шахсий суғурта динамикасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мулк суғуртасига нисбатан шахсий суғуртанинг устун ривожланиши давом этмоқда. БМТнинг 90-95 йил маълумотларига қараганда қитъалар ва мамлакатлар бўйича шахсий суғуртанинг хиссаси қўйидагича:

Европа 31% шу хисобда Буюк Британияда 9,3%, Францияда 5,5%, Германияда 5%, Россияда 2,7%, Голландияда 1,8%, Осиёда 34%, шу хисобда Японияда 28,7, Жанубий Кореяда 3,2%, Шимолий Америкада 31%, шу хисобда АҚШда 29,1%, Канадада 2,3%, Океанияда 1,8%, Африкада 1,3%, Лотин Америкасида 0,3%, ҳаёт суғуртасида Япония пешқадамлик қилмоқда (1,645 трлн доллар) ундан кейин Швецария (1,635 трлн доллар), АҚШ 6-ўринда, унинг суғурта капиталлари Япония фонддининг ярмига teng. Россия 27-ўринда, Япония суғурта фонддининг 1,8 қисмига teng.

Лекин АҚШ суғурта тизимида шахсий суғурта мулк суғуртасига қараганда устун хисобланиб, унинг суғурта фондидағи хиссаси 70% teng келади.

### **Жаҳон мамлакатларида суғурта ташкилотларини турлари ва амалга ошириладиган суғурта турлари**

Жаҳонда иш олиб бораётган неча 10 минглаб катта кичик суғурта ташкилотлари, уларнинг филиаллари тузилиши бир хил эмас. Бу ташкилотларни қўйидаги гурухларга бўлиш мумкин:

- 1) фуқароларнинг барча табақаларга хизмат қилувчи акциялари биржа ва бошқа йул билан сотиладиган эркин сұғурта компаниялари;
- 2) хусусий хиссадорлик сұғурта компаниялари, бу ташкилотларнинг хусусияти шундан иборатки унинг акцияларига маълум доирадаги шахслар эгалик қиласылар. Жамият қарори билан ишончли кишилар уларнинг акцияларини сотиб олиши мүмкін;
- 3) давлат сұғурта компаниялари, уларнинг акцияларига давлат тула ёки қисман эгалик қиласы. Бундан ташқари давлат томонидан айрим ихтисослашган сұғурта ташкилотлари барпо қилиниши мүмкін. Бу ташкилотлар экспортни сұғурталаш ёки қайта сұғурталашга ёрдам беришлари мүмкін;
- 4) ўзаро сұғурталаш жамиятлари. Айрим ишлаб чиқариш сохалари бундай сұғурта компаниялари тузилиб уларни асосий мақсади фойда олиш булмасдан мураккаб вазиятларда бир-бирларига узаро ёрдам курсатишидир;
- 5) айрим саноат ва савдо тармоқларига хизмат қилувчи ихтисослашган сұғурта ташкилотлари. Масалан, авиация сохасыда сұғурталаш чегараланған булғани учун, улар уз тармоқлари бўйича ихтисослашган ташкилотларни тузадилар;

Бу санаб утилган сұғурта ташкилотларининг даромадлари сұғурта тўловлари, чиқарган акциялар бўйича дивидендлар хисобига шаклланади.

Сұғурта ташкилотлари ихтисослашган ва ихтисослашмаган асосда уз ишларини ташкил қиласылар, ихтисослашмаган сұғурта ташкилотлари сұғуртанинг бир неча турлари бўйича уз фаолиятларини амалга оширадилар. Ихтисослашган сұғурта ташкилотлари қупинча 1-2 ихтисосли йўналишларда иш олиб борадилар. Дастреб шуни айтиш керакки, бундай ихтисослашиш 1978 йил 1 январдан бошлаб ташкил қилинган Европа Иқтисодий Ҳамкорлик тизимида тўлароқ ифодасини топган. Бу тизимда сұғуртанинг барча турлари дастреблеки икки турга булинади: узоқ муддатли ва қисқа муддатли умумий сұғурта гурухлари.

Узоқ муддатли сұғурта турларига қуйидаги сұғурта йўналишлари киради:

1. Ҳаётни сұғурталаш;
2. Никох ва фарзанд таваллудини сұғурталаш;
3. Узлуксиз сог-саломатлик сұғуртаси;
4. Капиталнинг қайта сұғуртаси;
5. Пенсия сұғуртаси;
6. Бошқа хиллардаги узоқ муддатли сұғурта усуулари.

Сұғуртанинг умумий турлари қуйидагилардан иборт:

1. Бахтсизлик ходисаларидан суғурталаш;
2. Бетоблик суғуртаси;
3. Автомобил суғуртаси;
4. Темир йул вагонлари суғуртаси;
5. Самолётлар суғуртаси;
6. Кемалар суғуртаси;
7. Юкларни транспорт суғуртаси;
8. Мулкларни ёнгин ва табиий оғатлардан суғурталаш;
9. Транспорт хайдовчиларини фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси;
10. Авиакомпания эгаларини фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси;
11. Кема эгаларининг фуқаролик жавобгарлик суғуртаси;
12. Умумий жавобгарлик суғуртаси;
13. Молиявий заарлар суғуртаси;
14. Суд ҳаражатлари бўйича тўловлар суғуртаси.

### **Жаҳон мамлакатларда суғурта тизими ва унинг хусусиятлари**

Суғурта бозори тушунчаси айрим мамлакатлар кўлами ва барча жаҳон мамлакатлари миқёсида қўлланилади. Жаҳон суғурта бозори ўз таркибига кура ривожланган ва бошқа мамлакатлардаги суғурта компаниялардан ташкил топган бўлиб, жаҳон миқёсида марказ жаҳон суғурта ташкилоти хукуқий жихатдан бир бутун ассоциация сифатида шаклланмаган булса ҳам, лекин Европа миқёсида бундай юридик ассоциация мавжуд. Булар томонидан биргаликда қатор умумий қонунлар қабул қилинган.

Бундай ассоциациялар фақат хукуқий томондан амалга оширилмасдан, балки иқтисодий жихатдан ҳам амалга оширилмоқда.

АқШ суғурта бизнеси услугий жихатдан Буюк Британиядан кейин ривожланган булса ҳам жаҳон миқёсида тутган ўрни жихатидан тенги йук хисобланади. Унинг суғурта монополиялари ривожланган индустрисал мамлакатлар суғурта бозорининг таҳминан 50% ни назорат қиласди. АқШда 8000 дан ортиқ мулк ва 2000 га яқин ҳаётни суғурталаш компаниялари фаолият курсатади.

АқШ суғурта тизимининг узига хос хусусияти шундан иборатки, мамлакат миқёсида ягона бирлашган марказий суғурта бошқармаси булмасада, суғуртани бошқариш ҳар бир штат миқёсида ташкил қилинган ва ҳар бир штатнинг уз суғурта қонунлари мавжуд.

Биринчи хусусияти шундан иборатки, АқШда 3 шаклдаги суғурта мавжуд. Буларнинг биринчиси, Бикифит (шахсий суғуртаси) бу суғурта фақат шахсий суғуртадан иборат бўлмасдан, тиббиёт суғуртаси, омонатлар, пенсия суғуртасини ҳам қамраб олади.

Иккинчиси тижорат суғуртаси хисобланади, у саноат тармоқлари бўйича ташкил қилинади. Барча суғурта компанияларининг активлари 1,6 трлн. бўлиб, ушбу курсаткич ҳар бир компания бўйича 950 млн. долларни ташкил қиласди. Булар орасида 2 йирик суғурта компанияси бўйича актив 45 млрд. долларга тенг келади. Барча суғурта компанияларининг фаолияти 3 консалтинг компанияси томонидан тахлил қилинади.

Бу тахлилда туланадиган қоплама, даромадлар ва фойда коэффициенти дебиторлик қарзлари марказий ўрин тутади, тахлилда электрон банк марказий ўрин тутади.

Учинчи хусусияти шундан иборатки, пенсия тўловлари суғурта компанияларининг обруси юқори булганлиги сабабли пенсия таъминотини бошқариш уларнинг ихтиёрига берилган. Пенсия фондларини бошқаргани учун суғурта ташкилотлари тегишли хизмат хақи оладилар. Бундан ташқари уз маблагларидан инвестиция мақсадлари учун фойдаланилади.

Суғурта компаниялари Америка саноат компаниялари билан биргаликда ишлайдилар. Ташкилий жихатдан суғурта ишлари акциядорлик жамиятлари билан ҳамкорликда суғурталаш жамиятлари билан биргаликда иш олиб борадилар. Уларнинг асосий вазифаларини андеррайтер ва суғурта брокерлари амалга оширадилар. Масалан Проднешнл жамиятида 22 минг суғурта брокери хизмат қиласди. Стейд, Сигна, Америка Интернейшнл Групп (АИГ) суғурта компаниялари жахон миқёсида фақат суғурта операцияларинигина эмас, балки кредит, хисоб-китоб операцияларини ҳам бошқарадилар.

#### Буюк Британия суғурта тизими.

Буюк Британия суғурта бозорининг маркази Лондон хисобланиб, шаҳар узининг куп қиррали суғурта фаолияти билан жаҳонда машхур. Унда жаҳондаги йирик суғурта компанияларининг ваколатхоналари мавжуд, улар фақат суғурталаш билангина эмас, балки қайта суғурталаш билан ҳам шугулланадилар. Булар орасида «Ллойд» суғурта компанияси марказий ўрин эгалайди.

Буюк Британия суғурта бозорининг хусусияти қўйидагилардан иборат:

1. Аҳолига хизмат курсатадиган пенсия, инвестиция компаниялари фақат автомобилларгина эмас, балки бошқа уй-рузгор мол-мулклари, жавобгарлик, фуқаролик суғурта ва суғуртанинг бошқа турлари билан ҳам шугулланадилар;
2. Акциядорлар жамияти ҳамкорлик суғуртаси йўли билан ўзларига тегишли суғурта турларини амалга оширадилар;
3. Суғурта ташкилотлари орасида Ллойд суғурта ташкилоти марказий ўринни эгалайди, унга 400 суғурта синдикатлари қарайди. Улар андеррайтерлар томонидан бошқарилади. Бундан ташқари

- брокерлар томонидан оддий ва қайта суғурта шартномалари тузилади;
4. Суғурта ташкилотлари устидан савдо ва саноат департаментининг суғурта назорат бўлими назорат урнатади. Суғуртанинг айrim турлари бўйича рухсат олиш учун департамент бўлимига қатор хужжатлар тақдим этилади;
  5. қайта суғурта хажми чекланган бўлиб, 10 дан 20% гача олинган мажбурият хисобидан қайта суғурталанади;
  6. Савдо ва саноат департаменти хузурида суғурталангандар хукуқини химоя қилиш бўлими бўлиб, бўлим ихтиёрида маҳсус фонд ташкил қилинган, унинг хисобидан зарар курган суғурта ташкилотларига дотация берилади;
  7. Буюк Британияда фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси мавжуд. Транспорт, уй хайвонлари бундан ташқари бухгалтерлар, адвокатларнинг касб жавобгарлиги бўйича суғурта шартномалари тузилади;
  8. Молиявий хисбот аудитор текширувидан ўтади;
  9. Суғурта ташкилотлари уз фойдасидан мол-мулк учун солик тўлайдилар.

### Германия суғурта бозори.

Германия суғурта бозорида мол-мулк суғуртаси 51%, шахсий суғурта 37%, тиббиёт суғуртаси 12% ни ташкил қиласди. Бу суғурта тўловлари фақат фуқароларга тегишли булмасдан балки юридик шахсларга ҳам тегишилдири. Ҳаммаси бўлиб суғурта ташкилотлари фаолияти фуқароларга хизмат курсатиш бўйича 87%, хукуқий шахсларга эса 13% ни ташкил қиласди.

Суғурта фаолияти икки йўналишга эга:

1. Ижтимоий таъминот;
2. Суғурта хизматини кўрсатувчи сектор.

Ижтимоий таъминот йўли билан қарилик, вақтинча меҳнат қобилиятини йуқотиши, ишсизлик суғурталанади.

Хусусий сектор З йўналишда фаолият курсатади:

1. Акционерлик жамиятлари мулкини суғурталаш;
2. Ҳамкорлик (узаро) суғуртаси;
3. Давлат суғуртаси.

Суғуртани бошқариш Германияда яхши йулга қўйилган. Махсус суғурта компаниялари фаолиятини назорат қилиш департаменти мавжуд бўлиб, унинг асосий вазифаси суғурталанганлар хукуқини химоя қилишдан иборат бўлиб, бунинг сабаби Германияда суғурта ташкилотлари келтирилган заарларни қоплайдиган фонд ташкил қилинмаганидадир.

Суғурта ташкилотлари федерал вилоятлар (ер органлари) томонидан назорат қилинади. Барча вилоят суғурта компаниялари устидан Федерал Назорат Департаменти кузатиб боради.

Германияда ихтиёрий суғурта билан бирга мажбурий суғурта ҳам мавжуд бўлиб, бунда ёлланиб ишловчилар, автотранспорт эгаларини учинчи шахсга етказган заарлари, хаво транспорти ходимлари, доридармон ишлаб чиқарувчилар мажбурий тартибда суғурталанадилар.

Ҳар бир суғурта ташкилоти йиллик хисобот топширади. Суғурта ташкилотлари даромади солиқлар воситасида билан тартибга солинади. Суғурта фаолиятидан 50% ставка билан ҳаёт суғуртасидан ташқари тузилган барча шартномалар бўйича келадиган даромадлардан солик олинади.

### Япония суғурта тизими

Японияда суғурта дастлаб XX асрнинг уртасида Буюк Британиянинг ташаббуси билан вужудга келган. Фақат Йокогомада 240 та суғурта ташкилоти фаолият кўрсатган. Лекин дастлабки миллий суғурта ташкилоти 1879 йилда Токио Марина номи билан 8 йил бўлгандан кейин ёнфинга қарши суғурталайдиган Ясуда суғурта компанияси қад кутарган.

Бу ташкилот фақат мулкларни суғурталаш билан эмас, балки шахсий суғуртани амалга ошириш билан шугулланган бўлиб, лекин дастлабки даврларда суғурта ташкилотлари фаолиятлари давлат томонида эмас эдилар. Фақат 1900 йилда биринчи суғурта конуни қабул қилиниб, суғурта замон талабларига жавоб берадиган тартибда ташкил қилина бошланди, мулкий суғурта билан шахсий суғурта уртасидаги хусусиятлар аниқланди. Шу йилдан бошлаб суғурта устидан давлат назорати урнатилди. Утган 100 йил давомида суғурта ҳақидаги қонунга фақат икки маротаба узгартириш киритилди.

1940 йилда суғурта ташкилотларининг сони 48 тага етди. Уруш даврида суғурта ташкилотлариниг сони бир мунча қисқарган булса ҳам, 1955 йилга келиб, айниқса автомобилларни суғурталаш ҳақидаги қонун қабул қилингандан кейин, суғурта тез суръатлар билан ривожлана бошлади.

Хозирда Японияда 56 та суғурта компаниялари мажуд бўлиб, 1955 йилга нисбатан суғурта тўловлари 130 баробарга яқин купайди. Йиллик усиш 13% ни ташкил қиласиди. Япония иқтисодиётининг ривожланиши

натижасида суғурта ташкилотларини жамгармалари 100 млрд. АқШ долларини ташкил қилди. Суғурта агентликларида 1 млн.дан ортиқ агент фаолият кўрсатади.

Суғурта турлари орасида автомобилларни суғурталаш катта ўрин тутади, унинг хиссаси 51,1%, денгиз транспорти суғуртаси 10% дан ортиғни ташкил қиласди.

Суғурта ташкилотлари фаолияти устидан Япония молия вазирлиги назорат олиб боради. Вазирлик қошидаги ассоциациялар суғурта, айниқса автомобиль суғуртасининг ставкасини, баҳтсизлик ходисалари, ёнгин суғуртаси шахсий суғуртанинг бошқа турлари бўйича таърифларни белгилайди.

Япония суғурта ташкилотлари иқтисодий жихатдан барқарор булишларига қарамасдан ўз фаолиятларини кенгайтиришга, бунинг учун ҳаражатларни камайтиришга алоҳида аҳамият бердилар. Японияда юкларини суғурталаш дикқатга сазовордир. Озиқ-овқат, саноат товарлари музлатилган гуштларни ташиб алоҳида хусусиятларга эга. Бунда таъриф кўлланган маршрут юкнинг тури ва ташиб усули хисобга олинади. 1996 йил апрелда суғурта қонунига киритилган узгартиришларда суғурта ишида давлатнинг аралашувини камайтириш, мулк ва шахсий суғуртанинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилди.

Аҳоли таркибида қарияларнинг хиссасини ошириб бориши суғурталашда ҳам эътиборга олинмоқда. Автомобиль суғуртасида хайдовчини ёши, тажрибаси, машина маркаси, олиб қочиш содир булганда қаршилик курсатиш воситалари ва бошқалар эътиборга олинади. Кейинги йилларда суғурта тизимини йириклиштиришга алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилиб хорижий мамлакатларда суғурта халқаро суғурта бозорининг таркибий қисми хисобланади. Суғурта ёрдами билан ялпи миллий маҳсулотининг 8-12% тақсимланади. Суғурта бадаллари йирик инвестицияларнинг манбай хисобланади ва суғурта фонdlаридан давлат қарзларини тулашда ҳам фойдаланилади.

Кўпчилик мамлакатларда суғурта марказлаштирилмаган холда бошқарилади, лекин хозирда суғуртани бошқаришни марказлаштирилган холда ташкил қилишга алоҳида аҳамият бермоқда. Унинг учун зарар курган суғурта ташкилотларини фаолияти устидан назорат кучайтирилмоқда.

Жаҳон миқёсида мамлакатлар уртасида суғурта алоқаларининг ривожланиши билан қайта суғурталаш операцияларини кенгайтиришга алоҳида аҳамиятга эга булмоқда.

## **Фан - техника тараққиёти натижасида янги хавф-хатарларнинг вужудга келиши билан суғуртанинг янги турларини шаклланиши**

Жаҳонда фан-техника тараққиёти илмий техника ривожланишига ижобий таъсир курсатмоқда. Шу муносабат билан бошқа мамлакатларда амалга ошириладиган ёки келгусида истиқболга эга булган суғуртанинг турларига қуидаги хавф-хатарларни киритилиши мумкин:

1. Дастрлаб бошқа сайёralарга мунтазам космик кемаларининг парвозини ташкил этилиши муносабати билан осмонга учиш тадбирлари бўйича суғурта;
2. Атом хавф-хатари суғуртаси, бу суғурта атом асосида ишлайдиган электр станцияларга доир суғурта;
3. Роботлар ва электрон хисоблаш машиналари бўйича суғурта;
4. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бўйича суғурта;
5. Янги ихтиrolар ва қашфиётларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича суғурта.

Хорижий мамлакатлар суғурта компаниялари томонидан суғурта ишларини ташкил этиш бўйича қатор тажрибалар тўпланган бўлиб, мамлакатимизда суғурта ишларини кенгайтириш учун биринчи навбатда ушбу тажрибалардан фойдаланиб, қуидаги тадбирларни амалга оширилиши лозим:

1. Суғурта бозорини ташкил қилиш ва суғурта назоратини амалга оширишни такомиллаштириш;
2. Ташқи савдо билан боғлиқ тадбирларни суғурталашни кенгайтириш;
3. Ўзбекинвест ЭИМСК фаолиятини кенгайтириш;
4. Туризм ва автотуризмни суғурталашга алоҳида аҳамият бериш;
5. Кредитни суғурталашни кенгайтириш;
6. Жавобгарлик суғуртасининг бошқа турларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
7. қурилиш, коммунал хўжалиги корхоналарини суғурталаш тадбирларини ишлаб чиқиш;
8. қишлоқ хўжалик корхоналарини суғурталашни қайта қуриш;
9. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни суғурталашни янги усусларини жорий қилиш;
10. қайта суғурталаш ишларини янада такомиллаштириш;
11. Бошқа мамлакатлар билан суғурта соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, суғурта соҳасида хизмат қилувчи кадрлар тайёрлашни яхшилаш.

### **Таянч сўз ва иборалар**

1. Европа суғурта бозори
2. Юклар суғуртаси
3. АқШ суғурта бозори
4. Буюк Британия суғурта бозори
5. Германия суғурта бозори
6. Япония суғурта бозори
7. Атом хавф-хатари суғуртаси
8. Фуқаролик жавобгарлик суғуртаси
9. Ллойд суғурта компанияси
10. АИГ суғурта компанияси

### **Назорат учун саволлар**

1. Жаҳондаги мамлакатларда суғурта қандай ривожланган?
2. Суғуртанинг нотекис ривожланиши деганда нимани тушунасиз?
3. Европа суғурта бозорининг узига хос хусусиятларини санаб утинг.
4. Япония суғурта бозорининг узига хос жихатлари нимада?
5. Германияда суғуртанинг ривожланиш хусусиятларини санаб утинг.
6. Фан-техника тараққиёти натижасида суғуртанинг қандай янги турлари шаклланмокда?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Тошкент 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти ҳақида»ги қонуни Тошкент 2002 й.
3. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йулида» Т-«Ўзбекистон» 1995 йил.
4. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т-«Ўзбекистон» 1998 йил.
5. И.А.Каримов «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг узига хос йўли» Т-«Ўзбекистон» 1998 йил.
6. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» Т-«Ўзбекистон» 1998 йил.
7. Х.Р.Собиров «Суғурта 100 савол ва жавоб» Т-«Меҳнат» 1998 йил.
8. Х. Шеннаев «Суғурта сизга нима беради?» Т.: 2004 йил

### **Кўшимча адабиётлар**

1. Х.Р.Собиров «Хитойда суғурта» «Иқтисод ва хисобот» 1998 йил.

2. Страховое дело. Учебник под реф. Проф. Л.И.Рейтман. М-«Банковский и биржевой научно-консультационный центр» 1996 г.
3. Е.В.Коломин, В.В.Шахов «Словарь страховых терминов» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
4. Л.И.Рейтман «Страховое дело» М-«Финансу и статистика» 1999 г.
5. В.В.Шахов «Введение и страхование» М-«Финанси и статистика» 1997 г.

=АЙТИШ